



Орзубек БОБОЕВ,
ЎЗМУ ҳуқуқшунослик
факультети талабаси.

«...БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ...»

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида маънавият тушунчасига дунда таъриф берилган: “Маънавият— инсонни руҳан поклагани, қалбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

Шунингдек, ушбу асарда мустақилликнинг асл моҳияти маънавий тикланиш ва юксалишдан иборатлиги алоҳида таъкидланади. Демак, маънавиятга таҳдид ўзлигимиз ҳамда келажакимизга таҳдидир.

Ғарбда, Европада асосан иқтисодий тараққиёт, ғарбона маданий ривожланиш биринчи ўринга қўйилаётган бир пайтда Ўзбекистонда ўзлик, миллий гурурни кўтариш сиёсат даражасидаги масала қилиб қўйилаётгани ғоят муҳимдир. Сабаби, биз маънавий ҳолатимиз, тутумимиз, қарашларимиз билан четдан ибрат олишга муҳтож бўлмаганмиз. Аксинча, маънавий таҳдидлардан эҳтиёт бўлишимиз керак, холос.

Шу маънода Президентимизнинг мазкур китоби ҳозиргача ёзилган айни мавзудаги рисоалари билан бирга яхлит дарслик десак бўлади.

Маънавият, албатта, кенг тушунча.

Адабиёт эса маънавиятнинг ўзагидир.

А.Қаҳҳор бир пайтлар адабиётнинг залворини атомдан кучли деган эди. Шу атомдан кучли адабиёт қарийб бир аср шўро мафқурасига мардикорчилик қилди. Жаннат каби таърифланадиган, аслида биров кўз олдига келтиролмайдиган коммунизмга хизмат қилди.

Аслида эса... ҳаммаси пуч экан.

У замонда армон ҳақида шеър битиш ҳам хатарли эди. Шоир замондан армон қилмаяпман, энг катта армоним муҳаббатдир, деб “исботлаш”га мажбур эди...

Ўн етти йилда, таъбир жоиз бўлса, мустақиллик адабиёти шаклланди. Юртимизда бу жараён қон тўкилмай, тадрижий, босқичма-босқич ривожланиб келаётгани учун у бир қарашда илгаригидай инқилобчи қаҳрамонларсиз, ўз-ўзидан бўлаётгандай туюлади. Аслида эса не-не машаққат, заҳмат, ақл-идроку сабр-матонат меваси у.

Ёшлар, айниқса, бу нарсани билишлари шарт.


Биргина адабиётда ёшлар учун жуда кенг имкониятлар туғилди. Ҳар йили сараланган қизларимиз Зулфия номидаги Республика Давлат мукофоти соҳиби бўлишаётир. Ўзбекистон Маданияти ва Санъати Форуми жамғармаси ва Республика “Камолот” ЁИҲ томонидан ўтказилаётган “Келажак овози” кўрик-танловида турли номинациялар бўйича 120 нафар ёшларга ғолиблик дипломлари топширилмоқда. Ҳар иккала мукофот соҳибларига Олий ўқув юртрларида грант асосида ўқиш имтиёзи берилган.

Анъанавий Зомин ва Эллиқалъа танловларининг Мустақиллик байрами арафасида ўтказиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Бу танловларнинг ғолиблари муносиб тақдирланади. Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига, Олий Адабиёт курсларига қабул қилинади.

Мен адабиётнинг бир мухлисман, холос. Бўлажак ҳуқуқшуносман. Ҳуқуқий давлат барпо қилмоқдамиз. Биз ҳуқуқларимизни тўла-тўқис билиб, уларга амал қилсак, ҳали жуда кўп ижобий ютуқларга ҳам эришамиз. Жумладан, адабиётда ҳам...

Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини кўрсатади”.

Назар ЭШОНҚУЛ



ОЛИСДАГИ ИЪТИДО

Ҳикоялар

КУЛТОЙ

*...Кетсин мендан оху войим,
Обод бўлсин мазгил жойим,
Дуо қилган, қиблагойим,
Отам Култой, хуш қол энди...*

"Алпомиш" достонидан Алпомиш сўзи

Юзи аралаш тушган қамчидан сўнг орқасидан тепки еди — кўпқариларда ўзларига йўл очиш учун олдини тўсган отларнинг биқинига тепиб ўрганган қайнилар бу барзанги ва на хотинни, на рўзгорни биладиган, умри молнинг изидан тасқ судраб, қир-у адирларда ўтаётган ва шунга яраша куч-қувватга тўлиб турган одамни бошқа жойига тепиб йиқитиб бўлмастлигини, хотинидан бошқа ҳеч кимга айтмаган сирини — айнан шу чап оёғини қирнинг устида бўри ғажиб, қувватсиз бўлиб қолганини билишгандай мўлжалдан адашмай нақ тиззасига, бўрининг тишлари қолган ва беш йилдан бери намгарчилик пайтлари зирқираб, азоб берадиган чандиқ устига орқа тарафдан кетма-кет зарба беришди — Улжоннинг кўзидан ўт чақнаб кетди. У оёғим синди деб ўйлади ва шунинг учун энди нима қилиб бўлса ҳам моматалоқ бўлиб кетмасин деб, бир пайтлар Ражаб чўпон билан Толли яйловида муз ёғаётган дўл остида қолиб, устига эшакнинг жабдуғини ёпиниб қутулиб қолишгандай, дўлдай ёғилаётган қамчилардан ҳимояланиш учун юзини қўллари билан тўсганча ҳар қандай ҳуқини орқа оёғидан бир тортиб, қассобларга боғлаб берадиган чайир панжаларига агар биронтасининг ақалли балоғи илашиб қолса ҳам худди қутурган шердай тагига тортиб, тилка-пора қиладигандек, қайниларининг яқин келишини пешонасидан сизаётган қондан ачишиб турган кўзларини қисиб олганча пойлаб ётар, қайнилар ҳам ичидагини билиб туришгандай оёқларини унинг қўллари етмайдиган масофада сақлаб, худди пахта савалашаётгандай бири қўйиб, бири қамчилар, Улжон энди тақдирга тан берган кўйи, кўз олдига негадир ҳали қулоғи кесилмаган кучуги келган, кейин булар мени

ўлдириб қўйса, изимдан йиғлаб қоладиганим ҳам йўқ, анови эси кирди-чиқди маймоққа эса мен ўламанми, қоламанми, фарқи йўқ, у мендан кейин ҳам этагига тезак йиғиб, ўтган-кетганга ишшайиб юраверади деган жосусона фикр лип этиб ўтганди-ю томоғига аламли хўрсиниқ тиқилиб, ҳатто қаршилик қилиш ҳақида ўйлашга ҳам қурби келмай, бўшашганча, ўзи неча марта кўзига қараб туриб, бўғизлаб ташлаган новвосларнинг жонҳолатда пишқиргани каби ҳансираб ётаркан, бирдан аёлнинг чинқирғини эшитди-қайдандир маймоқланиб Арзихол пайдо бўлганди; у қайниларнинг атайлаб учига қотирилган тери ўрнатилган қамчилари моматалоқ қиლაётган Улжоннинг бошига ўзини ташлади: энди қамчилар аёлнинг елкаси аралаш визиллар, Арзихол бор овози билан қишлоқдошларини ёрдамга чақирганча, худди ёш гўдагини бағрига олиб, бостириб келаётган бало-қазолардан асраётгандай Улжоннинг бошини товон-у бармоқлари бирлашиб кетган майиб оёқлар билан туғилгани ва айни шу нуқсонни учун соғлом ва нуқсонсиз одамлар дунёсида бир умрга бўйнини қисиб, бошини эгиб юришга маҳкум этилгани бери бошидан аримаган ҳақорат ва хўрликдан йилма-йил кичрайиб бораётган миттигина жуссаси билан тўсиб олганди. Улжон нақ бурнига тегиб турган аёлнинг кўкрагидан ачимсиқ тер ва ўзига жуда таниш бўлган кўкрак ҳидини тўйди: бир зум у бу ҳид қаердан келаётганини ва бу ҳид димоғида қачон ва қандай ўрнашиб қолганини англолмай, ўзини калтаклашаётганини ҳам унутиб, беихтиёр худди эмаётгандек тамшанди. Тамшанди-ю, кейинчалик шу ҳолатини эслаб жаҳли чиқди, сал бўлмаса, иккита сигирнинг оёғини гаврони билан уриб синдираёзди. Икки-уч ойдан кейин хотини уйга қайтиб, боласини эмизиб турганини кўрди-да, яна ўша ҳид эсига тушди. Бу ҳид жуда таниш, шу билан бирга нотаниш эди. Қисир сигирдан фарқи йўқ, бир маймоқ тўқолнинг кўкрак ҳиди ўзига таниш бўлиши ғазабини келтирди ва отасидан ўрганган одатини қилди: подага қўшиш учун сигирни етаклаб



чиққан Арзихолнинг елкасига алам билан гаврон туширди. Бу марта аёлни аяди, гавроннинг учигина тегди. Арзихол унинг кўрс ва қўпол муомаласига ўрганиб кетганди. Елкасига гаврон тушганда майишиб кетар, оғриқни билдирмай унга оғиз ва ялинчоқ тарзда тикилганча маймоқ оёқларини судраб, нари кетарди. Шундай пайтлари Улжон Ражаб чўпондан ўрганган сўзлар билан "Энагар, маймоқ!" деб сўкинарди. Ражаб чўпон одамови ва қаҳри қаттиқ одам эди. Унга мол билан одамнинг фарқ йўқ, ким жаҳлини чиқарса, узун гаврони билан тушириб қолар, шунинг учун терсоғаликлар уни қўпам давраларга қўшавермас, у подаси билан яйловда қанча юрса, қишлоқ шунча тинч бўлади дейишарди. Унинг ана шу кўрс ва ўзига ёқмаган ҳар қандай масалага гаврон билан аралашиб одати, гарчи пушти камаридан тушган фарзанди бўлмаса ҳам Улжонга тўлиқ кўчиб ўтганди. Ражаб чўпон қаҳри қаттиқ бўлгани билан мижғов эмасди. Улжоннинг асранди эканини бирон марта ҳам юзига солмади, шу сабабли Улжон бу уйга асранди экани хаёлига ҳам келмасди. Бола қизи билан кўкрак талашиб катта бўла бошлагач, бировнинг фарзанди экани ҳам Ражабнинг эсидан чиқиб кетди ва у олти ёшга кириши билан ўзига қўшиб, подага олиб кетди. Шундан сўнг гоҳ Чит устидаги, гоҳ Толлидаги яйловларда ойлаб қолиб кетишар, ота-бола пода кетидан юриб, ўз изларидан худди ўз умрларининг ёрқин ва навқирон даврларини бирма-бир ёқиб, кейин ўчиришаётгандек тутаб ётган ўчоқлар билан бирга мол тезаклари қолдирганча, гавронлари билан сизги оёқлари-ю ўзларига ёқмаган одамлар елкасига жиззак феълларининг асоратларини чизиб, ўзларининг гоҳ юввош, гоҳ зардали кайфиятлари каби ўзгарувчан фасллар-у йилларни бу тоғ яйловлари ва дашту-далаларга бирма-бир алмаштириб чиқишарди. Улжон мактабда ўқимади, унинг борлигини биров эсламади ҳам. Шунинг учун худди дашт бўриси каби жиззак ва сиркак сув кўтармайдиган қизикчон бўлиб ўсди. Орадан йиллар ўтиб, балоғат ёшига етгандагина, ҳужжат кераклиги ёдига тушишди, Ражаб чўпон бир кўзили қўйга эски таниши орқали туғилганлик гувоҳномасини тўғирлаб олди. Шундай қилиб, Улжоннинг асранди фарзанд экани ҳам, кенжа қизи икки ойлик бўлганда, баҳорнинг охирида безгак тутиб ётган хотини касал ҳолида отасиникига кетиб, қўлида бир ҳафтalik бола кўтариб келгани ҳам эсидан чиқиб кетди. Ушанда у хотинининг қўлидаги эти ҳилвираб ётган чақалоқни кўриб, отасиникида икки кун қолиб кетгани учун гаврон билан савламоқчи бўлди-ю, аммо хотинининг ўзига ялиниб, илтижо билан титраб, безгак тутиб турганини кўргач индамади. Устма-уст қиз туғиб, мендан калтак еявергани учун ҳам бу болани олиб келган деб ўйлади ўзича. "Бир қариндошимиз туққан куни ўлиб қолибди, қизинг ҳали сутдан чиқмаган деб менга беришди, бу энди бизнинг боламиз, отаси" деди Роҳат. Ражаб энди туғилган кўзичоқдай бўлиб ётган чақалоққа қаради-ю, бошқа бу бола кимнинг боласи, қандай қариндоши бўлади, қайнотаси нега касал хотинини айнан шу кунлари Читта шошлинч қақирди ва хотини қандай қилиб бу болани олиб келди, қайта суриштириб ўтирмади. Ҳатто унга исм қўйиш ҳам эсдан чиқиб кетди. Орадан бир ҳафта ўтмай хотини безгакдан қалтираб иккита чақалоқни боқишга қийналаётганини айтди ва отасининг уйда ўтириб қолган маймоқ синглисини олиб келишини сўради. Ражаб чўпон индамади. Хотини қуви пишишга ҳам қурби етмай қолганини ва кундан кун худди кузги шувоқдек тўкилиб бораётганини биларди— Арзихолни қайнотаси бир сўз демай, худди бу эр олмас қиздан безор бўлишгандек, битта эшак қулоғича

келадиган бўғчага ўралган кийимлари билан ташлаб кетди. Ҳатто куёвнинг кўзларига қарамади ҳам. Ражабнинг майдакашлик одати йўқ эди. Бунга эътибор ҳам бергани йўқ. Кейинчалик бола юра бошлаганда Ражаб боланинг бўлиқ оёқларига қараб туриб, хотинига "Бу энди бизнинг ул бўлди, Улжон қўяқол" деди. Шундай қилиб, Читлик бола Ражаб чўпоннинг меросхўри бўлиб қолди ва Арзихол ҳам қайтиб отасиникига кетмади. Улжоннинг ҳам асранди экани баъзида келиб, отасининг уйи-ю молига иддао қилиб кетадиган қизлари демаса, ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Аммо қизлар Ражаб чўпоннинг Улжонга бўлган муносабатини кўриб, бу ҳақда очиқ-ошкора оғиз очишмасди. Роҳат тўшакка миҳланиб қолгандан кейин бутун рўзғор мўйлови сабза уриб, отасидай бағритош ва қўпол бўлиб вояга етаётган Улжоннинг турткилашлари-ю қамчиларидан қирқдан ошар-ошмай муштдай бўлиб қолган шу маймоқ аёлга, Ражаб чўпондан сўнг қишлоқнинг подаси эса Улжонга қолди.

Улжон Арзихолни бошидаёқ ёқтирмасди: у бу мажруҳ аёл нега ўзлари билан яшаётганини узоқ вақтгача тушунмади — кейин эса онасининг ўрнидан туролмай ётганда ёлғиз шу майиб ҳоласи кунига яраётганини кўрганда, баттар гаши келди: унга бу аёлнинг бирон ишни эплаб қилолмаслиги, иш буюрса, ҳамиша чаласи бўлиши, чироқ ёққанда, шишаси ёрилиши, идиш ювганда коса синдириши, нон ёп деса, хамир оқиб кетиб, нонсиз қолишлари, соғиб олган сутига, албатта, мол гўнги қўшилиб қолиши, умуман, аёлга хос бўлган жуда кўп фазилатлар бу Худо урганда йўқлиги унинг гашини келтирар, устига устак бу аёлга раҳм қиладиган, унга ачинадиган одамнинг ўзи йўқ, отасидан тортиб, опаларигача Арзихолга бир кераксиз ва ортиқча буюмга қарагандай қарашар, боболари билан тоғалари ҳам Читдан қидириб келишганда Арзихол билан номига сўрашар, гўё у аллақачон ўлиб кетгандай, бу майиб аёл бир бегонадай, унинг ҳали ҳам ўша отаси билан олиб келган бўғчадаги кийимлари устига илиниб турган абгор қиёфасига эътибор ҳам беришмас, Роҳат эса касаллик ҳеч кимга кераги бўлмаган бир маймоқни эмас, айнан ўзини танлаб, ҳаёт шамларини бирма-бир ўчираётгани учун алами келгандек ётган жойида Арзихолни "Сен тўқол, мени ўзингдай бевурд қиласан, мени иснодга қўясан" деб қарғанар, кўзи тушган жойда уни гўрдан олиб, гўрга тикар, шунда ҳам бу аёл хўрлик ва ҳақоратга лойиқдай бирон эътироз билдириш тугул, ҳамиша кўрқиб, ҳуркиб, бурчак-бурчакларга бекиниб, бировларнинг кўзига кўринмай яшар, бу эса Улжоннинг гашини баттар келтирар, уни кўрган жойда турткилаб ўтар ва ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб сўкарди.

Қайниларининг қирдан ошиб келаётганини кўргандаёқ Улжон буларнинг нияти бузуқлигини билганди. Аммо том айланиб қочишга ё бекинишга гурури йўл қўймади. Отнинг абзалини тортганча уларни пойлаб тураверди. Биринчи қамчи келиб тушганда, от хуркиб, қочиб қолди. Қишлоқда ҳар ким ўз иши билан банд, тўртта барзангининг қишлоқдаги ҳар қандай йигитни бир чўқишда қочирадиган Улжондай одамни уйига келиб калтаклаши хаёлларига ҳам келмасди. Аммо қайнилар бир сўз демай куёвни савалашга тушишди. Товуқларга дон бериб, катакдан ўрмалаб чиқаётган Арзихол кўриб қолиб, ўзини устига ташлаб, бор овози билан бутун қишлоқни оёққа турғизгандагина қишлоқдошлари ажабланган кўйи бирин-кетин югуриб кела бошлашди.

Бойқул чол Қўшқўллик қайниларни жеркиб берди.

— Сингилларингни ҳайдаб юборган бўлса, қамчи билан қўшасизларми? Ҳе, ўргилдим сизлардай

оркашлардан.

— Синглимиз энди бу ҳўкизининг уйига ўлса ҳам келмайди! Бунга бошқа хотин топиб берингла! — деди ўртанча қайни.

У жимитдай гавдаси билан Улжоннинг бошини тўсиб олган Арзихолнинг елкаси оша қамчи туширганга акаси билан бир қамчи еб, бўйинини ушлаб турарди.

Қайнилар от чопиб, қишлоқларининг орини кўтариб юрган одамлар эди. Кекса чол билан тортишиб ўтиришмади. Бундан ташқари терсоталиклар ҳам ўз қишлоқларига қамчи кўтариб бостириб келишганидан нафсонияти кўзғалиб, бири таёқ, бири паншаха кўтариб олишган, важоҳатларидан ака-укаларни ғажиб ташлагудек кўринишарди. Улар отларига миниб, бир сўз демай жўнаб қолишди. Арзихол юзидан сизаётган қон бўйни орқали ичига оқиб кетаётганидан беҳабар Улжоннинг юзидаги жароҳат изларини рўмоли учи билан артар, нарига учиб кетган телпагини қоқиб бошига кийдирадди. Унинг меҳрибончилиги Улжоннинг жаҳлини чиқарди. У ўзига келиб, аёлни итариб юбориб, ҳали қирга етмаган қайниларига бир кўз ташлаб, омборга қараб югурди. Арзихол унинг нима учун омборга кирганини билди. Маймоқланиб, Бойқул чолга нимадир деб гўлдурганча, изидан чопди ва омборнинг эшигига таёқ ўтказиб қўйди. Ичкаридан Улжон эшикни тегиб бақираётгани эшитилди. Улжон бир илож қилиб, эшикни бузиб, қўлида милтиқ билан чиққанда қайнилар алақачон қир ошиб кетганди. Улжон аламига чидолмай кўндоқ билан Арзихолни бир уриб йиқитди.

— Энагар маймоқ, уларнинг ўрнига сени ўлдираман!

Улжон хотинининг кетиб қолиши-ю, қайниларининг ўзини савалашгани аламини биратўла маймоқ аёлдан олди: ҳар доим подадан қайтганда Ражаб чўпон оёқ остида ётмаслик учун ўргатган жойга — айвоннинг шифтига тиқиб қўйилган узун ирғай таёқ билан Арзихолни солиб қолди. Аёл сал бўлмаса икки қадамга, айвонга териб қўйилган буғдой қоплари устига учиб бориб тушди: унинг жимитдай танаси худди коптоқдай юқорига кўтарилиб тушганини бу ерга нафсониятлари кўзғалиб эмас, кўпроқ томоша учун келган терсоталиклар аниқ кўришди. Арзихол Улжонга ожизона ва заиф овозда нимадир демоқчи бўлди, мусичанинг қуриллашиди овоз чиқарди, аммо ҳеч нарса демади, таёқ тушиши билан бошидан учиб тушган рўмолини олиб, эсига тушгандагина қатикқа ювиладиган сочи патак бўлиб ётган тўзғоқ бошига ташлаб, Улжоннинг кўзидан яшириниш учун молхона тарафга пилдираб ўтиб кетди.

Кечга яқин ўрол уста қоп-қорайиб кетган таёқ ўрнини кўриб, заифлашиб қолган тирсакни ушлаб кўраркан, аёлчалиш қилиб қарганди:

— Ҳўкиздай бўлмай ўл-да, сен, Улжон. Келиб-келиб бир майибга кучинг етдими? Қўлини синдириб қўйибсан-ку, жувонмарг.

Арзихолнинг оғриқдан кўкариб кетган юзига қараб, ўзи устани бошлаб келиб, ўзи дакки эшитаётгани жаҳлини келтирдими, ё қилган ишидан уялдими, Улжон чолга бир оғиз гап қайтармай нари кетди.

— Уни қарғаманг, уста бова, — деди Арзихол оғриқдан терлаб, инқилларкан. — Айб ўзимда. Ўзим йиқилиб тушдим. Хотинини мен сиғирмадим. Мени деб кетиб қолди. Нима қилай, мен бир Худо урган аёл эканман. Бунга ҳам дардисар бўлдим. Ўзи опамнинг ўрнига мен ўлиб кетсам бўларди.

Терсоталикларнинг биронтаси Улжонни койий бошласа ва у ҳақда ёмон фикр билдирса, Арзихол бирдан

уни "Аслида айб менда, опамнинг ўрнига мен ўлиб кетсам яхши бўларди" деган сўзлар билан ҳимоя қилишга тушарди. Роҳат одам танимамай, кўзлари орқали рози-ризолик қилиб ётаркан, Арзихол розилик сўраш ўрнига "Сизнинг ўрнинигзда мен ўлсам яхши бўларди, Улжон ҳам шуни истаяпти", деб йиғлаганини ҳали ҳалигача қишлоқдошлари эслаб юришарди. Терсоталиклар бу мажруҳ аёлнинг ҳамиша ўзи қилмаган айбни бўйнига олиши ва ҳамиша ҳуркак, бир нарсдан хавотирда юргандай доимо Улжоннинг олдида қалтираб туриши, Улжон деса касаллигига қарамай ўрнидан туриб кетиши, Улжон келмаса кечалари токи у келгунча мижжа қоқмай чиқиши, баъзида оч кетганда, овқат кўтариб, майиб ҳолига қарамай, икки қир нарига — яйловга пиёда бориб келиши, болалари ва хотинининг тайёр чўриси бўлиб қолганининг сабаби — аёл унга ўрганиб қолган, шу сабабли Улжоннинг уйдан ҳайдаб юборишидан кўрқадди, пода изидан юравериб, ўзи ҳам ҳўкизга ўхшаб қолган бу ёввойи уни ҳайдаб юборишдан ҳам қайтмайди, шунинг учун ҳам бу аёл ўзига шунча азоб берган одамга барибир меҳрибонлик қилаверди, чунки бу асрандини чақалоқлигидан ўзи кўтариб катта қилган, ўз боласидай бўлиб қолган, бир уйга бека бўлиш бахтидан маҳрум бўлган шўрликнинг шу чўпондан бошқа бу дунёда овунчоги қолмаган, фақат шу Улжонга бўлган меҳригина бу бебахтни дунёда ушлаб турибди дейишарди.

Ўрол уста ўшанда қарийиб ўттиз йилдан бери Ражаб чўпоннинг уйида ярим жон ва миттигина бўлишига қарамай, қўли косов, сочи супурги бўлиб қолган аёлнинг йиқилиб тушганига ишонмаганди: таёқнинг ўрни билиниб турарди. Арзихол ҳеч қачон бирон кишига айтмаган бўлса ҳам унинг гоҳ пешонаси, гоҳ юзи шилиниб, кўкариб юрганини кўрган қишлоқдошлари бу Улжоннинг иши эканини билишарди. Уста ўрол тухум суртиб, Арзихолни доллатиб, тирсакни худди мунчоқ тераётгандай силаб-ишқалади, синган суякларни қўли билан текислаб бўлгач, чорчўп қилиб боғлаб қўйди. Оғриқ қолгандек бўлди-ю, аммо Арзихолнинг тирсаги йиллар ўтиши билан қалтирайдиган, кейин эса, салга чиқиб кетадиган даражада мўртлашиб қолди. Орадан йиллар ўтиб, Арзихолнинг чиқиб кетган тирсагини худди кўғирчоқнинг қўлидек жойига солиб қўйишга Улжоннинг болалари ҳам ўрганиб кетишди, тирсакни жойига солиш пайти аёл дод-вой қилиб турганда, Улжон секин уйдан чиқиб кетар, шунча йиллар ўтган бўлса ҳам негадир қайнилари келиб кетганда алам устида Арзихолни калтақлагани ёдидан чиқмас ва ўша кунги тер ҳиди келаётган кўкрак ҳидини димоғида туярди. Ваҳоланки, у бу маймоқни жаҳл устида таёқ билан солиб, майиб қилиб қўяй деган ҳолатлар умри давомида кўп бўлган, буларнинг биронтаси ҳам эсида қолиш тугул, ҳатто бир мўйини қилт эттирганини эслолмасди. Нега айнан ўша кунги воқеа ёдидан бунчалик узоқ сақланиб қолганини тушунмасди. Энг кайвони кампирлару оқсоқолларнинг ҳам қўлидан келмагач, терсоталикларни ҳайратга солиб, пою-пиёда маймоқланиб Қўшқўлга кириб борган Арзихол билан бирга уйига қайтгани сабабли сингиллари билан юз кўришмас бўлиб кетгани учунми ё турмуш дегани чимилдиқдаги энтиқишдан бошқа нарса эканлиги туйғайлими, хотинининг тобора инжиқ ва мижғов бўлиб бораётганига қарамай изма-из тугилаётган болалар ўша кунги калтақланганининг аламини ҳам, хотинининг заиф жойини сотиб қўйганини ҳам, қайнилари уни уриш учун айнан ўша заиф жойидан фойдаланишганини ҳам, ўша куни Арзихолни жаҳл устида уриб, биринчи



марта чеккан хижолатини ҳам унинг хотирасидан суриб чиқаришди, аммо ачимсиқ, тер таъми бор кўкрак ҳиди эсидан чиқмади. У бу ҳидни илгари қаерда ҳидлаганман деб кенг водийда ёйилиб ўтлаётган подаларга худди ўз мулкини кузатиб турган шаҳоншоҳдай серсолиб қараганча, Арзихолнинг гоҳ елкаси, гоҳ оёғига тушавериб, ўзи ҳам аёлнинг билак ва елкаларига қўшилиб, йилма-йил ёйилиб-силлиқланиб бораётган таёққа суяниб, азобли ўйининг тагига етишга уринарди. У йилларнинг уваланиб кетган кесақлари ва сувоқлари остида қолган йилтиллаб турган ўша хотирасини топгандек бўлди: Арзихол маймоқ чақалоқлигида ўзини овутиш учун кўкрак берган, шу йўл билан Роҳат онаси йўқ пайтлари, кейин эса, касал бўлгандан кейин ҳаммиша тер ҳиди келаётган, оёқларидек заиф ва ҳаёт асари йўқ, худди сузмаси ачиб қолган халтадек сўлгин, сассиқ кўкрагини оғзига тутган, ҳид ўшандан димоғида қолган деб ўйлади ва бу уни баттар туюқтириб юборди — у бу маймоқни эр ҳам олмагандан кейин менга кўкрагини бериб, ўзини овутиш, шунинг учун мени худди ўзи туғиб қўйгандай меҳрибонлик қилган, бу ҳид ўша пайтлардан хотирамда қолган деган хулосага келди: бу унинг жаҳлини баттар қўзғайди, агар шу пайт маймоқ олдида бўлганда, гаврони билан елкасига солиб қолишдан ва соғ қўлини ҳам майиб қилишдан қайтмасди. Шунинг учун у кейинчалик ҳам Арзихолнинг майиб оёғига қўшилиб, ўнг қўли ҳам бутунлай ишламай қолганда, бирон марта ўзини айбдордай ҳис қилмади: аксинча, унинг бир пайтлар, онаси ўрнига ўзининг шўрланган теридай кўкрагини тутгани учун кечиролмади. Улжоннинг аёлга бўлган бундай муносабати кейинчалик унинг болаларига ҳам ўтди: эсини таниётган болалари ҳам чақалоқларнинг иштонини ювишми, тезакдан гувала қилишми, қозон остига олов ёқишми, қиш кунлари қуриган юлғун териб, тўқайзор титиб юришми, ҳаммаси маймоқ аёлнинг чекига тушганидан заррача ҳам ажабланишмай қўйишган, уни момоларнинг синглиси деб эмас, уйларидаги ўзлари қилишга ирганадиган ёки қўллари бормайдиган қора ишларни бажаришга маҳкум этилган чўри деб тасаввур қилишар, Роҳат ўлгандан кейин Арзихол сичқон ҳиди босиб кетган омборга кўчиб ўтган — Улжон нозик меҳмонларга атайлаб тоғда отиб келган, шамолда қуриштириб, қотириш учун омборни тўлдириб илиб ташлаган ва қотгани сайин шунча мазаси чиқадиган тўнгиз этлари билан бирга бу аёлнинг умри ҳам кичкина хужрада йилма-йил қуруқчиб борарди.

Аслида хотинининг кетиб қолишида Арзихолнинг айби йўқ эди. Арзихол келинни ҳайдатиб юбориш тугул, унга ўқрайиб қарашга ҳам юраги бетламаган, аксинча, келин келган куниданоқ бу маймоқ аёлга бутун жасадини ташлаб олганди. Олдинига номига бўлса ҳам Улжоннинг онаси ўрнидаги холаси, шуларнинг хизматини қиласан дейишди келинга. Аммо Арзихол келинга хизмат қилдиришга имкон ҳам қолдирмади. Ҳали чилласи чиқмаган деб уй юмушларини ўз зиммасига олди — келиннинг бахти бор экан — чимилдиклигидаёқ текин хизматкорга эга бўлди. Келин пода изидан кетган, баъзи кечалари туни билан ҳам яйловда тунаб қоладиган куёвни кутиб ўтирган тунларда Арзихол уни овутишга уринарди — ҳали ҳеч кимга, ҳатто ўз опасига ҳам айтмаган сирларини шивирлаб айтиб, келиннинг куёви келмаётганидан пайдо бўлган ҳижронини бироз бўлса ҳам босишга уринарди. Келин биринчи бор кўргандаёқ бу аёлнинг оёғини тўғрилаб босишдан бошқа армони бўлмаса керак, бундай аёлда орзу-ҳавас нима қилади деб хато ўйлаганини ўша кунлари билиб қолди. Зеро Арзихолнинг ана шу сиридан

бошқа биронта ҳам бошқаларга айтишга арзигулик хотираси йўқ эди. Шунинг учун чилласининг чанқоғини босолмаган келинга шу хотирани айтиб, чимилдикдан чиқмасдан куёвдан норози бўлаётган келинни чалғитишга уринганди. Шундан бошқа нияти йўқ эди. У келинга уялиброқ, лекин хўрсиниқ билан бир чавондоз йигитга кўнгли тушганини, ўзларига маймоқ келинни муносиб кўрмаган ота-онасидан нолиб, у йигит ҳу анови қир ортидаги қишлоқдан келиб, тўқайзорда учрашиб турганини, Арзихол ҳам уйларидаги сув тўла челақларни ўрага ағдариб, тез-тез сув олиб келиш учун дарё бўйига— ўша тўқайга тез-тез бориб туришини, йигитнинг қамчисига каштали бандак тўқиб берганини, кейин нима бўлиб, чавондоз йигит кўринмай қолганини, орадан ойлар ўтса ҳам ундан хабар бўлмаганини, у эса юрак ютиб бировга бу ҳақда гапиролмаганини, ҳали ҳам ўша йигит навқирон ва ўқтам қиёфада, юлғун ва зирк билан тўлган тўқайда юргандек, ўша тўқайга боргиси, уни кўриб, кўкрагига бош қўйиб шунча йиллик айрилиқ учун гина қилиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келишини айтиб қўйди. Ўша пайти келин бу гапларни бирон кишига гуллаб қўймасликка ваъда берганди. Аммо болалар туғилиб, Улжоннинг холасига бўлган қўпол-қўрс муомаласи аста-секин келиннинг ҳам бетини қотирди— у ҳам Арзихолга эрига ўхшаб муомала қилишни ўрганди. Олдинма-кетин туғилаётган болаларнинг бешигини тебратавериб аёлнинг қўллари чилвирдай эшилди, кейин эса кўтаравериб, елкасининг ягири чиқди. Аммо бунга аёл бир марта ҳам на Улжоннинг, на келиннинг юзига солгани йўқ. Аксинча у худди ўз невараларини бағрига олиб, тарбия қилаётгандай болаларнинг на хархашасидан, на тўполонидан безор бўлар, болалар уни қийнаган сайин аёлнинг уларга меҳри ийиб, кўпроқ суйиб борар, болалар уни гоҳ от, гоҳ эшак қилиб миниб, бутун ҳовлини айланиб юрганини кўрганда Улжон асли бу маймоқнинг эси йўқ, бунинг ўзини тарбиялаш керак олдин, у томонидан бу томони яқин қолган кампир ҳам шунақа қилиб болалар билан ўйнайдими деб ўйлар ва шундай бир аёлни ўзига дардисар қилиб ташлаб кетган онасидан норози бўлиб, қўлидаги гавронни газаб билан ушлаб қўярди. Келин ҳам энди унга бир хизматкорга қарагандай қарар, уй ишлари-ю, супур-сидир, мол-ҳолга ва болаларга қараш Арзихолнинг зиммасида эди. Йиллар ўтиши ва чимилдикдан узоқлашиб, турмушнинг бетийиқ эҳтиросларига ўралашиб қолган келин берган ваъдасини унутди. Бир куни Улжон дастурхон устида қир ортидаги бир чавондозни байтали тепиб ўлдирганини айтиб, жанозага бораёпман деб, хотинини шошира бошлади.

— Энағарни бедов эмас, байтал тепиб ўлдирибди. Худди ўч олгандек, нақ қаншарига тепибди, — деди у.— Бойқул чол кутиб турибди. Худди ўзи борса қирда бўри ейдигандай... Тез бўл...

Шунда келин бефаросатлик қилди.

— Бу, ҳалиги, сиз билан ваъдалашиб юрган чавондоз эмасми, — деди пичинг аралаш келин бир четда Улжоннинг хуржунини омбордан олиб чиққан Арзихолга. — Ҳали поччамнинг азасига бораёпман денг...

Улжон ажабланиб хотинига қаради. Арзихол эса тахтадай қотиб қолди — у ҳозир ҳаммаси тугайдигандек, Улжон унинг сирини билиб, терисига сомон тикадигандек гезариб-қалтираб турарди. Унинг юзи бунчалик оқариб кетганини ва бунчалик саросимага тушганини ҳали ҳеч ким кўрмаганди. Унинг юзи кечириб бўлмас гуноҳ устида қўлган тушгандек оқариб кетганди. Аммо Улжон хотинининг гапидан бошқа маъно туйди: бир ҳафта олдин келиннинг холаси тўй қилганда Улжон

"Поччангининг олдида тўй қарзим йўқ, мен тўй қилганимда ҳам келгани йўқ, орамиз очик" деганди. Бир ҳафтадан бери тўмтайиб юрган хотини қош қўяман деб кўз чиқарганини кеч англади, пичинги қимматга тушди.

Безрайиб турган Арзихол аралашига улгурмади, келин фақат қариндошларининг тўй-азасига бормай қўйгани учун эмас, эри йилнинг уч фаслини яйловда ўтказётгани ва ўзининг гулдай умри иккита чурвақанинг бигиллаши билан ўтиб бораётгани учун тўлиб турган эканми, тилига келганини оғзи чарчагунча гапирди, Улжон ҳам қўли чарчагунча уни савалади. Улжон кетгач, елкаси маматалоқ бўлган келин болаларини олиб, Қўшқўлга, отасиникига кетиб қолди. Арзихол Қўшқўл қиригача ялиниб борса ҳам келин қайрилиб қарамади: у келиннинг изидан токи қош қорайгунча қараб ўтирган қир устида эртасига тўртта отлик пайдо бўлди...

* * *

Ўзига тенгдош аёллар аллақачон келинли бўлиб, болалар-у набиралар, келинлару қизлар парваришида, етти қават кўрпа устида соғлиқларидан нолий бошлаганда ҳам Арзихол на соғлигидан, на турмушидан нолир, ҳали ҳам отаси Ражаб чўпонниқига опасининг хизматини қилиш учун ташлаб кетган ўша сунбула оқшомидек тонгдан шомгача Улжоннинг йилма-йил каттариб бораётган галвали рўзғорида, кўзи изидан тўқайзору баҳор пайтлари худди дунё ўткинчилигини таъкидлаётгандек шошиб-тўлиқиб оқадиган дарё бўйида, пода тезаги тушган қиру адирда, қишлоқнинг мишмишлари гурбат кўмилган чанг кўчаларида ўзининг шум тақдирини етаклаб юргандек куймаланиб юрар, уни майиб қилиб яратган тақдир худди уни энди сийлаётгандек ёши ўтган сайин у тегиклашиб, кучга тўлиб борар, янаям жонсарак бўлиб қолган, кечаси ҳаммадан кейин ётар, очилиб қолган болаларнинг ва Улжоннинг устини ёпиб қўяр, совуб қолган печкага тезак ташлар, ухлаб ётган келиннинг уйғониб қолишидан хавотирланиб, нафасини ичига ютиб бешик тебратиб чиқар, кейин алламаҳалда йиллар-у фасллар қор ва ёмғир қиёфасида емиравериш, каламушнинг уясидай ғариб қилиб қўйган омборга кириб кетар, эрталаб эса маймоқланиб ё офтобани, ё сут тўла кадини ағдариб юборган шовқин билан бошқаларни уйғотар, энди товуши дўриллаш бошлаган Улжоннинг болалари ҳам уни худди оталаридай жеркир, келин эса тиним бермай юмушга кўмиб ташлар, у эса яроқсиз бўлиб қолгач ташлаб юбориладиган буюмга ўхшаб бу уйдан ҳайдалишдан чўчигандек ҳеч бир ишдан бўйин товламас, у ўзини кераксиз бўлиб қолаяпман деб ўйлагани сайин Улжоннинг болаларидан тортиб, ўзи ҳам кампирга кўпроқ суяниб борар, унинг оғриб ё касал бўлиб ётиб қолишини тасаввур ҳам қилишолмасди. Худди ўзи чиқмаса, қишлоқ моли ўрмайдигандек, Улжонни пода изидан Азлар қиригача кузатиб қўяр, агар кеч қолса, ҳеч кимга айтмай яна ўша қирга, чайир ва темирдай мустаҳкам илдиллари тошларни ёриб, қояга чирмовуқдай ёпишиб олган, шохлари қуриб-қақшаб кетганига қарамай энг баланд новдасида ҳали жўшқинлик ва қўклам ҳиди барқ уриб турган, бир жуфт гулдасини худди бутун дунёга кўз-кўз қилаётгандай силкитиб қўядиган ва табиатнинг фасллар қиёфасида гоҳ изғирин, гоҳ жазира, гоҳ сел бўлиб келадиган барча синовларига матонат билан дош бериб келаётган ёлғиз кекса заранг дарахти ёнига бориб, хира торта бошлаган кўзларини олис яйловларга тикиб, чўккалаб ўтириб олар, гўё кекса заранг билан сабр ва матонат борасида баҳс

бойлашаётгандай токи узоқлардан келаётган поданинг чанги кўринмагунча шу ҳолатда қилт этмай ўтираверар, пода кўриниши билан маймоқланиб, туртиниб-суртиниб, пешвоз чиқар, қарийб эллик йилдан бери ёлғизликдан зериккан дарахт эса уни қўйиб юбормаслик учун жулдур кийимларидан бир парча юлиб қолганини ҳам, кейин асов шамолда худди ғолиблик туғидай лахтакни ҳилпиратиб турганини ҳам сезмай, Улжон сари отиларди. Аёл қариган сайин жонсарак, ҳаракатчан, серғайрат бўлиб борар, энди уни бошқа терсоталакларнинг ҳам хизматини қилиб, турли ҳовлиларда ғимирлаб юрганини кўриб қолишарди.

Уни кўрганда ўз қисматдошини топгандай шабада тили билан овоз чиқарадиган зарангнинг зорланишлари ҳам, маймоқ кампирнинг худди жандасини судраб юрган дарвишдай ойма-ой тўкилиб бораётган танасини бошқаларга билдирмаслик учун азод кўтариб юриши ҳам энди пешонасига ёзилган тақдири азал ҳукмини ўзгартиролмади: Арзихол бир умр кўрққан нарса кузнинг ўрталарида тегирмондан ярим халта ун тортириб келгандан сўнг содир бўлди — у бирдан ётиб қолди — худди жон томири узилиб кетгандай кундан кунга юзларидан ҳаёт асари йўқола бошлади. Шу ётиш билан хазонрезгини ўтказиб, қишнинг нақ чилласида қайтиш қилди. Туфласа тупук музлайдиган тонгда уни сўнги манзилга кузатишга ўнтача терсоталик ва ҳали бетлари қотмаган қариндошлар йиғилишди: бу ерга йиғилганлар азага келгандан кўра чет қишлоқдан келиб, бошқалар бир неча кунда эгаллаб оладиган терсоталикларнинг кўнглига қирқ йилдан ортиқ яшаб ҳам киролмаган, кириш у ёқда турсин, кириш эшигини тақиллатиб ҳам кўрмаган ва шунча йиллардан бери ўзининг маймоқ оёғини, қирқ йилча бирга яшаб ҳам сирли ва номаълум бўлиб қолган кўнглини ўзларидан яшириб ўтган мажруҳ аёлнинг ҳеч қурса сўнги кунда, худди қулаган қалъага бостириб кирган қўшиндай, унинг бор сирини энди фош қилиш мақсадида йиғилишгандай эди: Улжон ҳам айни шундай кунда ўзини ташвишга қўйганидан норози тўнғилларди.

— Бу маймоқнинг ўлган кунини ҳам ўзига ўхшаган ташвиш бўлди-я...

У бу гапларни атайин бошқаларга эшиттириб айтди, шу йўл билан касал онаси ўлгандан сўнг ҳам Читга қайтариб олиб кетмай ўзининг бошига мажруҳ аёлни дардисар қилиб қўйгани учун бобоси билан тоғасини чақиб олмоқчи эди. Бобосининг энди парти кетиб, шarti қолганди, унинг гапига парво қилмади — у ўзининг дармонсизликдан осилиб тушаётган бошини зўрға кўтариб турар, тоғаси эса ўзини эшитмаганга соларди.

Улжон номига бўлса ҳам чолларнинг қистови билан майит ётган омборхона туйнуғи олдида туриб, рўмолча билан кўзларини ишқалаган бўлди, таёққа суяниб, "холам-ов" деди. Унинг бу йўқлови тинч осмонда момоқалдироқ гумбурлагандай таъсир қилди, йўқловдан кўра зардага ўхшаб эшитилди. Азага келганларнинг кулгуси қистади. Чоллар ёши қирқдан ошиш ҳам эл русумини тушунмаган бу бесўнақай ва қўрс одамдан норози бўлиб бош чайқаб қўйишди. Шунда кимдир келиб, Улжоннинг қўлтигидан олди. Улжон секин бурилиб, кенжа тоғасини кўрди. Тоғаси Читдан эрталаб икки киши отда суяб зўрға олиб келган ва айвоннинг бир четида тагига омонат тўшалган пўстақда ўтирган бобоси чақираётганини шивирлаб тушунтирди. Улжон қўпам жини суймайдиган ва шунча йилдан бери онда-сонда боболгини эслаб қоладиган, шунда ҳам бирров келиб, тез жўнаб кетадиган чолнинг ўзида нима гапи бўлиши мумкинлигига ажабланиб, лайлак юриш қилиб,



чолнинг олдига борди-да, "Нима дейсиз?" дегандай сурлик билан таёққа суяниб турди. Бобоси худди айбдордай бошини эгиб олганди. Кейин қарилқданми ёки барибир маймоқ ва мажруҳ бўлса ҳам фарзанди ўзидан олдин дунёдан ўтганидан эзилганиданми, кўзлари ёшга тўлиб, хириллоқ товушда деди:

— Онам деб йўқланг, болам. Онам денг.

Улжоннинг гаши келди. Энди шу етмай турувди деб ўйлади.

— Нега она деб чақираман? Онам ўлиб кетганига ўттиз йилдан ошди.

Бобоси чуқур хўрсинди. Кўзларини олиб қочди. Кейин пичирлади:

— Арзихол сизнинг туққан онангиз бўлади, болам. Салом чавондоз бадном қилиб кетгач сизни Роҳатга бердик. Аслида сизни Арзихолнинг ўзи эмизиб катта қилди, болам... У сизнинг ҳақиқий онангиз...

Чол бошқа ҳеч нарса демади. Куннинг аёзини жунлар ичига кириб олиб енгмоқчидай, пўстакни оёқларига ўраб, кўзларини юмиб олди ва шу билан ўзининг сўнгсиз дардларига ва маймоқ қизини исноддан қутқариш учун ўйлаб топган ўша олис хотирасига кўмилиб кетди.

Улжон эса "Бу эсини еган нима деяпти?!" дегандек тоғасига қаҳр билан қаради. Тоғаси бошқалар эшитиб қолишидан қўрққандек, отасининг гапини тасдиқлаб, "Шундай!" дегандек индамай бош ирғади ва у ҳам бу бетийиқ жияни таёқ билан солиб қолишидан қўрққандек нари кетди. Улжон худди бу азали ҳовлининг безовта ҳилпираётган яловидай юзи пирпираб, атрофга илинж билан тикилар, кимдир бу гапларни ёлғон дейишини кутар, аммо ҳамма ўз иши билан банд ва бу гапни инкор

қиладиган марднинг ўзи бу ҳовлида кўринмасди. Шунда аввал қайнилари калтаклашга келган кунда туйган кўкрак ҳидини димоғи тагида туйди, кейин бу ҳид унинг аллақачон зулмат қаърига сингиб кетган хотирасини — ўзининг тамшаниб эмаётганини ва ўзига ҳам гуноҳқорона, ҳам кўрқув билан боқиб турган ёш ва опасининг навбатдаги қарғишидан дилдираб турган Арзихолни лип этиб ёритиб юборди.

Улжонни қабр тепасида ёлғиз қолдиришди. Унинг қирқ йилдан ошиқ елкасидан қўймаган ва азада суяниб турган таёғини бу аёлнинг ҳам изидан йиғлаб қолган кишиси бор дейишгандай шунчаки удум учун қабрга тиқиб қўйишди. Энди Улжон дастлаб Ражаб чўпоннинг, кейин эса қарийб ўттиз йил ўзининг қўли билан гоҳ ўчоқ бошида бутун ҳовлини тутунга тўлдириб юборгани, гоҳ куви пишаман деб ёғи билан қўшиб ағдариб қўйгани учун, гоҳ сигирни эмиб ётган бузоқ олдида, гоҳ хамири оқиб кетган тандир бошида Арзихолни таъқиб этган, қачон жаҳли чиқса, қачон қаҳри кўзиса, нуқул оёғи остида ўралашадиган, урган сари ургиси, хўрлаган сайин хўрлагиси келаверадиган, шунча хўрликларга индамай чидаб, яна мени ур дегандай қаршисида пайдо бўладиган, нимжон ва мажруҳ аёлни гоҳ турткилаб, гоҳ савалаб, ўзи ҳам энди савалаган сайин бир кучоқ қуриган ўтиндай кўтариб келишиб, манови дўмпайиб турган қабрга тиқиб қўйган аёлнинг устихонлари каби силлиқлашиб-ингичкалашиб қолган ва Улжон учун бу ҳаётда подасининг изидан эргашиб юрадиган итчалик ҳам қадри бўлмаган жимитдай жуссали аёлга берилган шунча йиллик хўрликларига "мана, мен гувоҳман" деётгандек қад кериб турган таёқ билан юзма-юз турарди.

БАҲОВИДДИНИНГ ИТИ

"...Шайх у гўзалнинг жамолини кўриш умидида ёр кўчасидаги итлар орасига қўшилди..."

"Мантиқ ум-тайр"

Ҳаммасига муҳаррирнинг инжиқлиги сабаб бўлди. Аслида ташқи овозлар-у шовирларсиз ҳам радиопьеса тузуккина чиққанди. Унга актёрлар билан ўйлаб сайқал берган, бастакор атайлаб пьеса учун мусиқа ёзган, мен ва ёрдамчим олти ой кеча-ю кундуз фақат шу асар устида бош қотирган, тушимиз ҳам, ҳушимиз ҳам шу пьеса бўлган, мана энди машаққатдан қутулдик деганда, муҳаррирда бирдан янги фикр туғилиб қолганди. Аслида бу фикр янги ҳам эмасди. Мен пьесага ишлов бераётганда ёки монтажда ўтирганда, агар табиий шовқинларни ҳам қўшсак, асар мукамал чиқади деб ўйлаган, аммо иш кўплигидан ва яна вақт кетишини билганим учун бу режадан воз кечиб қўя қолгандим. Энди эса бирдан муҳаррир биздан талаб қилиб қолди.

— Асар жуда яхши. Лекин биз танловда ютиб чиқишимиз учун бу ерга табиий шовқинларни қўшишимиз керак. Қушлар сайроғими, дарахтлар шовқиними, шамол, қўй-қўзиларми...умуман, асарнинг саҳналарига қараб табиий шўх-шодон оҳанглар қўшиш керак. Пьесадаги қувноқ, хушнуд оҳангларга уйғунлашиб кетиши, бахтиёрлик ва хушанашинлик нафақат қаҳрамонларга, балки бутун табиатга хос эканини,

табиат ҳам биз билан бирга ва у ҳам қаҳрамонларимизнинг иқболидан қувониб, шўх садолар таратаётганини кўрсатиб беролсак, мукофот чўнтакда деб ҳисоблайверинглар...

Бош муҳаррир танловга оз муддат қолганини билдириш учун оғиз жуфтлади-ю, аммо муҳаррирнинг "чўнтагингизда деб ҳисоблайверинг" деган аниқ ишончидан сўнг бирдан бош ирғади.

— Албатта, қилиш керак. Шунча маблағ сарфлангандан сўнг яна бироз қийнасаларинг ҳеч нарса қилмайди. Харажат ошса, мукофотдан чиқариб оларсизлар. Аммо шошилиш керак. Вақт оз қолган.

Норозилик билдиришга ўрин қолмади. Шусиз ҳам бош муҳаррир радиопьесага сарфланган маблағ ошиб кетгани учун биздан норози бўлиб турганди. Унинг бу мукофотни қўлга киритишимизни астойдил истаётганидан фақат биз эмас, унинг ўзи ҳам манфатдор эди. У пьесага бадиий раҳбар, табиийки, мукофотда унинг ҳам улуши бор эди.

Гарчи ёрдамчим билан мен энди ишни тугатдик деб турганда яна бошоғриқ бошлангани ёқмаётган бўлса ҳам эртасигаёқ ишга киришдик. Биз олдин ўзимиздаги — радиофонддаги шовқинлар жамғармасини кўриб чиқдик. Шунда бу шовқинларнинг биронтаси ҳам ярамаслигига, биттаси ёзилавериб, хиралашган бўлса, бошқасида қандайдир сунъийлик борлигига амин бўлдик. Буларнинг

биронтаси биз кутган хушанишинликни табиий тарзда акс эттиролмасди. Демак, шовқинни табиат қўйнидан ёзиб олишга тўғри келади.

Бунинг учун биз турли жойларни кўз олдимишга келтириб кўрдик. Масалан, шаҳарга туташ қишлоғу далалар. Аммо бу қишлоқларнинг ҳаммасида ҳозир дала ишлари қизгин, тракторларнинг шовқини тушиб қолади. Микрофонларимиз шунчалик сезувчанки, агар бошқа товушлар тушса, кейин тозалаб олиш амримаҳол. Бизга қушлар ё ҳашоратларми, бири қўйиб, бири сайрайдиган, айнаи уйғониш фаслига хос бахтиёр ва кўтаринки шовурлар керак: у қушники ё дарахт-ўсимликникими, ҳашорату-ариникими, фарқи йўқ, содат сазларини ўзида мужассам этган макон керак эди. Шу сабабли қушлар шовқинини шаҳар четидаги эски хиёбонда ёзадиган бўлдик. Шаҳарда уларнинг ихтиёрисиз бирорта гулнинг ҳам кўкаришга ҳаққи йўқ ободончилик корхонасидагилар негадир уни тартибга солишни унутиб қўйишганди. Шу сабабли хиёбонда дарахтлар шунчалик зич ва тарвақайлаб кетган, устига устак, шаҳарнинг барча қушлари анча йиллардан бери арра товушини эшитмаган дарахтларга уя қуришганди. Ёрдамчим телефон орқали ободончилик маъмурияти билан олдиндан келишиб қўйди. Маъмурият эрталаб ўнгача хиёбонга ҳеч кимни киритмайди. Саҳардан соат ўнгача бир олам шовқинларни, дарахтми, қушлар чуғурими ёки ҳаётдан миннатдор бўлиб, уни ўзгартиришга астойдил бел боғлаган, ўз ўрни ва бахтини топганларидан ичларига сиймай ҳаммани бахтиёр қилгиси келаётган бизнинг пьеса қаҳрамонларимиз каби шўх-шодон эсаётган шамолми, ҳашорат овозими, ёзиб олишимиз мумкин. Бу таклиф бизга маъқул тушди.

Эртасига қуёш энди бош кўтараётганда ёрдамчим ва овоз режиссёри билан бирга бориб, микрофонларни хиёбонга ўрнатдик. Яқин-атрофда катта машина ва темир йўллари бўлмагани учун бу ер худди биз истагандек осуда эди. Дарахтлар секин шовуллаб турар, боғни қушлар чуғури қоплаган, гўё парранда аҳли одамлар бу ерга йиғилмасдан бурун бир яйраб қолмоқчидек, бор овозлари билан чуғурлашар, дарахтдан дарахтга учиб, ўзига хос саодатманд сайроқилар хорини ташкил қилганди. Баъзи-баъзида гулларга келиб қўнаётган ариларнинг ёки ниначилар ва сўналарнинг гунғиллаган овозлари бу шовқинни бир пас босиб кетгандек туюлар, лекин бу ҳашоратлар овозида ҳам бизнинг пьесамизга мос уйғунлик ва кўтаринкилик бор, шу сабабли ҳаммаси табиий ва гўзал эди. Мен режиссёр сифатида ҳаммиша ишлатилавериб, қолаверса, атайин техник жило берилган, бироз сунъийлашган "Шовқинлар жамғармаси"даги овозлардан фойдаланганим учун бу ердаги овозларнинг табиийлигидан ҳайратланиб турардим. Шу пайтгача ортиқча иш кўпайганидан норози бўлиб юрган ёрдамчимнинг юзида ҳам табассум пайдо бўлди. У қушлар чуғури-ю, ҳашоратлар навоси, ўсимликлар шитирлаши, дарахтларнинг майин шовуллаши уйғунлашиб кетган, гўё биз яратган пьеса билан бахтиёрлик бобида бас бойлашгандек таралаётган табиатнинг мусиқий "пьеса"сини берилиб эшитаркан, менга қараб қўяр, овоз режиссёрининг эса юзида мамнуният зухурланган, қушлар чуғури, дарахтлар шовқинидан илҳом олгандек, берилиб ишлар, ҳар-ҳар дамда магнитофонга қулоқ тутиб, овоз қандай ёзилаётганини эшитиб кўрар, ишидан қониқиб, бизга қараб қўярди. Осмонда оқ булутлар сузиб юрар, лекин бу булутлар ҳам кўм-кўк осмонга энди гард бўлол-

маслигини билиб, секин тоғ тараф силжирди. Баҳор охирида қолган бўлса ҳам ҳали майсалар ям-яшил, дарахтлар гуллаб, хиёбонни гулу-чаманга айлантириб юборганди. Ёрдамчим бекорга бу хиёбонни танламаганини энди сезиб турардим. Бу ерда бошқа хиёбонларда учрамайдиган мевали дарахтлар билан бирга ҳали тарошланмаган, тартибга солинмаган, ўн йиллардан бери ўз ҳолича шохлаб, гуллаб, эмин-эркин тарвақайлаб кетган дарахтлар ҳам бор эди. Эҳтимол, айнан шунинг учун қушлар бу ерни макон тутгандир? Бутун вужудимни қулоққа айлантириб овозларнинг қайси бири ариники, қайси бири қалдирғочники, қайси бири оддий чумчуқники дея ўзимча ажратиб олишга тиришиб, кўзларимни юмиб ётардим. Қушлар чуғури билан бирга яна қандайдир тушуниқсиз сас ҳам элас-элас чалинарди. Лекин мен бу сас нималигини ажрата олмадим, у итнинг ҳам, бўрининг ҳам ёки бирон яқинидан айрилган жониворнинг изтиробли ноласига ўхшарди. Эҳтимол, бу шаҳарнинг хиёбонга ўрмалаб кирган ер ости йўллари шовиридир? Нима бўлганда ҳам бу сас қушлар шовқинига халал беролмаётган, қолаверса, бу менинг қулоғимнинг шангиллаши бўлиши ҳам мумкин эди.

— Бўлди, етади, — деган овоз эшитилди ёнимда.

Кўзларимни очиб, тепамда менга қараб турган овоз режиссёрини кўрдим. У аллақачон асбобларини ва магнитофонни йиғиштириб бўлган, энди кетишга тайёр турарди.

— Етади. Бу ерда сизга зарур овозларни икки марта қайта ёздим. Яна ўнта пьесага ишлатсангиз ҳам бу овозлар тугамайди.

Худди ғайришуурий лаззатдан бемаврид бебахра қилгандек, унга соатимни кўрсатиб, норозилик билдирмоқчи бўлдим. Аммо соат ўн беш дақиқаси кам ўрни кўрсатиб турарди. Яна ўн беш дақиқадан сўнг бу ерга қуёшдан қочган бекорчиларнинг ҳаммаси бостириб келади. Кетишдан бошқа иложимиз қолмаганини тушундим.

Биз хиёбон ўртасига келганимизда дарвозадан бир тўда қувноқ ёшлар кириб келди. Улар хиёбонга киришлари билан турли томонларга тарқаб кетишди ва бирдан боғда ўзига хос шодонлик бошланди. Радиокарнайлардан қувноқ ва шўх кўшиқлар, мусиқа, сотувчиларнинг чорловлари, чархпалак, ҳалинчакларнинг ғийқиллаши бир пасда хиёбонни тутиб кетди. Гўё хиёбоннинг биз боягина ҳис этган ва гувоҳ бўлган манзаралари, ҳар бир ўтиргичигача ўрнашиб қолган қушларнинг саодатманд чуғурлари, дарахтларнинг маҳобатли ва ғолибона шовуллашлари, бизга ненидир англатмоқчидек ҳашоратларнинг хиёбон узра шодон таралаётган наволари радиокарнайлар шовқинлари олдида бирдан ғойиб бўлганди. Бу нарса таъбимизни бироз тирриқ қилса ҳам, ночора, биз ишимиз битганидан хурсанд бўлиб, ишхонага йўл олдик.

— Сиз бу шовқинларни келишган саҳналаримизга қўйиб чиқинг, — дедим мен трамвайга чиққач овоз режиссёрига. — Ёрдамчим ёнингизда бўлади. Мен бошиқларни топиб, уларни тушдан кейин эшитишга таклиф қиламан.

Овоз режиссёри ва ёрдамчим бош ирғашди. Улар бу ишдан тезроқ қутулиб, бир-икки кун таътил олишни сўрагани учун ҳам мен уларни шошилтираётгандим.

Тушдан кейин одатдагидек менинг хонамга йиғилдик. Бош муҳаррир оромкурсига яхшилаб жойлашиб олди. Кенгаш аъзолари бўлмиш қулоқлари



оғирлаша бошлаган иккита кекса режиссёр эса магнитофонга яқинроқ ўтиришди. Муҳаррир одатдагидек бош муҳаррирнинг ёнидан жой олди. У ўзининг таклифи билан шунча ишлар қилинган ва ҳаммасига ўзи бошқош бўлиб турганидан мамнун бўлиб, бироз гердаийб кўярди. Овоз режиссёри худди ишни дўндириб қўйгандек, эшик ортидаги курсида чой хўплаб ўтирар, рўмолча билан юзини елиб, бизга "ҳозир мен яратган мўъжизани кўрасизлар" деётгандай писанда билан қараб турарди. Ёрдамчим биз эрталаб боғда ёзиб олган шовқинлар билан бойитилган саҳналарни қўйиб бера бошлади. Олдинига мен ҳеч нарса тушунмадим. Балки менга шундай эшитилаётгани деб ўйладим ва секин кўз остим билан бош муҳаррирга қарадим. Йўқ. Қулоқларим алдамаётган эди. Бош муҳаррир ҳам негадир ҳеч нарса тушунмай, муҳаррирга ва менга савол назари билан қарай бошлади. Иккита кекса режиссёр эса қулоқларига кўлларини қўйиб, оғизларини ланг очиб туришарди. Ёрдамчимнинг эса дами ичига тушиб кетганди. У магнитофон тугмасини босишни ҳам, босмасликни ҳам билмай менга қараб, довридаб турарди. Биз кўтаринки кайфият акс этиши керак бўлган ва табиатнинг шодон наволарига уйғунлашган саҳнада қандайдир мунгли, мустар ва юракни эзадиган бир дардли, эрталаб хиёбонда қулоғимга элас-элас эшитилган сас-увиллаш эшитиларди. Мен ҳеч нарсага тушунмай ёрдамчимга қарадим.

— Бу нима?! — ниҳоят бош муҳаррирнинг қаҳрли овози янгради. — Бизни масҳара қилаяпсиларми?

Ёрдамчим овоз режиссёрига қаради. Овоз режиссёрининг юзи гезариб кетганди. У ирғиб туриб, ёрдамчимга жаҳл билан тикилиб, у қўйиб бераётган тасманинг рақамига яқин бориб қаради. Кейин ажаблангандек, чўнтагидаги дафтарчани олиб, у ердан ниманидир, афтидан, тасманинг рақамини излади. Кейин топди, шекилли, яна тасмага қаради. Бирпас ҳеч нарсага тушунмагандек, безрайиб туриб қолди.

— Шу тасмага ёзгандик, чоғи. Аниқ шу тасма эди. Қизиқ... — деди у довридаб.

— Бизнинг бекорчи вақтимиз борми, — зарда қилди муҳаррир. — Аниқ шу тасмамиди?

— Ҳа, — деди ўзига ишонмай овоз режиссёри. — Шу эди... Яна ким билади.. Балки адашиб...

У бизга узрхоҳлик билан қаради-да, шошиб хонадан чиқиб кетди. Унинг даҳлизда югуриб кетаётганини ҳаммамиз эшитиб турардик.

— Буларнинг хаёли жойида эмас, — деди бош муҳаррир норози бўлиб. — Мана шундан ҳам ишга бўлган муносабатни билса бўлади. Тасманинг рақамини ҳам адаштирадими эси жойида одам?

Ҳамиша ўзим билан ишлайдиган гуруҳнинг ёнини олганим учун у менга иддао қилиб гапирарди. Бу марта унга қарши ҳеч нарса демасим: у ҳақ эди. Энг муҳим пайтда ёрдамчим билан овоз режиссёри мени уялтириб қўйганди. Салдан кейин бир қучоқ тасма кўтарган овоз режиссёри кириб келди.

— Мана, бугунги овоз ёзган ва монтаж қилган тасмаларим. Балким чарчаб, рақамни адаштиргандирмиз...

Шундай деб у бирин-кетин тасмаларни қўйиб кўра бошлади. Аммо у қўйган биронта ҳам тасмада биз кутган шовқинлар йўқ эди. Овоз режиссёри бундан баттар ажабланар ва довридарди.

— Менга қаранг, — деди охири муҳаррир. — Сизлар эрталаб ёзиб келган тасмани қўйиб беринг. Бизнинг ўзимиз қайси шовқинларни қўйишни айтамыз. Қайтадан

қўйиб чиқасизлар. Бу кетишда бизга бутун жамғармадаги тасмани қўйиб берасиз, чоғи.

Бу гап менга ҳам маъқул бўлди. Мулзам бўлиб ўтиргандан кўра эрталаб ёзиб олган шовқинларни қўйиб, қайси шовқинни қайси саҳнага қўйишни келишиш осонроқ эди. Овоз режиссёри маъқул дегандек, бир тасманинг устига қаради-да, ўша тасмани магнитофонга қўйди. Энди буниси устимиздан бир челақ сув қўйиб юборгандай таъсир қилди. Тасмадан биз боягина пьеса саҳналарида эшитган нола тўла увиллаш аниқ-тиниқ келиб турарди. Овоз режиссёри беҳол ўтириб қолди. Унинг юзлари оқариб, рангида ранг қолмаганди.

— Ахир эрталаб шу тасмага ёзгандик, бу шовқин қаердан пайдо бўлди?

— Балки охиrhoғига ёзгандирмиз. Айлантриб кўрингчи, — деди ёрдамчим умид билан.

Овоз режиссёри тасмани олдин бошига, кейин охирига қараб айлантрирди. Аммо бутун тасмага ўша нола ёзилган, худди устимиздан кулгандек, қаерида тўхтатиб, тугмачани босса, ўша ердан эшилиб-буралиб, гайритабиий нола чиқиб келарди. Бу шунчаки нола эмасди. Қандайдир табиатдаги жами ғамгин ва музтар товушлар, сайрашлар ва шовуллашлар уйғунлашган ўта ғамгин, дилни ўртайдиган, одамни ғамгин ва дилгир қилиб қўядиган, бизнинг пьесамизга мутлақо зид андух тўла нола — эгасидан айрилган итнинг увиллашидай нола эди.

— Бу нима?! — энди ўрнидан туриб туюқиб кетди бош муҳаррир. — Сизлар бизни майна қилишга чақирдиларингми?

У кўпроқ менга кўзларини лўқ қилиб, важоҳат билан қараб турарди. Мен елкамни қисдим.

— Бугун эрталаб биз энг зарур шовқинларни ёзиб келгандик. Билмадим, нима бўлаяпти?

Шундай деб, овоз режиссёрига ва ёрдамчимга қарадим. Улар шошиб қолишган, бир тасмани олиб, иккинчисини магнитофонга тикишар, эшитиб, кутилган овоз келмагач, яна бошқасини тикишарди. Ниҳоят овоз режиссёри чарчади. У бизга қарамай курсига ўтириб, ниманидир эсламоқчидек ўйга толди.

— Сиздан сўраяпман, нима бўлди? Яна тасмани ўчириб юборибсизларми? — бош муҳаррир студияда тез-тез бўлиб турадиган вазият бўлган, булар тасмани билмасдан ўчириб юборган деб ўйлаётган эди.

Овоз режиссёри унга жаҳл аралаш лаблари титраб билан қаради. У энди бошлиқдан ҳайиқмаётган, тўғрироғи, унга нимадир жуда қаттиқ таъсир қилганидан ўзига келолмаётган, энди йўқотадиган нарсаси йўқ одам каби терс ва кўпол бўлиб қолганди.

— Йўқ. Биз адашиб, ўчириб юбормадик. Агар ўчирсак, ёзиб келган иккала тасма турарди. Боғдан ёзиб олинган тасмага ҳам шу шовқин ёзилиб турибди.

— Тушунмадим, — дедим мен энди баттар ажабланиб. — Ярим соат олдин, бўлди, шовқинларни саҳналарга қўйдик, энди эшитсак бўлади деган сиз эмасми?

Овоз режиссёри кўзларини юмиб-қайта очди.

— Ҳа, шундай дегандик. Лекин кўраяпсиз-ку...

— Эрталабки тасма-чи?

— Эрталаб ҳар эҳтимолга қарши иккитадан тасмага нусхаси билан ёзиб олганман. Аммо иккаласи ҳам ўша увиллаш билан тўлиб турибди. Ахир бу увиллаш ҳам, яқин атрофимизда ит ҳам йўқ эди... Шунга ҳайрон қолаяпман. Боя саҳналарга қўяётганимизда ҳам ҳаммаси ўз жойида эди. Бунимиз ким қилиши мумкин, билолмаяпман.

Бош муҳаррир гапимиздан ҳеч нарсани тушунмаган бўлса ҳам аммо мураса қилгандек, уфлади.

— Мабодо эрталабдан ҳалқумни ҳўлаб олмаган-мидиларинг? Балки бу шовқинни кайф аралаш ёзиб келгандирсизлар?

Унга "туҳмат қилманг!" дегандек зарда билан қарадим. У менинг ичкиликка ўч эмаслигимни, айниқса, эрталабдан ичиб олмаслигимни биларди. Шунинг учун мендан кўзини олиб қочиб, овоз режиссёрига таҳдид қилди.

— Етар. Тасмаларни топсангиз, топинг, бўлмаса, эртага қайтадан ёзиб келинг. Бу марта ёнингизга бошқа овоз режиссёрини ҳам олволинг. Эҳтиёт шарт. Шусиз ҳам ишни чўзиб юбордиларинг...

Шу гапни айтиб, норози ва асабий қиёфада чиқиб кетди. Унинг изидан муҳаррир ва иккита кекса режиссёр ҳам чиқиб кетди. Биз энди тасмаларни олиб, шошилмай бирма-бир эшита бошладик. Аммо ёзиб келган шовқинлардан асар ҳам йўқ эди. Эрталаб шу иш учун атайин рақамлаган тасмаларда ҳам ўша мунгли, мустар нола-соҳибни йўқотган ит увиллаши эшитилиб турарди. Ким биз билан ҳазиллашаган бўлса ҳам қўпол ҳазиллашган эди.

— Балким биз тушликка чиққанда кимдир ўчакишиб, устига ёзиб юборгандир? — деди ёрдамчим.

— Кўролмайдиганлар қанча?

Овоз режиссёри бошини ирғади.

— Йўқ. Бўлиши мумкин эмас. Мен бу тасмаларни ўзимнинг сейфимга солиб, тушликка чиққандим. Биров қилиши мумкин эмас.

— Нима, сейфингизнинг калити бошқада йўқ деясизми? Одамларнинг сейфи очилмасдан пули йўқолаяпти-ю...

Мен уларнинг баҳсига қўшилмадим. Эртага эрталаб яна боққа боришимизни, қайта овоз ёзиб олишимизни ва ўзлари билан яна битта овоз режиссёри ва қўшимча магнитофон олиб олишини тайинлаб, уйга жўнадим. Трамвайда кетарканман биз эшитган мунг қулогим остида жаранлагандай бўлди. Қизиқ, мен шунча йил радиода ишлаб, овозлар ва мусиқа жамғармасини беш қўлдай била туриб, бундай увиллашни ҳеч эшитмаган эдим. Бу кимнинг ҳазили ёки ўчакишиши оқибати экан? Хаёлимдан мукофотга номзод бўлган бошқа студиядаги ҳамкасбларим бирма-бир келди. Аммо уларнинг бу даражада пасткашлик қилишларига ишонгим келмасди.

Эртасига биз яна ўша хиёбонда овоз ёзиб ўтирардик. Бу сафар овоз режиссёри иккита, ёзиш ускуналаримиз эса учта эди. Овоз режиссёри ўзи билан иккинчи магнитофонни ҳам олиб келганди. Биз яна ўша тонгги наботот, ҳашорат ва парранда овозларини — табиатнинг улуғворлигини мадҳ этаётган, борлик билан уйғунлашиб кетган тириклик ва яратувчилик оҳанглари ёзиб ола бошладик. Мен кўзларимни юмиб ётарканман, бирдан қушлар ва ҳашоратларнинг қувноқ овозлари остида кечаги тасмадаги увиллаш келаётгандек бўлди. Чўчиб, бошқаларга қарадим. Улар индамай ишини давом эттиришарди. Демак, кеча асабийлашганим учун қулогимга эшитилаяпти деб ўйладим. Аммо бу сас энди менга аниқ эшитилаётган эди. Қушлар чуғури остида у бирдан қулоққа чалинмас, аммо бутун вужудингизни шу шовқинларга берсангиз, унда ана шу шодонликлар остида маҳзун увиллаш келиб турар, у бир йўқолиб, бир пайдо бўлар, гўё бахтиёрлик ва шодонлик билан баҳс бойлашиб, ютқизаётгандек эди. Мен ҳар эҳтимолга қарши чакалакзорга қарадим: у ерда биронта ит

йўқмикин? Шунча меҳнатимиз яна зое кетса деган фикрдан кўз олдим бижирлаб кетди-назаримда, чакалакзор ичида қандайдир катта бир ит менга қараб, масхара қилиб, тилини чиқариб тургандек туюлди. Кўзимни юмиб очдим — итга ўхшаб ҳурпайиб турган шохга кўзим тушди-да, кулгим келди. Лекин мен ит увиллашини аниқ эшитдим. Бу итнинг увиллаши экани кундай аён-ку. У қанақа ит экан, бунчалик бағри хун бўлган?! Овоз режиссёрлари шовқинларнинг тиниқ ва аниқ ёзиб олинаётганига гувоҳ бўлиш учун қулоқларини ускуналарга тегизиб туришар, кейин мамнун бош ирғашарди. Демак, ҳеч қандай ғайритабиий нарсанинг ўзи йўқ. Менинг қулогимга шундай эшитилаяпти, бунинг ҳаммаси кечаги можаронинг таъсири. Биз энди бу марта ишонимиз юришишга заррача шубҳа қилмасдик. Шунинг учун мен саҳналарга қўйилган шовқинларни эртага эшитамиз деб, хиёбондан чиқишда ҳайрлашиб, уйга кетдим.

Кечқурун ёрдамчим телефон қилди. У жудаям ҳаяжонда эди.

— Айтсам, ишонмайсиз. Барча тасмалар яна ўша увиллашни ёзиб олибди. — У, афтидан, йиғламоқдан бери ҳолатда, у телефон қилаётган хонада овоз режиссёрлари бўлса керак, асабий овозлар келарди. — Келмасангиз бўлмайди.

Мен тезда кийиниб жўнадим. Овоз ёзиш студиясида энди бошқа режиссёрлар ҳам йиғилган, муҳаррир ҳам шу ерда эди.

— Сира ақлим етмаяпти. Бу қаердан келди? Ахир биз бошқа шовқинни ёзиб олгандик? — Овоз режиссёри асабий гапирарди.

— Балки бошқа каналга ёзгандирсизлар? — кимдир, менимча, муҳандислардан бири сўради.

— Ҳамма канални текширдик. Шу увиллашдан бошқа овоз йўқ.

Ростданам тасмалардан яна ўша-мунгли ва маҳзун нола — энг қизиги, хиёбонда менга шундай туюлаяпти деган увиллаш келарди. Мен энди тонг қотдим. Ва гап тасмада ҳам, ёзиш ускунасида ҳам эмаслигини сезиб турардим. Хиёбонда менинг кўзимга кўринган ит аслида бўлган ва у ўша дарахтлар орасида туриб увиллаяпти, биз гарчи қанча уринмайлик, фақат унинг овозини ёзиб оляпмиз. Бу ерда қандай сир бор? У қандай ит бўлди? Унинг увиллашида бизни нимадандир оғоҳ қилмоқчи бўлаётгандек, сирли нола бор эди. Ускуналаримиз гарчи қушлар овозини ёзаётгандек туюлса-да, аслида қулоққа элас-элас чалинадиган ўша сирли увиллашни ёзиб оляпти. Нега? У қандай нола бўлдики, ўзига замонавий ускуналарни ҳам бўйсундириб, бизни масту-музтар қилган саодатманд оҳанглар ўрнига асрий ғам-андуҳ акс этган итнинг увиллашини тақдим этаяпти? У қандай ит? У қандай увиллаш, нола?

Муҳаррирнинг фиғони фалакка чиқди. У бир пайтлардаги келишмовчилигимизни эслади, чоғи, мени атайлаб шундай қиляпти деб ўйлади. Менга бақрайиб тикилганча кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб кўрсатди:

— Сиз... сиз бу ишингиз билан жавоб берасиз. Бу билан нима демоқчисиз? Бу масхарабозликнинг тагида нима ётибди ўзи?! Ҳали тингловчига ит увиллашини қўйиб берасизми? Ит нега увиллаяпти? А?

— Мен ҳам шуни билмоқчиман, — дедим фавқулодда ўзимни босиқ тутиб. — Бу ўзи нима? Табиат бу увиллаш орқали бизга нима демоқчи? Менинг ҳам ақлим етмаяпти. Лекин бу жудаям ғаройиб нола. Буни атайлаб яратиб бўлмайди. Бу тайёр куйнинг ўзи.



Муҳаррир менга нимадир демоқчи бўлиб, яна кўрсаткич бармоғини бигиз қилди. Унинг муסיқадан умуман саводи йўқлигини эслаб, гапларим беҳуда кетганини сездим. У аксар ҳолларда эшиттириш матнини бериб, кейин режиссёрларга "Ўқилгач, бир тинғин-тинғир қўйиб юборинглар" дерди. Режиссёрлар "Аслида эшиттиришда ана шу тинғир-тинғирдан бошқа нарса ҳам йўқ, тингловчи фақат ўша тинғир-тинғирни эшитади", деб изидан майна қилишарди. У режиссёрларнинг ўзига муносабатини билар, лекин улар билан гап талашиб, обрўсини кеткизмасди. Ҳозир ҳам хушёр ақли бирдан ишлаб кетди. Заҳрини ичига ютди.

— Беш дақиқадан кейин бош муҳаррирнинг олдида учрашамиз.

У эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди. Мен овоз режиссёрига қарадим. У елка қисди. Биз яна бир марта ёзиб келган тасмаларни эшитиб кўрдик. Барча тасмаларни ўша увиллаш босиб кетганди. Ёрдамчимга бу оҳанглари аудио тасмага кўчириб, ўзимга беришини тайинлаб, бош муҳаррирнинг олдига йўл олдим.

Эртасига бизни асарга безак беришдан четлатишди. Итнинг увиллашини ёзиб келганимиз учун бошимизга ит кунини солишмоқчи эди, аммо танлов яқин қолгани сабабли истисно қилишди: бошқа гуруҳ пьесага шовқинлар ишловини берадиган бўлди. Бизга ҳам айнан шу керак эди. Энди ғирт бекорчи эдим. Ёрдамчим ёзиб берган тасмадаги итнинг увиллашини яна бир неча кун эшитиб юрдим. Эшитганим сайин бу ит нега увиллапти, у кимни чорляпти, кимга нола қилапти деган ўй бутун фикру хаёлимни эгаллаб олди. Энди фақат нола қилаётган ит ҳақида ўйлар ва эрта-ю-кеч қулоғим тагида фақат ўша итнинг фиғони жарангларди. У қандай ит? Эгаси бормикин? Нега у бунчалик нола чекапти? Бир неча кунлик саволларимга худди ташландиқ боғ жавоб берадигандек, ўша итга ўхшаб хурпайиб олган шохлар орасида мени жавоб кутиб тургандек, хиёбонга йўл олдим. Кўёш энди шаҳарнинг тоққа туташ қисмидан бош кўтариб келарди. Боғ қушлар ва паррандалар, умуман, тирикликнинг гўзал қўшиғига тўлганди. Мен яна ўша овоз ёзган жойга бориб ўтирдим. Майса ҳиди келарди боғдан. Шудринг ҳовурида димоққа урилиб, кейин қушлар чуғурига қўшилиб кетарди. Бу ерда ҳамма нарса бахтиёрлик, яшнаш ва уйғоншдан дарак беради. Ғайритабиий нарсанинг ўзи, айниқса, бу атрофда итдан дарак йўқ эди. Унда увиллаш қаердан келаяпти? Қандай қилиб тасмаларга жойлашиб олди? Мен дарахтлар орасини, орқадаги, дала билан туташ, шаббалаб кетганида чакалакзорга айланган дафназор ва тутзорни бирма-бирма кўздан кечирдим. Боғда шохлар орасини титиб юрганимни кўрган танишларим эсдан оғибди деб ўйлашлари мумкин эди. Қаердаки хилват ва ит бекиниб олиши, қаердаки ётиши, пушиши ёки уя қилиши мумкин бўлса, ҳамма жойни излаб чиқдим. Ҳеч қанақа ит йўқ эди. Унда увиллаш қаердан келаяпти? Ҳолдан тойиб, синиб ётган дарахтга ўтирдим. Худди телбалардай хиёбонни ахтарганим ўзимга нашъа қиларди. Шу билан бирга мен ўша сирли увиллашнинг тагига етишни истардим. Тин олмоқчидай кўзларимни юмдим. Атрофимни қуршаган хушанишин чуғурлардан куч олиш учун бирпас уларнинг сеҳрига берилдим, кейин ҳар қандай товушлардан ўзимни узиб, яна ўша увиллашни эшитиш учун элас-элас келаятган шовурларга қулоқ соддим. Шу ҳолатда узоқ ўтирдим. Хаёлим орқали боғнинг мен ҳали етиб бормаган ичкарисига кириб кетдим. У ерларда анвойи гуллар гуркирар, ҳамма нарса ўз ҳолича

ва ўз эркича ўсиб ётарди. Дарахтлар чиркинликни инкор этиб, янги барглари чиқарар, кейин тўкилган гуллар ўрнига янги гунчалар очилар, минглаб ранглар боққа зеб бериш учун шайланиб турарди. Бу ерда гўзаллик билан хунуклик, завол билан яшариш, тубанлик билан юксаклик ўртасида кураш кетарди. Бир маҳал кўзим илиндими, ё менга шундай туюлдими, бирдан тасмаларда эшитган нола олдин секин, кейин баралла эшитила бошлади. Салдан кейин мен увиллашни аниқ эшитдим. Увиллаш бир олисдан, бир ёнимдан эшитилар, кўзимни очиб қарагим, увиллаётган итни кўзим билан кўргим келар, аммо бирдан ит ҳам, нола ҳам йўқолиб юкса-чи деган хавотирда кўзларимни очгим келмасди. Увиллашда мунис андуҳ бор эди. Ундан дард, мусибат, изтироб, ғам-уқубат тараларди. Бу дардга ва бу ғамга чидаб бўлмасди. Уни эшитган сайин шунчалик дард кўпаяр, мусибат улуглашар, ғам юракни тўлдирар, йиғлагим келарди, аммо увиллашдан таралаётган хўрлик олдида йиғи нима бўлибди деб ўзимни овулардим. Одам қандай чидайди бу нолага деб ўкириб юборинг келарди. У ўзининг андуҳи билан сеҳрлар, андуҳи билан мафтун қилар, мусибати билан жодулаб қўярди. Бу увиллашни эшитган одам бошқа оҳангни қайта эшита олармикин? Бу нола, бу маҳзунлик бошқа барча оҳанглари фош қилиб, сохталаштириб қўярди. Нега мен шу пайтгача бу андуҳни эшитмаганман, нега шу пайтгача бу мусибатдан узоқ бўлганман? Нега бу нола ўзларини хушанишин оҳанглари тагига яширди экан? Нега увиллаётган ит одамлардан ўзини пинҳон тугяпти экан? Увиллашдаги андуҳ таъсирида кўзларимдан юм-юм ёш оқаётганини билардим. Йиғлаган сайин енгил тортар, янаям ўкириб йиғлагим келарди. Йиғига ғарқ қилувчи бу нола қайдан келаяпти, қайга кетаяпти? Нега у мени мунгга ва мусибатга ошно этапти?

Эртасига ҳам, кейинги кунлар ҳам мен боғнинг бир четига ўтириб, кўзларимни юмганча кунимни шу ҳолатда, мусибат ва андуҳдан титраб ўтказдим. Мен увиллаётган итни кўргим, унинг ғамига шерик бўлгим, мусибат эзган бошини силагим келарди. Энди бир умр бу ноладан ҳам, итдан ҳам айрилолмайдиандай эдим. Кўзларимни очганимда увиллаш йўқолар, юмиб олишим билан қулоғим тагида пайдо бўлар, мени ўз оҳангига олиб кириб кетарди. Увиллашда хўрлик ва ҳақорат тўла эди. Маҳқумлик ва мутелик, ожизлик ва зулм қоришиқ эди. Бу хўрлик билан одам яшаши мумкин эмасди. Мен кўзларимни очиб, "Қаердасан, нега мени бунчалик эзасан, кел, сени кўрай, мақсадинг нима?" деб пичирлардим. Пичирлашим қулоғим тагида худди ҳайқириқдай садо беради. Ўшандай лаҳзаларда мен бир нарсани билиб қолдим: кўзимни юмишим билан менинг ичимдан нимадир ташқарига сақраб чиқиб кетар, менга ўша сақраб чиқиб кетган нарса итдай бўлиб туюлар, аммо менинг ичимда ит нима қилади дея бу шубҳани инкор қилардим. Аста-секин боққа келишим билан ичимдан сақраб чиқиб кетган шарпаннинг итга ўхшашлигига ишона бошладим. Ичимдан чиқиб кетаркан, кўрагим ит панжалари билан тирналгандек оғриқни ҳис қилардим. Бир кун кўзимни юмганча, итнинг ноласи бошланишини кутиб турарканман, увиллаш шундай ёнгинамдан келаятгандай туюлди. Беихтиёр, ўзим кутмаган шиддат билан кўзимни очдим. Сизгиларим алдамаган эди. Ёнимда қопқора ит турарди. Унинг жуссаси мен ўйлагандан кўра катта эди. Аммо кўринишининг ўзиданоқ бу итни ғам адо қилган деган фикр келарди. Унинг кўзларида мунг ва ҳасрат қотиб

қолган, ўзи афтода, озгин, қовурғалари кўриниб ётар, оёқда зўрға тургандай туюлганди менга. Гўё бир неча кун эмас, бир ойдан бери туз тотмаганга ўхшарди. Ўрнимдан қимирлашга кўрқиб, уни кузатиб турардим. Ит ҳар доимгидай боққа одамлар кириб келгунча, шовқин бошлангунча увиллади, кейин секин чакалакзор орасига кириб кетди. Мен унинг изидан югурдим. У чакалакзордан чиқиб, деворнинг тирқишидан ўтди-да, шаҳарга қараб кетди. Девор ошиб тушганимда, у аллақачон одамлар ичига кириб, ғойиб бўлганди. Мен енгил тортдим. Тирикчилик шовқини-ю ҳамиша думни ликиллатишга ва кетни қимиллатишга ундайдиган куй ҳамда шунга мос оломон билан тўлаётган боғда итни кўрганымдан ва уни топганимдан хурсанд эдим. Эртасига ит мендан ўзини олиб қочмади. У энди мени ҳар куни шу ерда кўриб кўникиб қолгандек эди. Ёнимга келиб, орқа оёқларига ўтирарди-да, осмон-у фалакка қараганча яна ўша ноласини бошларди. У нега айнан шу ерга келиб увилляпти, сира ақлим етмасди. Аммо у ҳар доим бир пайтда бир жойга келиб увларди. Итнинг менга қараб туришининг ўзидаёқ мунг ва ҳасрат бор эди. Эҳтимол, у ўзининг қанчалар афтода эканини билмас ҳам? Эҳтимол, ана шу ғариблиги билан боққа келиб, эрта-ю кеч ўйиндан бошқасини билмайдиган тақасалтанглар-у олифталарга нимадир ишора қилмоқчидир? Билмадим, аммо бир қарашдаёқ унинг нақадар ожиз ва мушфиқ эканини билиб олса бўларди. У ўзига ҳеч четдан қараб кўрганмикин? Ўзини бир марта бўлсин кузатганмикин? Бунча ғариб ва фақир бўлмаса вужуд дегани? Унга қараб бу афтода танани эзгилагинг, эзгилаган сайин таҳқирлагинг, таҳқирлаган сайин унинг оёқлари остида ўзинг таҳқирлангинг келарди. Унинг қўтир босган вужудида қандайдир сеҳрли бир куч бордай эди. Биз тезда бир-биримизга ўрганиб қолдик. Энди мен ҳам ит билан бирга девор тўйнуғидан эмаклар, кўчага чиқар, кейин унинг изидан санқиб юрардим. Биргаликда шаҳарнинг шунча йиллардан бери бирон марта кўрмаган ғарибгина кулбалар, тўкилай деб турган масжиду мадрасалар жойлашган эски тор кўчаларини, қадимий қалъалару қасрлар харобалари қолган тепаликларни айланиб чиқардик. Анча кундан кейин мен итнинг ҳар куни бир хил йўналиш бўйлаб бир хил кўчаларни айланишини, фақат шаҳар четида қолган тор кўчаларнинг биридаги йўма нақшларини йиллар ёмғири сидириб юбораёзган иккита дарвоза тагига чиқариб қўйилган егуликдан ейишини, яна ўша йўл билан изига — боққа қайтиб киришини ўрганиб чиқдим. Ит шаҳарнинг гуллаб-яшнаб ётган қисмига деярли бурилмас, бошқа бирон жойдан егулик ахтариб умидвор ҳам бўлмас, йўлидаги дайди мушуклар ва санғи лайчалар ўралашиб юрган ошхона-ю базмхоналар олдида индамай, бошини эгиб ўтиб кетарди. Суяк талашаётган лайчаларга бир кўз ташларди-да, йўлидан давом этарди. Агар ўша эски дарвоза олдида егулик бўлмаса, индамай изига қайтар, кун бўйи оч юрса ҳам, ўзини хўрак талашиб ириллашаётган лайчалар ичига урмасди. Шунинг учун унга егулик олиб кела бошладим. У мен кутгандай егулик деб думини ликиллатиб, суйкалмас, минг бир мулозамат билан берган пишлоқ ёки бўтқани олдин роса ҳидлаб, кейин бир бўлак ер, қолганига эйтибор ҳам бермасди. Менга у касалдай туюлди. Эҳтимол, шунинг учун у мана шу овлоққа маскан қургандир, эҳтимол танасидаги оғриқни енгил учун нола қилар?! Ахир соғ ит хўракдан ўзини тийолмайди-ку. Шундай бўлса-да, уни ўзимга ўргатиш учун егулик олиб келар, увиллаш маросими тугагач,

биз биргаликда шаҳар айланардик. У менинг тасаввуримдаги итга ўхшамасди—камсуқум, ғариб, ва устига устак ўта кўрқоқ эди. Худи фил олдини тўсган қоплонлардек, дайди лайчалар олдини ҳуриб тўсса, улар билан талашиб ўтирмасди — улар нимани талаб қилса, ўша ёққа индамай бурилиб, бепарво кетаверарди. Унинг бирон марта тишини кўрсатиб, ириллаганини, феълени кўрсатиб, бировга ёт қараш қилганини кўрмадим. Ундаги камсуқумлик ва озурдалиқ менга ҳам аста-секин юқа бошлади. Бир куни уни уйимга олиб кетдим. У мен билан кетишни истамасди. Аммо унга қараб, ўзимнинг бор муҳаббатимни изҳор қилиб, нималардир дедим. Аслида ҳам итга меҳрим тушиб қолганди. Уни энди ўзимдан айро тасаввур қилолмасдим. Сал кўрмасам соғинар ва унга мафтун бўлиб қолгандим. У ҳис-ҳаяжонга тўлган гапимни тушунгандай бир пас мулоҳаза қилиб, кўзларимга тикилиб турди, кейин изимдан индамай эргашди. Ўша кеча биз, тўғрироғи мен унга ўзим ҳақимда ҳикоя қилиб бердим. Хаёлчан болалигим, изтиробда ўтган ўсмирлик, балоғатнинг алдов ва хиёнатлари, тирикчиликнинг мазахомуз қуллиги, дўстликнинг жуда осон сотилгани, ҳаётнинг аёвсиз синовлари ва табиийки, эришилмаган муҳаббат ҳам бу ҳикоядан четда қолмади. У менинг гапимни оёқлари устига тумшугини қўйиб эшитиб ётарди. Кўп марта дўстлар билан бўлгандек ва кейин нега шуларга дардимни ёздим деб ўзимдан нафратланиб юрган пайтимдагидек, ҳикоя давомида у ухлаб қолмади. Аксинча, ақалли бирон марта ҳам мендан кўзини узмади, юмади ҳам. Унга гапларим ва ўтмишим таъсир қилди. Орада бир-икки менга ҳамдардек ҳуриб қўйди. Сўққабошлигим иккаламизга ҳам қўл келди. Ит меникида қолди. Биз энди худди туғишгандай ёки ошиқ-маъшукдай бир-биримизсиз туролмайдиган ҳолатга етгандик. Иккаламиз жимгина шаҳар кўчаларини кезардик. Иккаламиз ҳам тилсиз, забонсиз бир-биримизни тушунардик. Ишдан чиқиб, кечгача кўчаларни айланар, юзлари ўзини фош қилиб қўяётган бахтиёрликдан синиққан ва ташвишлардан гезарган издиҳом ичида бир-биримиздан кўзимизни узмай, одамларнинг бизга ажабланиб қарашларига парво ҳам қилмай, ёнма-ён кетганча тилсиз-товушсиз сўзлашиб кетардик.

Бир куни мен бошқа томонимга ағдарилиб ётиш учун ўгириларканман, тўшагимнинг ярмида ётган жунли танага қўлим тегди. Қўчим уйғониб кетдим. Қаддимни кўтариб қараганимда ёнимда, ёстигимнинг ярмига тумшугини қўйганча ухлаб ётган итни кўрдим. Шундагина ит энди менга тўла ишонганини ва ит ҳақида нимани ўйласам, ит ҳам мен ҳақимда шуни ўйлашини сездим. Беихтиёр қўлларим билан унинг жунларини силадим. Кафтларим энди дағаллашиб қурий бошлаган, сабаби менга номаъулум бўлган ит кунларидан дарак бериб турган яраларга тегди. Этим жимирлашди. Назаримда бу яралар ўзимнинг танамда ва ўз танамни силаётгандай туюлди. Бу туйғу кейинчалик ҳам тарк этмади. Ҳар кеча унинг яраларини силарканман, худди ўз баданимни силаётгандай бўлар, кимдир ҳаётнинг адолатсиз сўқмоқларида орттирган жароҳатларимни силаб менга ором бераётгандай эди. Бу итга ҳам хуш келди, чоғи, у мен билан бир тўшақда ётишга ўрганди. Унга ҳар кеча итга ошно бўлмаган ва ит бўлмаган пайтларимнинг азоб-уқубатлари, чеккан андуҳларим, ҳасратларим ҳақида ҳикоя қилиб берардим. У энг оғриқли кечинмаларимни гапирётганимда гингиб қўяр, хотирам билан бирга унинг ҳам жони азобланаётганини сезиб қолар, кўзларидан оқётган



ёшлар ёстигимни ҳўл қилар, баъзан эса мен у билан боғга бориб, унга қўшилиб увиллар ва увлаган сайин вужудимдан оғриқ ва уқубатлар ариб, руҳим янаям енгиллашиб бораётганини сезар ва беихтиёр кўнглимда нега мен бу лаззатдан шунча йиллар бебаҳра юрдим экан деган надомат пайдо бўларди. Мен шу увлаш орқали ўзимни ва атрофимни қандайдир қилаётгандай эдим. Ит кўпинча мени ишгача кузатиб борар, кейин қаёққадир, менимча, ўша овлоқ боққа кетар, ишдан чиқар пайтим кўча юзида кутиб турарди. Танишларим менинг ит асраётганимни кўриб ажабланишарди. Атиги бир неча ой олдин итни кўрса ижирганадиган мендай келажаги порлоқ, ҳарқалай, бир силтов кам таниқли бўлиб қолган йигитнинг қандайдир кўринишиёқ одамда ёқимсиз ҳис ва ирганиш уйғотадиган касалманд ва кўтир ит билан яшашини тасаввур қилишолмасди. Бунини менга ошкора айтганлар ҳам бўлди. Аммо менинг парвойимга ҳам келмади. Мен уларга сиз агар унинг увиллашини бир эшитсангиз эди, дегим келар, лекин бу гапимдан уялардим. Ахир итнинг увиллаши ҳам одамни сеҳрлаб кўйиши ёки одам ит нолаисига ҳам ошуфта бўлиши мумкинми? Бу улар учун ғирт бемаънилик бўлиб туюларди. Шунинг учун уларга жавобан индамай кўяқолардим. Менга уларнинг кулишидан кўра мана шу касалманд итнинг меҳрини қозониш афзалдай туюларди.

Бир куни тушликдан қайтишда даҳлизда менинг хонам олдида йиғилиб турган ҳамкасбларимни кўрдим — у ерда худди тўполон бўлаётгандек эди. Қадамимни тезлатдим. Мени кўриб ёрдамчим қаршимга югурди. Унинг ранглари оқариб кетган, анчадан бери мени излаб юрган экан.

— Сизни бош муҳаррир хонангизда кутаяпти — , деди хавотир ва ҳамдардлик билан.

— Нима гап? Мукофотни бўлишяаптимиз, — дедим хонам олдида бутун бошли жамоа йиғилиб олганига ишора қилиб.

— Йўқ. Кимдир сизнинг хонангизда ит ётганини кўрибди, — деди. — Бошқалар ҳам итни кўрган экан. Ҳаммаси гувоҳлик беришга йиғилишган.

Унинг гапи менинг кулгимни қистатди. Ҳамкасбларим ақлдан озганга ўхшайди деб ўйладим. Хонамга шошиб кирарканман, у ерда бош муҳаррирдан ташқари муҳаррир, яна хўжалик бўлимидан ҳам икки киши борлигини кўрдим. Улар ниманидир шивирлашиб гаплашишарди. Бош муҳаррир кўлидаги рўмолча билан бурнини ушлаб турарди. Мени кўришлари билан жим бўлишди. Нима гап дегандай бош муҳаррирга ва муҳаррирга қарардим.

— Сиз ишхонага ит олиб келиш мумкин эмаслигини биласизми, — деди бош муҳаррир ўсмоқчилаб, худди мени айб устида қўлга туширгандай.

— Биламан, — дедим. — Бу ерга ит олиб келганим йўқ.

— Бекор гап, — деди хўжалик бўлимидаги калта киши. — Фаррошлар бир ойдан бери сизнинг хонангиздан ит ҳиди келаётганини айтишяапти. Қолаверса... — у бош муҳаррирга айтаверайми дегандай қаради. Бош муҳаррир бош ирғагач, гапида давом этди. — ... бу хонадан ҳар куни ит тезаги чиқаяпти.

— Бўлиши мумкин эмас, — дедим мен. — Мен ҳеч қачон бу ерга ит олиб кирмадим. Бу тухмат.

Муҳаррир бош муҳаррирнинг қулоғига бир нима деб шивирлади.

— Уйингизда ит асраётганингиз ростми? — деди бош муҳаррир салдан кейин.

— Рост, асраяпман... — дедим муҳаррирнинг яқинда уйимга борганда итни кўриб, остонамдан ҳам кирмай қайтиб кетганини эслаб, бор можарони шу олифта уюштирдимикан деган шубҳада.

— Унда сиз бизга тухмат қилаяпсиз, — деди бош муҳаррир. — Хуллас, гап шу. Сиз ё итни, ё ишни танлайсиз. Шу бугун ҳал қилинг. Шусиз ҳам ходимлар ишхонани ит ҳиди босиб кетгани ҳақида гап-сўз қилиб юришибди. Мен бу гап юқоридагиларнинг қулоғига етиб боришини истамайман.

У гап тамом дегандай ўрнидан турди. У ҳамон кўлидаги рўмолча билан бурнини ушлаб турар, хонадаги хиддан ўзига келолмаётганди. Муҳаррирнинг ҳам бурни жийрилиб турарди. Фақат мен бу ерда ҳеч қандай ғайритабиий ҳид сезмасдим.

— Хонангизни ит ҳиди босиб кетибди. Шамоллатиш керак, — деди хўжалик бўлимидаги калта киши. Унга қараб заҳарханда қилиб кулдим. Бошлиқ биронтани тепса, булар бориб янчиб ўтадиганлар тоифасидан эди.

— Менга қаранг, бу тасмадаги ит увиллаши билан сизнинг ит асрашингиз-у мана бу ҳид ўртасида боғлиқлик йўқми? — сўради муҳаррир катта бир сирни очгандай. — Сиз бизни ит увиллаши билан мазах қилганингиз етмагандай энди итни хонангизга ҳам киритиб олиб, ишхонани итхонага айлантираяпсизми?

Мен индамадим. Уларга гапириш бефойдалигини билардим. Йўлақда мажоранинг қандай яқун топишини кузатиб турган томошаталаб ҳамкасбларимнинг юзида ҳам муҳаррирнинг гапини тасдиқлашаётгани билиниб турарди. Эртасига мен кимни танлаганимни айтиб, итим билан боққа йўл олдик.

У ерга бориб, итим увиллар, кўзларимни юмиб, мен ҳам увиллар, увиллаш билан танамни боғда қолдирганча, увиллашдаги мусибатга қўшилиб, олис-олисларга, ўзим ҳам англамаган, гўё ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлиб туюлаётган олисларга кетиб қолардим. Нола мени энди ҳали яхлит бўлган руҳнинг жилваларга қараб бошлаб кетарди. Ҳали ҳеч нарсага исм ҳам, ном ҳам берилмаган ўша ерда мен итим билан яна юзма-юз келардик ва шундагина биз битта вужуд эканимизни сезиб қолардим. Энди боққа келган пайтларим ичимдан чиққан ва қайтиб кирган нарса итлигига сира шубҳа қилмасдим. Ўша дақиқаларда бўлақларга бўлиниб, бир қисмим итга айланиб кетганини билардим. Увиллаш мени бўлақлаб, боғнинг турли бурчақларига сочиб ташлар, кейин яна ит қиёфасига киритиб, секин бир жойга йиғар ва яна сочиб юборарди. Шунда бутун ҳаётим ана шу сочилиш ва йиғилиш орасидаги бир лаҳза эканини ҳис қилардим. Ит мени сочиб юборар экан, мен машаққатлар билан турли томонга адашиб — улоқиб кетган ўзимни йиғиб келардим, у эса худди мен билан ўйнашаётгандай яна сочиб юборарди. Тарқоқ ва тарвақайлаган ҳолатда вужудимни тариқдай сочиб юбораётган кучни кўрмоқчидек, итга қараб "Кимсан, менадан нима истайсан, сен ит, нега ичимга кириб олдинг?!" деб шивирлардим... Эҳтимол, у ҳам менга шундай деб тикилаётган ва сўраётгандир? Биз юзма-юз турганча бир-биримизнинг кимлигимизни аниқлашга уринардик. У менга қанча боғланиб қолса, мен ҳам унга шунча боғланиб борардим. Биз энди бири-бирига тикилиб турган бир вужуддай эдик. Бир вужуд бўла туриб айро-айро эдик. Менга ундан таралаётган айрилиқ азоб берарди. Биз қачон бирга бўлсак, айрилиқ мусибати босилар, салгина айрилсак, вужудимни андуҳ тўлдирарди. Мен итга айланишни, унинг ёнида

бўлишни, унинг қўтир босган танасини узун, ўзиникидай, худди муҳаббат яловидай осилиб турадиган тилим билан ялашни, унинг ҳам гафлат яраси босган танамни ялаб ҳаловат багишлашини истардим. Унинг ёнида хаёл лаззатига фарқ бўлиб, шу лаззатга чўкиб кетишни орзу қилиб ўтирардим...

**"Бош муҳаррирга,
Режиссёр ёрдамчиси ...дан
Билдирги**

Эълон қилинган танлов бўйича бизнинг "Баҳовиддиннинг ити" радиопьесамиз "Энг яхши адабий режиссёр" мукофотига сазовор бўлгани сабабли менга режиссёрни зудлик билан топишни тайинлаганингиз учун уни қаердан бўлса ҳам излаб топишга қарор қилдим. Дастлаб уйига бордим. Уйни ҳеч ким очмади. Кўшниларининг хабар беришича, у бир неча ҳафтадан бери уйга келмаётган экан. Шунинг учун нима қилишни билмай қолдим. Шунда ёдимга унинг ишдан ҳайдалгач, кунини биз уч ой муққадам овоз ёзган овлоқ боққа бориб ўтказётганини айтгани эсимга тушди. Зудлик билан ўша ёққа йўл олдим. Қайта таъмирлаш мақсадида анчадан бери боғ ишламаётган экан. Шундай бўлса-да, сизнинг топширигингизни бажариш учун қаровсиз боққа кириб,

режиссёрни излашга қоровулдан рухсат олдим. Аммо боғда ҳеч ким йўқ эди. Мен бирон овлоқроқ жойда ўтиргандир деб боғнинг хилват жойларини ахтара бошладим. Бир соатлар чамаси изласам ҳам одам зотига дуч келмадим. Ҳафсалам пир бўлиб, энди қайтмоқчи бўлганимда девор туйнугидан кириб келган, бир-бирини қувлаб юрган иккита итга кўзим тушди. Улар гоҳ мендан узоқлашиб боғ бўйлаб югуришар, гоҳ бир-бирини эркалаб тишлаганча, ёнимдан қувлашиб ўтар, худди икки ошиққа ўхшар, бир-бирларининг қўтирларини тиллари билан ялашар, бир-бирининг яраларига кўзларини суртишар, шу даражада бахтиёр эдики, менинг ёнларида турганимни ҳам, изидан анча ергача эргашиб борганимни ҳам сезишмади: улар бутун дунёни унутишгандек, улар учун фақат иккаласидан бошқа ҳеч нарсанинг, боғнинг ҳам, одамларнинг ҳам, улкан ва шовқинли шаҳарнинг ҳам аҳамияти йўқдек эди. Уларнинг бир-бирига муҳаббатига қараб менинг ҳам ҳавасим келди. Беихтиёр тасмаларга ёзилган увиллаш ёдимга тушди. Балки шулардан бирининг ноласи бизнинг тасмага тушиб, бизни роса овора қилгандир деб ўйладим. Энг қизиғи ва сизга бу нарсаларни батафсил ёзаётганимнинг сабаб шуки, итлардан бирининг бўйнида мен режиссёрнинг бўйнида кўп марта кўрганам — чарм тумор осилиб турарди. Боғда бошқа ҳеч кимни учратмадим... Режиссёрни топишнинг иложи бўлмади."



Дилноза МУРОТОВА

Юрак истагига



юрғандек бўлдим

СЕНИНГ ТАБАССУМИНГ КЎРГАНДА

*Фурурим тоғлари қулаб тушидилар,
Соғинч куртаклари гулаб тушидилар,
Ғазаблар меҳрни силаб тушидилар,
Сенинг табассуминг кўрганда.*

*Ғамлар зуваласи ёйилиб кетди,
Ғафлат оёқлари тойилиб кетди,
Ишонч жилғалари қуйилиб кетди,
Сенинг табассуминг кўрганда.*

*Эзгулик суратин кўргандек бўлдим,
Муъжиза ёнида тургандек бўлдим,
Юрак истагига юргандек бўлдим,
Сенинг табассуминг кўрганда.*

БИРИНЧИ УЧРАШУВ



МЕН ТЎЛИБ ЯШАЙМАН

*Мен тўлиб яшайман, жўшиб яшайман,
Орзуни хаёлга бериб яшайман.
Ёмонлар чизмоқчи ажинларини,
Яхшилар юзини кўриб яшайман.*

*Мен тўлиб яшайман, жўшиб яшайман,
Ҳасадни жонимдан суриб яшайман,
Дугонам тутқазган қаро сочларни,
Тортмасдан ҳавас-ла ўриб яшайман.*

*Мен тўлиб яшайман, жўшиб яшайман,
Ҳақиқатни кўзимдан олиб яшайман.
Узгалар йўлини кўрсатманг менга,
Мен фақат ўзимда қолиб яшайман.*





Абдурахмон ЖҶРА

Энди бу боғларда бару бошқача



СЕКИНГИНА ОҚАРАДИ ТОНГ

Шукр, сийлади тақдир,
Йўллари туташирди.
Бир-бирига муносиб,
Дилларни туташирди.

Турмушда туриш йўқдир,
Гарданга тушди мушти.
Шукрки умримизни,
Элларга туташирди.

Имконга ишонгандим,
Иймонни сақлаб дилда.
Яратган меҳримизни,
Гулларга туташирди.

Ўзидан адаштирмай,
Ёмонга ёндоштирмай.
Умримизни фараҳли,
Кунларга туташирди.

Солиҳ фарзандлар берди,
Уйимиз бўлди бозор.
Умримизни уйқусиз,
Тунларга туташирди.

Тутқунликка йўл бермай,
Умидла яшайвердим.
Йўлимизда дўст деган,
Дурларга учраширди.

Эл билан бўлдик мудом,
Эл қатори яшадик.
Шу боис уйимизни,
Нурларга туташирди.

* * *

Боролмадим,
Бермади жавоб,
Майда ишининг катта бошлиғи,
Ичкарида ҳайқирди, хитоб,
Ташқарида хазонрез йиғи.
Дилим оғриқ, фақат соғинч бор,
Юрак қулар гўё жарликка.
Сўзларимни қилмадим такрор,
Тоқати йўқ жавобгарликка.

Секингина оқаради тонг,
Кўз ёш билан кечади шомлар.
Ёлғизликда бўламан дилтанг,
Ёдга тушар гўзал оқиомлар.

Гўзал дамлар бўлдими унут,
Қачон яна суҳбатлашамиз?
Нима қилай яна булутлар,
Тўпланволди ғийбатлашгани.

Бир кунга ҳам бормади жавоб,
Майда ишининг ката бошлиғи.
Ташқарида порлайди офтоб,
Ичкарида беозор йиғи.

БОШҚА-БОШҚА

Қай томон тутдингиз йўл,
Таъвиш тушдими бошга.
Наҳотки тил ила дил
Иккиси бошқа-бошқа.

Сизда бари чиройли,
Сизда бари гўзалдир.
Сурат ила сийратлар
Наҳотки бошқа-бошқа.

Шунча қаро бўлсада,
Ўсма тартибсиз қошга.
Наҳотки кўз ила сўз
Иккиси бошқа-бошқа.

Оғриқ кирди юракка,
Тунда тўлғониб чиқдим.
Уй биттаю, наҳотки
Икки дил бошқа-бошқа.

Бизни дерлар бугдойранг,
Сутга чайгандек сизни.
Наҳотки руҳ ила тан,
Иккиси бошқа-бошқа.

Пул дедингиз турдингиз,
Шул дедингиз куйдингиз.
Билмайсизми шеър ва зар
Иккиси бошқа-бошқа.

Нигоҳларинг алдади,
Юрак севди, бўлмади.
Наҳотки оҳ ила дард
Иккиси бошқа-бошқа.

Кўнгул уйини ғашлаб,
Мени кетдингми ташлаб.
Ишонмайман то ҳануз,
Йўлимиз бошқа-бошқа.

* * *

Гарчи дилда ғамим кўп
Дард ҳам саодатимдур.
Панд бермаган суянчим
Сабру қаноатимдур.

Оламга боқдим хушхол,
Шукр, одам танидим.
Орттирган ҳар бир дўстим,
Қурган иморатимдур.

Сездим, отамдан қолган,
Жойнамоз кутар маҳтал.
Ҳозирча ҳар бир шеърим
Қилган ибодатимдур.

Бахтим, зору ҳайроним,
Жонимга пайванд Ватан.
Ҳар бир гиёҳ, тупроғи
Меҳрим-ҳароратимдур.

Боқсам дилимни чоғлар,
Меваси сархил боғлар.
Ҳар бир гулу райҳони
Туганмас ҳайратимдур.

Шеърим юракнинг кўри
Топган бойлиғу борим.
Ростим шу, ҳар бир сатрим,
Сурату сийратимдур.


Янғар ҳали овозим,
Баланд бўлар парвозим.
Отам, онам дуоиси
Ҳар дам кўш қанотимдур.

Жуманазар БЕКНАЗАР



КАРВОН

Ҳикоя





...Куёш айни тиккага келган. Ундан таралаётган нурлар қум зарраларини аёвсиз қизитарди. Қум барханлари орасида ҳорғин ўрмалаётган туялар устида чайқалиб кетаётган аҳли карвон юзларини оқ сурп матолар билан ёпиб олишган бўлсалар ҳам ўзларини тандир ичида тургандек ҳис қилмоқда эдилар. Айниқса, бугун қилт этган шабадани ҳам ютган куёш забтига олиб, гўё карвоннинг бардошини синамоқчидай, пастга қараб ҳеч оғай демас, бунинг устига, карвоннинг юриши ҳам унмаётганди.

Кўзини очиб юришдан кўра, юмиб юришни афзал билган Карвонбоши туйқусдан сергак торгдию, бир силкиниб қаддини ростлади. Бундай қалтис ҳаракатни кутмаган туя бошини кўтариб, узоқларга қараган бўлди-да, қадамни тезлатди. Йўлбошловчининг туясига етиб олган Карвонбошининг туяси худди буйруқ берилганидай баравар қадам ташлаб, гўё Карвонбошига ана энди бемалол гаплашиб олаверинг, дегандек кавшанаверди.

Карвонбоши Йўлбошловчига аҳвол қандай, дегандай назар ташлади. Йўлбошловчи бошини қуйи эгди. Карвонбоши аҳволнинг ўзи ўйлаганидан ҳам жиддийроқ эканлигини дарҳол англади ва орқага қайрилиб, туя карвонини кўздан кечирди. Туялар гўё ўзларининг қадам ташлашларини ўзлари кузатаётгандек, бўйинларини пастга осилтиришиб, олдинга судралишардилар. Туя ўрқақлари пуччайиб, унинг устига қўйилган жабдуқлар туя танасига ёпишиб қолган. Туяларнинг ҳеч бири кавшанишмас, оғиз бурчакларида кўпикдан мутлақо дарак йўқ, бурун катакларини кенгайтириб-кенгайтириб нафас олишардилар, холос.

“Чанқашибди, бечоралар, агар уларнинг чанқовини бироз бўлса ҳам қондирмасак, яна икки доvon ошгандан сўнг ётиб қолишади. Кейин туяларни тургазиш жуда қийин”, деган ўйга борган Карвонбоши Йўлбошловчига яна саволомуз қаради. Йўлбошловчи, жуда оз қолган, атиги икки мешда, деб ишора қилди ва индамай йўлида давом этаверди. Карвонбоши Йўлбошловчинини сўзсиз тушунди. Демак, Йўлбошловчининг етаклаб келаётган туяси устига ортилган икки мешда сув бор, холос. Фақат ўта чорасиз ҳолларда бу мешлар очилади. Йўқ, ҳали уларни очишга эрта, яна икки кун чидамоқ керак. Чўлнинг ярмидан энди ўтдик. Агар икки кунлик йўлга адашмаганимизда ҳаммаси мўлжалдагидек бўларди. Шаҳзоданинг гапига кўнмаслик керак эди. Ана энди ётибди ўзи, туянинг соябони остида лаблари ёрилиб, аранг кўзини очиб...

Йўлбошловчи: “Бу сароб, Шаҳзодам”, деганида, “Сен ўзингнинг қадрингни оширмоқ илинжида фақат ўзингнинг сўзингни маъқуллаяпсан! Қара, қари тентак, қум бархананинг шундоққина ортида яшил даракларни кўраяпман! Карвонбоши, туянинг бошини ана шу ёққа бур! Мана шу кўриниб турган қум барханидан ўтсак, яшил водийга кирурмиз”, деб қатъий айтди, наъра торгди. Унинг хос қўриқчилари ҳам қилч қинларининг устини силаб-силаб қўйишди. Яхши ҳамки, Карвонбоши вазиятни юмшатиб, Йўлбошловчига бирон кори-ҳол бўлишдан сақлаб қолди, йўқса қон тўкилиши аниқ эди. Шаҳзода ҳали ёш, гўр, қум чўлида юришнинг хавфли тарафларини билмайди. Аммо буни ким унга юрак ютиб айта оларди... Ана энди Карвонбоши шу гўрлик азобини тортаяпти. Бийдай чўлда ким ҳам сенга бир меш сув берарди? Унинг ҳар бир қултуми тилла танганинг минггасидан қиммат бўлса...

Карвонбоши хос соқчилар бошлигини чақириб, унга вазиятни обдон тушунтирди, йўқса Шаҳзода охириги мешдаги сувни ҳам аллақачон ичиб тамом қиларди. Ахир карвоннинг ҳаёт-мамоти худди шу мешлардаги, атиги икки мешдаги сувга боғлиқ. Худого минг қатла шукрлар бўлсинки, карвонда саводи анча пишиқ, фикри тийрак йигит бор экан. Агар шу йигит бўлмаганда карвон ҳали-бери тўғри йўлга тушиб ололмасдан, ҳалок бўлиши ҳам мумкин эди. Карвонбоши эслади...

...Куёш ботиб, юлдузлар чарақлаган. Офтоб тигидан роса қизиган атроф-борлиққа илиқ, аммо кишига хуш ёқувчи шабада энди эсаётган маҳалда шу йигит Карвонбошига учрашди.

— Тақсир, ҳув анави қум бархани устига чиқсак. Сизга айтадурғон муҳим гапларим бор эрди.

Карвонбоши унинг миқти гавдасига, ярим табассум билан, аммо унга жиддий боқиб турган юзига, қирра бурнига мос ажиб ярашган текис қора мўйловига, тийрак кўзларига қаради-да, қуюқ қошлари туташиб кетишига озгина қолганига, бироқ кўзларининг зийраклик билан қаттиқ тикилиб боқаётганига эътибор берди. Иродаси мустаҳкам йигит экан, деб ўйлади Карвонбоши ва унинг орқасидан бироз қорайиб кўринаётган қум бархани тарафга юрганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бу йигитнинг нияти ҳали менга маълум эрмас. Гумоним бор. Эҳтиёткорлик яхши. Карвонбоши шуларни хаёлидан ўтказа туриб, ички белбоғида осилган қиндан ханжарини чиқариб, қалин яктагининг ички чўнтагига солиб қўйди. Иккаласи бир-бирларига сўз қотмасдан, индамайгина қум бархананинг энг тепасига чиқиб олишди.

Карвонбоши эътибор билан атрофга боқди: диққатни жалб қиладиган бирон нарса кўзга ташланмас, фақат қум барханлари ястаниб ётарди, холос. Карвонбоши энди сал олисда қолган карвон туяларига қаради — улар ой ёруғида яққол кўзга ташланарди. Олдинма-кетин қаторлашиб келаётган туяларнинг энг орқасида Хазорасп ҳокимининг туялари қадам ташлар, улар устига ҳали тикилмаган ва ичига келин-куёв кириши мумкину, лекин ҳали кирмаган ўтовнинг керага, ўқлари, чанггароқ ва кигизлари, тизмалари юкланган, улар оғир бўлмаса ҳам бироқ туяларни анча ҳоритгани билиниб турарди. Карвонбошининг худди аввалгидек яна жаҳди чиқди: карвонга ҳоким туялари келиб қўшилганда айтганди, ахир шунақа ўтов Бухорода ҳам топилади-ку! Сиз туяларга жабр этмасдан савдога кераклиларини юкласангизчи, деганида, Ҳоким кўрслик қилди:

— Қизимнинг сўзини ерда қолдиргим келмас. Қўнғиротнинг донғи кетган усталари ясаган. Худди Барчиной ўтовига ўхшайди. Бухороликлар Алпомиш билан Барчиной қандай бежирим ўтовда чилларини ўтказганликларини кўриб қўйишин.

Ҳоким шундай деб, сал чўзинчоқ, оқ-сарикдан келган юзига ярашган маллатоб мўйловининг учларини силаб қўйган эди ўшанда. Ана энди ўзи ҳам ётибди, сулайиб, мўйловини силашга ҳам ҳоли йўқ, лаблари ёрилиб...

Карвонбоши мана шу ўтов юкларини олдирмаслик учун қатъийлик қилмаганига минг пушаймон бўлаётган бўлса ҳам энди фойдаси йўқлигини тушунар, карвоннинг келгуси тақдирини ўйлаб, ич-ичидан зил кетарди. Ҳали ҳам карвоннинг бахти бор экан, карвон ичида Аллоҳнинг яхши кўрган бандалари кўп эканми, ҳарқалай биронта ҳам ўсимлик унмаган фақат қум ҳукмронлигидан ҳансираган чўлда қум бўрони кўтарилмаяпти.

Карвонбоши шуларни хаёлидан ўтказа туриб, туя устига ярашиб ўтирган йигитга қаради. Йигитнинг эътибори эса осмонда эди.

— Қаранг, биз кунботардан кунчиқарга юрмоғимиз лозим эди. Йўлимиз аввал сал Шимол томонга оғишиб, Карманага еганимиздан сўнг йўлимиз жануброққа энмоғи даркор, яъни бошимизни тикка тутиб, сўнгра елка ярмига келгандагига мос бурилган йўналишда юрмоғимиз шарт эди. Эътибор беринг: Етти Оғайни юлдузи карвон йўналишининг нисбатан ўнг ва орқароқ тарафинда, олтин қозиқ юлдуз эса чап ва орқароқ тарафдадур. Тахминимча, карвонимиз Кармана тўғрисидадур. Агар шундоқ бўлса, тўғри мўлжал шул эрур: Олтин қозиқ юлдузи карвонимизнинг чап ёнида ҳамда туянинг ўрта белига тўғри келмоғи, лекин барибир чап тарафда қолмоғи зарур. Ана шунда карвон йўли мағрибдан машриққа бўлғай...

— Ушбулар ҳақида Йўлбошловчи бирлан гаплашдингизми? — оҳиста сўради Карвонбоши.

— Йўлбошловчингиз ҳозир ўзида эмаслар. Шаҳзоданинг номаъқул ва ўринсиз ҳақоратининг сўнг бу ишларга аралашгуси келмас. Фурури анча баланд эркан...

Йигит шу сўзларни айта туриб, оёқларини қимирлатмасдан, фақат унинг атрофида айланиб, худди Карвонбошининг хушбўй гуллар ўстирилган боғда, шундоқгина катта супанинг ўнг биқинида икки қарич бўлиб ўсиб, энди гулламоқчи бўлган нозбўйларнинг анвойи бўйларини ҳидлаётган каби калта-калта нафас ола бошлади. Карвонбоши, ие, нима қилаяпсиз, деб сўрамоқчи эди ҳамки, йигит оҳиста гапирди:

— Яқин 8-10 қақирим масофада ҳеч қандай ўсимлик йўқ. Ҳатто саксовул ҳам. Фақат қум...

Карвонбоши бундан қайдан билдингиз демоқчи эдию, аммо йигитнинг карвон томонга бурилганини кўриб, индамай кўя қолди.

Карвонбошининг бу йигитга меҳри илингандек бўлди. Унинг ўзини эркин тутиши, сўзларидаги аниқ далиллар, ўз фикрини айтишдан ҳайиқмаслик Карвонбоши дилида сафар аввалида пайдо бўлган гўбор ва гумонни йўқотгандек бўлди, аммо яктаги ички чўнтагидаги ханжарни яна бир бор силаб кўйди. Энди шу гўбор ва гумоннинг кўнглида пайдо қилган туманини бутунлай тарқатиб, қалбини чироқ ёқилганидан равшан тортган кўрғон каби ёритмоқчи бўлиб, шу қалб кўрғоннинг айна бўғзида тикилиб турган гапларни шошмасдан гапирди:

— Хвайразамдан икки кунлик йўл юрганимиздан сўнг, туя карвонидан орқада қолиб, туянгизни йўртллатиб аранг бизга етиб олдингиз. Ҳалигача сабабини ўйлармен...

— Тўғри англабсиз, — оҳиста жавоб берди йигит: — Алҳамдулullo мусулмонмен. Улуғ ҳаким Ибн Синонинг таъкидлашича, Ҳазораспга айна икки кунлик йўл қолиб, шундоқ тикка турганида қуёш ботишига айна икки қарич масофа бўлса ҳам кун иссиғи унинг пешонасига тушиб, кўзини қамаштирган маҳали устози аллома Масиҳий жон таслим қилган эканлар. Аллоҳнинг яратган неъматини чеқсиз йиллар давомида қум зарраларининг қуёш нурига эмган қувватининг Устозини барча таомили бирлан баҳраманд этгач, роса қийналиб, Раҳматнинг Олий ҳаёсидин айрилиб, ўзи ҳам боқийлик тарафга юз буришига уч кунлик ҳилолнинг ботишигача вақт қолганини англагач, иложсизликдин Устоз миниб

келган туянинг катта бўйин томирини кесиб, идишга тўплабдилар. Яхши ҳамки, ёнида қонни ивишдан сақлайдиган гиёҳ толқони бор эркан. Шу толқонни қонга қўшиб, то совугинича кутибдилар ва сўнгра чанқоғини қондириб эсон-омон манзилга етиб борганлар. Мен тахмин билан Устоз Масиҳий замин бағрида меҳмон бўлаётган жойларини топдим. Энг аввало 19 яшар навқирон Ибн Сино тарафиндин, сўнгра ўз номиндин табаррук оятлардан ўқуб, у кишининг руҳларининг тинчини Аллоҳдин сўрадим. Сўнгра Сизларга етиб олдим. Энди, Карвонбоши жаноблари, яктагингизнинг ички чўнтагида тикилган қўлингизни бемалол у ердан олаверинг. Ханжарни тинч кўйинг...

Карвонбоши бу сўзларни эшитиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди, аммо тезда ўзини ўнглаб олиб, йигитга кулиб қаради. Карвонбошининг бу йигитга меҳри яна ҳам ошиб кетди. Унинг қорачадан келган юз ифодасида оддий инсонлар ҳали тушуниб ета олмайдиган илиқлик, майинлик бор эса-да, лекин ўзи айтган сўзини доимо ва ҳар қандай вазиятда исботлай олиш бардоши борлиги ва бу масалада анча қатъий эканлиги равшан сезилиб турарди. У ҳар бир сўзни айтишдан олдин бироз ўйланар, сўнгра ҳар бир гапни чертиб-чертиб, аниқ ва лўнда ифодалар эдики, мулоҳазага ҳеч ўрин қолмасди. Айниқса, унинг Устоз Масиҳий тўғрисида гапирётганида "Алҳамдилулло, мусулмонмен" дейиши Масиҳийнинг бошқа дин вакили эканлигини билгани ва шуни таъкидлаб бошқа саволга ўрин қолдирмаганлиги Карвонбошининг унга ҳурмати янада орттирди.

Йигит туяси жабдуғи тагидан бир халта олди-да, Карвонбошига узатди.

— Карвон аҳлига тарқатинг. Тайинлангки, шу ўрик донагидек тошни оғзига солиб, тиллари билан бетўхтов айлантирсинлар. Озгина бўлса ҳам сўлак ажралиб, оғизлари намлангач сўлакни ютгайлар. Бу ташналик азобини бир қадар босгай. Шу боис яна икки кун сув ичиши истагини хаёлидан ҳайдаб, мешдаги эҳтиёт сувига балким тегмасиз.

Йигит бир пас хаёл суриб, бироз жимликдан сўнг яна гап бошлади:

— Наҳшаб Малик чўли бирлан Марв ораси анча йўлдур, сувсиз, қақраган чўл. Шу чўлдин икки марта ўтганмен. Йўлбошловчинини, Худо раҳмат қилгур, Эломон сариқ дердилар. Чўлда юрмоқнинг сир-асрорларини шул инсондин ўрганганмен. Ул табаррук Аллоҳ бандаси шул тадбирни ўргатганким, доим менга уқтирардиким — шояд унутмағайсен, деб.

Икки кун давомида фақат кечаси йўл юриб толиққан ҳорғин карвон қуёш сал тиккага келгач, дам олишга шайланди. Барча туялар чўккан, уларнинг ҳам туриб юришга мажולי қолмаган. Қилт этган шабада йўқ. Қаёққа қараманг, қаддини баланд тутган, аммо сал шамол эсса букчайган хўкизни эслатувчи, бироқ шамол эсаверган сари унинг букчаси ҳам ер билан бир текис бўладиган қум барханлари юракларга ваҳима солар, уларга тикилган саринг юракдаги ваҳима танага тарқалаверар, оқибатда энди ўзинг нуқул ваҳимадан иборат бўлаётганингни сезмай ҳам қолар эдинг. Туяларнинг қумда қолдирган излари ҳам бир пасда йўқолиб, туя карвонининг қаёқдан келганию, энди қайси тарафга бормоқчи эканлигини ҳам билиш амри маҳол эди.

Карвонбоши шуларни ўйлар экан, қуёш нурлари тигининг қалин яктагидан, унинг тагидан кийилган



чопонидан ўтиб қиздираётганини ҳис қилди. Сувсизликдан дармонини йўқотиб сулайган гавдасини аранг кўтариб, атрофни кузатди. Қуёшнинг шундоққина чап тарафидаги қум бархани-салобати билан карвонни босиб қолмоқчидай савлат тўкиб турарди. Карвонбоши юрагини босиб турган ваҳимани йўқотмоқчи бўлиб, бор кучини оёғига жамлаб, ўзидан сал наридаги текисликдан одам бўйи барабар баландлашган қум бархани устига чиқди. Бироқ ваҳима йўқолиш ўрнига гавдасининг барча қисмига, ҳатто бармоқ учию, қулоғи солинчағигача тарқалди. Бошида гувиллаган товуш пайдо бўлди-да, Карвонбошининг юраги уришдан тўхтагандек, уришдан тўхтагандек эмас, балки кўкрагини ёриб чиқиб, ҳавога учиб кетгандек бўлди. Гавдасини аранг ушлаб турган куч ҳам йўқолиб, тиззалари ўз-ўзидан букилиб, қум устига ўтириб қолди. Кўзлари ваҳиманинг зўридан косасидан отилиб чиққудек чақчайди, бир нуқтага тикилганича бақрайиб қотиб қолди. У тикилган нуқтада тобора осмону фалакка кўтарилаётган, чап тарафдан ўнгга шитоб билан силжиётган қора-сарик қўланка карвон турган жойга жадал яқинлашиб келарди.

Ҳали бу маконда қиладиган юмушлари ва уларни ууддалаш, булардан ҳам кўра муҳим — карвоннинг ҳаётига масъулик ҳисси барча гавда кучини оёқларига йиғиб келди-да, Карвонбоши ирода кучи билан юрагига ваҳима солган қаршисидаги қум бархани устига чиқди. Чиқди-ю, унинг бутун борлигини аввалгисидан ҳам баттар — шу қумлар орасида ўлигимиз қоладиган бўлди, деган сўзларни хаёлига келтирган, шунча йиллар давомида орттирган руҳий кучининг мустаҳкамлигини синдириб юборадиган ваҳима чўлаб олди. Бироқ ваҳимага тобе бўлиб, ҳаракатсиз туриш ўлим билан барабар эканлигини яхши тушунган Карвонбоши орқасига кескин бурилганди, йиқилди ва юдузлар саноғидан ҳам кўпроқ қум зарралари устидан сирғалиб пастга тараф ўқдай учиб кетди. Қум зарралари унинг танасини кўмишига озгина қолганда ўзини ўнглаб олди, оёқларини тираб ўзини тўхтатмоқчи бўлди. Бироқ унинг оёқларига тиргак бўлиб, ҳаётда яшаб қолиш умидини сақлаб қоладиган таянчни топа олмади. Ва қум орасига кириб кетди. Нафас олмақчи бўлди, аммо бурун катаклари қумга тўлганидан бунинг урдасидан чиқа олмади. "Хайр, бодаларим, хайр, хотиним, қариндош-уруғларим! Алvido! Эй, Аллоҳ!" деган сўзлар хаёлидан яшин чақмоғи каби ўтди ва айна шу тобда товони қаттиқ нарсага урилиб, қорни юмшоқроқ буюмнинг устида қолиб, боши пастга осилиб тушганини пайқайди. Аллақандай куч уни яна бир марта юмалатган эди, Карвонбоши қаттиқ нарсага урилди ва кўкрагидаги бор нафас ташқарига шиддат билан отилди, ҳалқумида, ютқунида, оғзи-бурнида тикилган қум зарралари ҳам ташқарига чиқиб, у эркин нафас ола бошлади.

У қарахт холда қанча вақт ётганини билмайди, аммо кўзини очиб тирсақлари билан қумга суянаб, қуёшнинг чап тарафига қаради: қора-сарик қўланка қуёш юзини қоплаб олган, қўланканинг қалин пардаси орқасида унинг нури базўр кўринар, аммо энди шовуллаган ҳайбатли товуш қулоқни қоматга келтирмоқда эди. Карвонбоши ҳаётига хавф солаётган катта хатарни сезгач сақраб ўрнидан турди, аввал чуқур нафас олиб, бор қуввати билан қўларини икки ёнга ёзганича "а-а-а-а!" дея қичқирди, сўнгра "Туринглар!" деб ҳайқирди ва ўзига ярашмаган чаққонлик билан туя сафининг бошида чўккалаган икки ўрқачли туянинг жулдири остидаги

таёқчани суғуриб, туя ёнида осилиб турган ногорага зарб билан ура бошлади. Туячилар гумбурлаган товушдан уйғонишиб шу заҳоти ўринларидан туришиб, туянинг чўзилган сафини айлана қилишиб, туяларнинг бошини айлана марказига қаратишиб, уларнинг бошига қалин ва пишиқ матонинг махсус тешигидан ўтказишиб кийғизиб қўйишди. Шаҳзоданинг туя кажавасини икки туя орасига жойлаштиришиб, устидан туя жунидан тўқилган пишиқ наमतни ёпишиб, туяларнинг нўхтасини белларига боғлашиб, ўзлари ҳам доира ичига юз тубан бўлишиб ётиб олишди. Улар бу юмушларни бажариб бўлган ҳам эдиларки, карвонни қуюн босди. Осмону фалакка кўтарилган қум тўзони қуёш юзини қоплаб, одамларнинг кўзини очирмай қўйди. Агар кўзларини очганларида ҳам атрофда ҳеч нарса кўра олмасдилар. Энди чўлда қум бўронию ҳамда қоронғулик тўлиқ ҳукмронлик қилаётганди. Бўроннинг шовуллаган, баъзан кучайиб қулоқ пардасини йиртгудек чинқирқ товуши қулоқларни қўл қафти билан бекитишга мажбур қилар, бироқ бу ҳам ёрдам бермас, одамлар қум бўрони эсаётган тарафга оёқларини чўзиб ётиб олишар, бошларини қум тагига тиқишиб, бу ваҳимали товушни бироз бўлса-да пасайтиришга ҳаракат қилишарди...

...Қум бўрони қанча давом этганини ҳеч ким билмайди, аммо бир нарса аниқ: у қандай тўсатдан бошланган бўлса, худди шундай тугади. Қуёш анча пастга эниб, чўлнинг қоқ ўртасида қумга кўмилиб ётган одамлар ва туяларга раҳми келгандек, нур тиғи ўткирлигини анча пасайтирган. Карвонбоши ўнг қўлини қумга тираб, қум бархани юзасига уни анча куч билан босиб турган қумни устидан ағдарди-да, туриб ўтирди, атрофни кўздан кечирди. Устида чўккан туялар ва одамлар бўлганлигидан бўрон қумни учириб кета олмаган, шу туфайли энди ўзлари баланд қум тепаси устида қолишганди. Атроф пастликда эса майда-майда қум барханлари денгиз тўлқинидек, аммо чайқалмасдан ястаниб ётибди.

Карвонбоши карвонни ҳалокат ёқасига олиб келган сабабларни қидириб, беихтиёр хаёлга берилди, бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир эслади. Сафар оғир бўлишини аниқ билганидан туяларни ўзи танлади, неча меш сув сарф бўлишини ҳисоблаб, ортиқча беш меш сув олди. Айниқса, одамларни санчиклаб кўздан кечирди, ҳар бири билан алоҳида гаплашди. Иродаси бўш, авваллари қийинчилик кўрмаган, сафар машаққатларини тасаввур ҳам қилолмаган одамларни карвонга яқин ҳам йўлатмади.

Карвон энди йўлга тушай деб турганда, хонликдан вакил келиб, Карвонбошига йўлиқди:

— Сиз бахтли одамсиз, Шаҳзодамиз ҳам Сиз бирла Бухорога бормоқни ният қилдилар. Жуда масъул юмушни бажармоқ мақсадинда хонимиз раҳнамолгида сафарни ихтиёр этдилар. Мана бу туяларни ҳам туялар сафига қўшингиз. Уларга ортилганлар фақат шаҳзодага аталган. Эҳтиётлик чораларини кўрурсиз. Бу сизга ишонч, оқларсиз... Бу борада анча пишиқсиз. Билурмиз...

— Ташаккур, тақсир. Худди айтганингиздек бўлур. Бунга ишончингиз комил бўлғай...

Карвонбоши ўша пайти хурсанд бўлган эди. Чунки хон арзандасининг қўрқмас ботир эканини эшитганди. Бироқ унинг феълени билмаслиги, ҳатто бирон-бир арзирли гап қулоққа чалинмаганлиги кўнглининг бир четига соя солганлиги айна ҳақиқат. Шаҳзода учун махсус егулик ва ичмоқ учун сув тайёрланиб, туяларга юклангани ҳам анча тинчлантирди—бир ташвишдан қутилибди.

Карвонбоши диққат билан яна эслади: хон тарафиндин келган вакил энди қайрилиб кетишга ҳозирлик кўраётганида ўнг ёноғи усти пир-пир учди, кўзлари алланечук тарзда ялтиради.

Карвонбоши унга яна қайта тикиламан дегунича, вакил отига қамчи урди. Карвонбоши воқеалар тизгинини бирма-бир хаёлдан ўтказаркан, бундан бир ҳафта илгари бўлиб ўтган воқеани эслади. Карвонбошига содиқ туякашлардан бири югуриб келганди ўшанда.

— Тақсирим! Шаҳзода чанқоғини ҳеч қондира олмаяптилар! Ўзларига аталган сувни тамом ичиб бўлдилар. Биздан ҳам икки меш кетмиш. Учинчи мешдаги сувнинг тугашига озгина қолди. Не қилурмиз?!

Карвонбошининг ранги оқариб кетди, пешонасини совуқ тер босди. Ўзини тамомила йўқотиб қўйишдан аранг сақлаб, оҳиста сўзлади:

— Шаҳзодага аталган мешдаги сувдан озгина бўлса ҳам борми?

— Мешда ярми қолганда, ниманидир гумон қилдимда, яшириб қўйдим.

— Баракалла! Аммо гумон тўғрисида бировга ҳам чурқ эта кўрма! Тезда менга олиб кел, аммо буни ҳеч ким билмасин...

Карвонбоши олдига содиқ туякаш ярим кечадан ўтганда, карвонни юрмоққа ҳозирлашдан сал олдин келди.

— Намунча кеч?

Карвонбоши жавобни кутмасдан дарҳол яна қайта сўради:

— Олиб келдингми?!

— Ҳа!

Карвонбоши мешдаги сувдан бир қултум ютинди. Чап тарафига бурилиб, қаттиқ тупурди-да, жаҳл билан гапирди:

— Ноинсофлар! Аблахлар! Сотқинлар!

Карвонбоши бир пас жим турди-да, туякашга гапирди:

— Бу тўғрида оғиз очма! Чурқ этма! Мешни аввалги жойига қўй. Ичидаги сувни ҳозироқ тўкиб ташла...

Карвонбоши бу қизиган қумлар ҳукмронлиги карвонни ўзининг тобелигига тамомила бўйсундирганда бир қултум сув ҳам жонга тенг азиз бўлишини билган расвонинг иши эканлигини, бу атайлаб қилинганини тушунди. Шаҳзоданинг масъулликни сезмасдан, чанқоғини қондира олмай, сароб кўрганининг сабабини англади.

Эҳ, Карвонбоши! Йиллар давомида ҳаётда олган тажрибаларингдан бирини эҳтиётсизлик қилиб, шу сафар унутибсанда! Хаёлинг нега паришон бўлди ўшанда?.. Наҳотки бу охириги сафарим бўлса... Эй, Аллоҳ, ўзинг қўлла... Барча мешдаги сувларни ўзим татиб кўрдим-ку! Шаҳзодага аталган сувни ҳам татиб кўрганимда ичига қора дори солинганини англаган бўлардим-ку! Қора дори ичган одамга сув бардош берадими? Ахир у чанқаш азобига бардош бера олмайдику! Мешларни бошқасига алмаштириш қийин эмасди-ку! Ландовур! Эй тавба, Шаҳзода ва карвоннинг ўлими кимга керак бўлди экан... Эй, худо, марҳаматингни кўрсат...

Карвонбоши хаёлини банд қилган фикрлардан қутулиб, аниқ ҳаракат қилмаса карвон сувсизликдан ҳалок бўлишини яхши англаб турар, бироқ бу ҳаракат нимадан иборат бўлишини топа олмай тобора боши қотаётганди. Ҳа, кўп умрнинг завол топиши учун бир

одамнинг хатоси етарли экан! Энди боқий дунёда мен бунга қандай жавоб қиламан, деб ўйлайверди, ўйлайверди. Қанча ўйлаганини билмасдан, устидаги қумни қоқиб, кун ботиш тарафга қараганди, ўзи ёқтириб қолган зуваласи пишиқ йигитнинг Каъбага қараб намоз ўқиётганига кўзи тушди. Унинг қум остидан ўзидан олдин туриб, Аллоҳга ибодат қилаётганига ичида таҳсинлар ўқиди.

Карвонбоши мабодо гавдаси ихчам, аммо зийрак бу йигитнинг Нахшабнинг Малик чўли яқинидаги Жейнов қишлоғида туғилиб, саводини тоблаш учун Марв, Боғдод, Куфа, Мадина шаҳарларида бўлиб, катта алломалардан дарс олганини, унинг зеҳнига қойил қолишиб, Ҳазрати Имом Бухорийнинг зоҳирий шогирди, деб атаганларини, Ҳазрати Аҳмад Яссавийнинг тариқати йўлида жуда кўп илм қилганини билганида эди, Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд ўз шогирди Муҳаммад Порсонинг товоңларини ўпганидек, Карвонбоши ҳам минг таъзим ила унинг пойига чўккан бўларди. Афсуски, бу йигит билан яқиндан танишмоқ Карвонбошига ҳозирча насиб бўлмаётганди.

Карвонбоши йигитнинг чап ёнбоши тарафидан жой олиб, билинар-билинемас, аммо анча ёқимли шабаладан енгил нафас олганича унинг билан биргаликда Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, юзига фотиҳа тортди.

Йигит Аллоҳга яна шукроналар айтиб, юзига фотиҳа тортди ва бирдан нафасини тўхтатиб, диққат билан бир нуқтага тикилди. Сўнгра, йигит Карвонбошини ҳайратга солган, аммо бунинг нима эканини сўрай олмаган пайтидаги каби тез-тез, лекин нафасини тўхтатиб-тўхтатиб, бироздан кейин чуқур-чуқур нафас ола бошлади. Ие, яна Сизга нима бўлди, деб сўрашга улгура олмаган Карвонбошининг ёнидан иргиб туриб, ёқимли шабада эсиб келаётган тарафга ўттиз-қирқ қадамлар чамаси чошиб кетган йигит тезда чўккалаб ўтирди-да, қўли билан қумни икки ёнга тўзғитиб ерни кавлай бошлади. Унинг бу ҳаракати жаҳлдан ўта ғазабланиб, тирноқлари билан ер кавлаётган шерни эслатарди. Карвонбоши унинг нотабиий бу ҳаракатини тушунишдан ожиз, фақат ҳайрат билан йигитни кузатарди. Йигит бирданига қум тўзғитишни тўхтатди ва осмонга бошини кўтариб, "Эй, Аллоҳ" дея наъра тортди. Карвонбоши мажолсиз бўлса-да, кучининг борича ҳаракат қилиб Йигитнинг ёнига етиб борди ва йиллар давомида туянинг жилловини ушлайвериш қадоқ бўлиб кетган қўлларини унинг елкасига қўйди. Йигитнинг ёноқлари устига ҳали етиб бормаган, деярли оқишдан тўхтаган кўз томчисига, сўнгра йигитнинг қум тўзғитган жойига аввал ҳайрон бўлиб қаради. У ерда ярим қарич бўлиб, янтоқнинг сариқ, ҳали яшил бўлишга улгурмаган нимжонгина новдаси тебранарди. Йигитнинг кўкимтир ва нозик новданинг топилганига, "Эй, Аллоҳ!" деганича ҳатто кўз ёшини ҳам ямлаб ютадиган ташналикнинг оғир юкини парчалаб ташлаб, дил тугёнини қувончга айлантирганлик иродасига ҳайрат билан нима демоқни билмасдан турганида йигитнинг деярли шивирлаётганини эшитди:

— Эй, Аллоҳ! Ўзинга беадад шукр!

Йигит ўзига ярашган чаққонлик билан ўрнидан турди-да Карвонбошини кучоқлаб олди:

— Эй ҳазрати Инсон! Биз қутулдик! Биз қутулдик!

Карвонбоши йигитнинг кучоғидан чиқмасдан туриб, танасидаги барча диққат-эътибори билан кўзлари



нурининг кучини бир нуқтага жамлаб чор атрофга тикилди. Бироқ ҳорғин ва мажолсиз карвонни бу даҳшатли қум ўпқонидан чиқариб, ҳаётнинг завқини қайтадан бағишлашга қодир сувни, ҳатто бир кичкина қўлмакчани ҳам кўрмади ёки кўра олмади. Кўзларини юмиб-очиби, яна бир бор тикилди, бироқ аввалги манзара такрорланди.

Карвонбоши энди йигитни кучоқлаб олиб пиқиллаб йиғлай бошлади. Унинг кўнглидан шундай ажойиб йигит ҳам талвасага тушиб, ваҳиманинг зўридан сароб кўраяпти, жинни бўлиб қолиб, ақдан тамоман озиб қолса-я, деган фикр ўта бошлади.

Йигит эса Карвонбошининг кучоғидан чиқиб, уни бир-икки марта қаттиқ-қаттиқ силтади ва буйруқ оҳангида гапирди:

— Одамларни қақиринг!

Карвонбоши унинг гапириш оҳангидан норози бўлган бўлса ҳам, аммо бу оҳангнинг тўлқин зарбаси гайрат суви аллақачон томиридан оқмай қўйганлиги туфайли дармонсизланган гавдасини аранг кўтариб турган бошига зарб билан урилиб куч берганидан қақраб ёрилган лабларини аранг қимирлатиб, нима учун, деб сўради.

Йигит тўлқинланиб, шошиб гапирди:

— Карвонбоши, қаранг! Бу янтоқ! Янтоқ сув бор жойда кўкаради. Унинг томири 15-20 қулочгача ер тагига бориб, сувни шимиб олади. Агар шу ердан қудуқ қазилса, сувга албатта етамиз!

Карвонбоши бу айтилган гаплардан бир пас гарант бўлиб туриб қолди, сўнгра айтилган гапнинг маъзини қақди-да, йигитни қайтадан кучоқлаб олди.

Қудуқ қазиш доираси чизилиб, одамлар ишга киришдилар. Кимдир камзулида, кимдир чопонида, кимдир кўйлагига қумни узоқроққа олиб бориб ташлайвердилар. Сув дарагини эшитган одамлар ташналикни унутишга бор ирода кучларини жамлаб ҳаракат қилаётган ва шу пайтгача дилларини вайрон қилаётган хуфтонликни қалбларидан аста-секин чиқараётганларида, икки қулоч чуқурликка етган қудуқнинг бир чети ўпирилиб кетди, бошқа тарафи ҳам ўпирилаётганди. Қазилаётган қудуқ тубига ағдарилиб тушган қум одамларнинг ҳам умидини кўмган, анчасининг орзусини чил-парчин қилганидан "Оҳ!" деб юборишди. Карвонбоши нима қиларини билмай каловланиб қолди, ҳатто йиғлаб юборишдан ўзини аранг тия олди. Чунки унинг кўз ёшларини кўрган бошқаларнинг руҳий кучи батамом синиши аниқ эканлигини сезиб, ўзини қўлга олди. Шу пайти у йигитнинг ўктам товушини эшитди:

— Туялар устидаги ўтовнинг кигизи, тизма, керага ва ўқларини олиб келингизлар! Тезроқ!

Одамлар йигитнинг айтганларини тезда бажаришди. Ўтовнинг кигизларини узун тасма қилиб кесишиб, ўқларини унинг устидан куч билан тешиб киритишиб, сўнгра қудуқ девори ичкарасига суқиб киритавердилар. Энди қудуқ девори ичкарига юмаламас, ўпирилиб тушмас, айниқса, керага таёқлари ва ўтов тизим ҳамда тизимчалари худди шу мақсад учун қилингандек эди. Бу ҳол одамлар қалбидаги умидни қайтадан уйғотди, ҳаётдан лаззатланиш ҳисларини қитиқлаб, уларнинг адо бўлган кўнглини қайтадан тиклади. Бу эса сўнган гайратни жонлантирди. Қудуқ чуқурлашган сари қумнинг намлиги ортиб борар, энди қум туяни боғлайдиган арқонларга маҳкамланган, қум бўрони пайтида туянинг бошини қум зарраларидан сақлаган пишиқ матода олиб чиқилаётганди. Қудуқ чуқурлиги ўн одам бўйи бўлганида ўтовнинг чанғароғини ишга солишди. Устига мато тўшалиб, қудуқ тубидаги қум солиниб, тўрт тарафига маҳкам боғланган арқон тортилганидан қудуқ деворларига арқонлар ва чанғароқ зиён етказмас, қудуқ девори ҳам энди ўпиримайдиган бўлган эди.

Бу ишларнинг бориши ва бажарилишини кузатаётган Карвонбоши Йигитнинг ақл ва фаросати ўзи тушуниб турган макондан ташқарида эканлигини, фонийда бундай билим эгаси камдан-кам эканлигини тушуниб, англаб турарди.

Ўзи тушуниб ва англаб етмаган хаёллар оғушидаги, лекин қудуқ тубида кўринаётган тиниқ сувга менғзар, аммо қалбида сўнишга улгурмаган орзуларнинг қайта галаёнидан туғилган қувонч асирлигидаги Карвонбоши аста бориб, Йигитни кучоқлаб бағрига босди:

— Каромат эгасисиз, Сардор!

Йигит Карвонбошининг чап елкасига иягини босиб, секин, лекин рад қилиб бўлмайдиган тарзда пичирлади:

— Йўқ! Бу илм заҳматларининг маҳсулидир!


Қудуқдан сувга тўлдирилиб кўтарилган меш ташналикдан қийналган, унинг азобидан тобелик туйғуларига кўникиб келаётган одамларга ўлимга қул бўлиб қуллуқ қилишдек поймолланган ғурурни яна аввалги ҳолига келтириб қайтариб берди. Энди улар қанот боғлаб, ўз эрklarининг ҳукмрони бўлиб учушга тайёр эдилар...

...Карвон дадил қадам ташлар, одамлар яшаш илинжида эмас, балки яратувчанликнинг кенг йўлига тушиб олишиб, фаровонликнинг баланд супасига чиқиш учун узоқ марраларни кўзлаб, келажакни мўлжаллаб, мақсад сари юрмоқда эдилар. Карвон сафининг охирида Карвонбоши ва Йигит бир пас кучоқлашиб турдилар.

— Қачон кўришурмиз?!

— Аллоҳ хоҳлаган пайтда!





Зокир ХУДОЙШУКУР

Шулдир бизга хуш саодат



* * *
 Мен ким — нафс итининг ортги оёғи,
 Чўлоқ чуғолича хизматим йўқдур.
 Қаттиқроқ савала, эй, Ҳақ Таёғи,
 Минг бир ҳаво бор-у, ҳимматим йўқдур!
 Ҳар кимга ошиқлик лофин ургаймиз,
 Нигоҳ-е тортмайин Дунё молидан.
 Гуё бир им билан Қофин сургаймиз,
 Қўрқмайин фол очиб мубҳам тоъледан.
 Қўрқарам, нетгайсан, нетар аҳволим
 Каломда сифотим хабар-е бордур?!
 Очун туманида йштар камолим,
 Боққил, тумандан сўнг қамар-е бордур,
 Сидқ оти ул томон елса беқарор,
 Узимни содиқлик жойида кўрсам,
 Ҳою ҳаво кетгач манга нима ор —
 Бошимни Ул Ойнинг пойида кўрсам!

* * *
 Содиқлар кўкка бўйлаган,
 Муродбахш гор-а етсайдим!
 Ошиқлар бўйини сийлаган,
 Титранган дор-а етсайдим!
 Сўнг мудраб кўпсам гафлатдан,
 Шул ҳол-а зора етсайдим.
 Қутилсам бори меҳнатдан,
 Элар-а кор-а етсайдим.
 Очилса кўнглим қулфлари,
 Хушнавво тор-а етсайдим.
 Кишанбанд этса зулфлари,

* * *
 Муддатидир ай кўнгли, девона бўлмаймизми?
 Етганлардай толиби майхона бўлмаймизми?

Капалакки гуммакдан чиқиб ўтга талтинмиш,
 Ҳикмати не бўлди, деб сўзона бўлмаймизми?

Бунда кўплик йўқ эрур, ягонадир, яктодир,
 Ўзлик қалъасин бузиб, ягона бўлмаймизми?

Тўлғонган мор-а етсайдим!
 Бандиман-банда, қул бўлсам,
 Қулликдан сор-а етсайдим!
 елганлар етмиш-шул бўлсам,
 Ойдек хуш Ёр-а етсайдим!..

ЧўЛПОННИНГ СЎНГИ СЎЗИ

Дунё шевасидан вайрона кўнгли,
 Фисқу хиёнатлар гуллар забонда.
 Макрлар кўйида ҳайрона кўнгли,
 Нетиб яшагаймиз хунрез замонда?!
 ...Хиёнат уйғонди, уйғон ғазавот,
 Киприклардан қувла мудроқ уйқуни!
 Шаширни қонимда чархла адолат,
 Ахир, хўрламишлар нозик туйғуни!
 Тобакай таловчи фатвоси улуғ,
 Тобакай содиқлик қулбасида қон?!
 Қачон кўкрагини кўтаради туг,
 Қачон қудратини ҳис этар дармон?
 ...Чавақланган итдек дил тилим-тилим,
 Шодликлар барчаси ақлдан озди,
 Енгилдим, пойингга бошим урдим жим,
 Шоҳим, дилимизни мушириклар бузди!

* * *
 Боқсамки, қалбимни зўр тош-е кўрдим,
 Имодин тоғ эрур, ул эса жимдур.
 Утини тош бўлган оташ-е кўрдим —
 Ҳар ёнда оловдур, тутундур, димдур!

Ул оташ тафтига қалайдур ҳолинг,
 Салга ҳам сожлаб чонган санмасму!
 Кўмакка келмасу бори аъмолинг,
 Ул ўтин ёлғон, деб тонган сенмасму?!
 ...Боққил, вақт пешинга қараб тортадур,
 Эй дил, қалқмаймизму, уйғонмаймизму?!
 Бул гафлат юклари ҳар дам ортадур,
 Борлиқни билдириб тўлғонмаймизму?!
 Малҳам-е керакдур, малҳам-е ишқдур
 Дилга ишқ майидин ичирмаймизму?!
 Масалки, оташнинг даъфн-да ашқдур,
 Ани кўзёш бирла учирмаймизму?!

* * *
 Сунн, эй Соқий, кўнглимизла даҳрий ҳаво,
 Умидимиз гунчалари шаробингдан!
 Назар айла, томоша қил, сўнг томошо,
 Не иш кўпгай бир ҳовуч бу туробингдан!
 Мавлавийнинг ғазнасини этгум ғорат,
 Умаргаймиз Маширабийнинг кулоҳини.
 Чоғирингдан чиқоргаймиз мастона от,
 Ҳумморларки, майдин тортмас нигоҳини.
 Майхонанинг остонаси — ётоғимдур,
 Шулдир бизга шоҳликдан ҳам хуш саодат!
 Гулгун тутки, дилим маним — дудоғимдур.
 Сунгувчики ҳеч ажратмас-бул риоят!
 Ҳаққига ол, ҳар не бори сарватимдур,
 Харобатдан тотинганлар бўлмиш боқий!
 Адолат эт, маним ичмас навбатимдур,
 Сунн эй Соқий, сунн эй Соқий, сунн эй Соқий!

Ҳар неки яшириндир, улуғ ҳикмат андадир,
 Ишқни қалбга жо айлаб, пинҳона бўлмаймизми?

Бул афлок хуш эврилиб, етса саодатлик дам,
 Ишқдин ўтлуғ сўз айтиб, сайрона бўлмаймизми?

Дил, бу дам муддатидир, муддатидир, муддати,
 Ул Ҳақ йўлини тутган мардона бўлмаймизми?



Анвар НАМОЗОВ

АЗАЛ КОТИБЛАРИ



Қисса

1

Холиёр устига чойшаб ёпилган оёқларини кимирлатди. Теп-текис солинган чойшаб тагида улар каравотнинг нариги учигача кимирлаши керак эди-ку... Энди оёқларининг, тўғрироғи, оёғининг панжалари бешта, товони битта. Энди ҳатто тиззаси ҳам битта. Оёғи эса бир яримта, ундан ҳам камроқ.

Энди у чошиб-чошиб, сакраб-сакраб юролмайди. Бундан сўнг бир жуфт пойабзал олмаса ҳам бўлар. Чордона қуриб ўтиролмайди, оёқларини олифталарча чалиштириб ҳам... Тўйларда ўртоқлари билан ҳеч қачон рақсга тушолмайди... Холиёр фақат қисиниб-қимтиниб юради. Бировдан камдай! Камдай эмас, кам...

"Ногиронман. Бир умрга ногирон! Ногирон ва бадбахт! Ҳаётим ўзгаради. Барча одамларнинг менга

муносабати, қарашлари ҳам бошқача бўлади. Қандай яшайман? Ёшлигимнинг завқи кетди. Талаба бўлиб ўқиш ҳам йўқ. Иш топилса — ногиронбопи керак! Алимов, "келажакнинг порлоқ", деганди. Шуми айтгани ёки "башорати"нинг ярмими бу? Менда келажакнинг ўзи йўқ.

Нега бундай бўлди? Дунёдан армон билан ўтаманми? Атрофимдаги одамларни, тўғрироғи, уларнинг оёқларини кўрганимда, ярам тирналавермайдими? Тавба, энди қандай яшайман, қандай?"

Холиёр ич-ичидан йиғлар эди, ичидаги ноласи отилиб юзага чиқди: ўкириб юборди:

— Нима кераги бор яшашнинг? Бирданига ўлмайманми!

Бойсун, умуман Сурхон ҳақида бизнинг болалик йиллари билганимиз, Амир Олимхон Бухородан қочиб кетаётиб, бу ерда маълум муддат тўхтаган. Халқ Олимхондан бирон ёруғлик кўрмаган бўлса-да, уни ҳурмат билан қаршилаган. Кейин, бироз ўқиниб, бироз паришонланиб, унинг ортидан қараб қолган... Ушанда алақимлар ёзган китоблардан биз бу ердаги гўзал тоғлар, улар этагидаги ялангликлар, қумликларда муттасил ўқ қарсиллаб, ҳаммаёқни "босмачи эгалагани"ни ўқиганмиз.. Пайти келиб, узоқ сукут сақлаган ва ниҳоят, ўз фарзандлари қўлига қалам олган Сурхон "тилга кирди". Сурхон ҳаётига "бошқача кўз билан" қараган дастлабки адиб раҳматли Шуккур Холмирзаев эди. Шуккур аханинг кетидан Менгзиё Сафаров, Зойир Мамажонов, Файзулла Қилич, Эркин Абзам, Усмон Азим, Жамила Эргашева, Нодир Норматлар майдонга чиқишди. Тоғай Мурод ўзига хос шоирона наср билан танилди. Бу кун жараёни тугал ўрганиб, бемалол "Сурхон адиблари" деган китоб тузиш мумкин.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган қисса муаллифи эл таниган адибларимиз изидан келаятган ижодкор. Ҳаётни зийрак кузата олади. Ҳаётдаги муаммоларни анча чуқур билади. Мен Анваржон билан кўп сўзлашиб юриб, унинг адабий саводи яхшичилигига ҳам қаноат ҳосил қилганман. Биргина ўқинчим, менга Анвар Намозов ўз имконияти даражасидан камроқ "тер тўкаётган"дек туюлади. Шу боисдан, унинг бу қиссасини кўриб чиқиб, суюндим.

Анваржонга машаққатли адабиёт йўлида омад тилайман.

Омон МУХТОР,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Ҳамхоналаридан бири дарров палатадан чиқиб кетди. Қолган уч киши индамай, сўзлашга ботинолмай эшик томон қараб-қараб қўйишарди. Маҳмуд амаки деган кекса киши тасалли бермоқчи эди, овози титраб чиқди:

— Бола-ам...

— Йўқ, бобожон, қандай яшайин? Оёқсиз... Бобожон, айтинг. Бундан кўра ўлган яхши эди-ку! Уйлаб кўринглар, мен нима қилишим керак? Ахир...

Палата эшиги шаҳт билан очилиб, икки-уч ҳамшира билан врач Равшанов кириб келди.

* * *

Бола — йигит деса ҳам бўлади — қизга тикилди. Унинг қошига тегай-тегай деб турган, пешонасини тўсиб турган сочларига термилди. Қиз кўзларини ердан узмай, пастки лабини тишлади. Қошларидаги ўсма унга ярашмаган. Уялибми кулган эди, икки чаккасида кичкина кулгичлари пайдо бўлди.

— Ҳа? — деди у бошини кўтариб, ниҳоят йигитга саволомуз қараркан.

— Йўқ, ўзим.

Йигитнинг сочи орқага таралган. Қалин қошлари остидаги ўткир кўзлари кўпинча бир нуқтага қадалиб қолади. Қимтинган лаблари устидаги мурутчаси тим қора. Юзидаги хусунбузарлар бўртиб-бўртиб чиққан, ҳартугул оз улар. Қизнинг сезишча, йигитнинг кайфияти йўқ эди.

Ҳа, Холиёр бугун Норгулга нимадир дейиши керак. Лекин айтолмаяпти. Болалигидан шу: бир гапни айтолмай ўзича маврид кутади. Ҳозир ҳам гоҳ ерга қарайди, гоҳ қизга. Шу бугун айтолмай қолмасайдим, деб қўрқади.

— Нимани ўйлаяпсиз? — деб сўради Норгул. — Бугун чарчадингизми ишдан? Ҳой, акажон, хафасиз, шекилли? — қиз эркаланган бўлди.

— Йўқ, ўзим.

Норгулни бугун Холиёр ишхонасига таклиф қилган эди. Ҳамма ходимлар кетди, фақат Холиёр қолди. Фаррош хола касал. Директор калитни Холиёрга бериб қайта-қайта тайинлади. Холиёрнинг ярим соатлардан кейин уйига қайтишига ишонди.

Қоронғи тушга эса айтилган вақтда Норгул келди. Холиёр дарров катта эшикни ичкаридан қулфлаб, қизни хонасига олиб кирди.

Норгул курсига чўккан ҳолда пальтосининг тугмаларини ечиб қўйган, елкасига тушган рўмолининг учини кўрсаткич бармоғига ўраб-ўрамай эрмак қилиб ўтирар эди.

— Уйдагиларга нима дедингиз?

— Уйдагиларнинг иши йўқ, дугонамнинг туғилган куни, дедим, — жавоб қилди қиз.

Ташқарида ёмғир бошланди. Шитир-шитир овоз эшитилади.

Холиёр ўрнидан туриб, Норгулнинг ёнига ўтди. Қўлларини қизнинг елкасига ташлаган эди, қиз қарамай, уларни ушлади.

Бу биринчи марта эмас. Холиёр илк бор шу қиздан бўса олган. Қизиқ, шу қизни ўпган!.. Дарвоқе, Холиёр шунинг учун чақирганмиди? Муддао бошқа эди-ку!

Холиёр аста қўлини бўшатди-да, айланиб ўтиб, Норгулнинг қаршисига чўкди. Эҳтимол, Норгул, бу хатти-ҳаракатлардан чўчигандир?

— Туринг, нега... бундай? Туринг.

Йигит қизга қаттиқ тикилиб, қўлларини унинг тиззасига қўйди. Холиёрнинг назарида, қиз ўзини жўртгага сескангандек тутди.

"Кутяпти", деб ўйлади Холиёр.

Энди Норгул кўзларини юмиб олди.

Кутилмаганда Холиёр ўрнидан турди. Стол устидаги шарфини бўйнига ўраб, теллагини бошига кўндирди:

— Кетдикми? — деди у киноя билан.

Қиз ҳайрон:

— Қаёққа? — деб сўради.

— Уй-уйимизга, қаерга бўларди?! — Холиёр Норгулнинг жаҳли чиқишини истарди. У гапни таввакалига бошламоқчи бўлди.

— Нима учун чақирдингиз бу ерга?

— Бир гапни сизга айтиш учун!

— Айтинг-да!

Холиёр ерга қараб сўзлай бошлади:

— Биласизми, мен илгари... енгилтак қизлар борлигига ишонмасдим. Сира! Лекин, қарангки, адашган эканман. Чет элларда борлигини-ку, яқинда билдим. Биздаям бор экан, — Холиёр қолган сўзларни айтишга қийналди. — Бундай... Илтимос, энди бас қилайлик! Гап қўшманг.

Орага сукут чўкди. Азбаройи хижолат бўлган Холиёрнинг юзи дув этиб қизариб кетди.

— Ихтиёрингиз, — деди Норгул ўрнидан туриб.

Бу гапдан Холиёр ҳайрон қолди:

— Сиз... мен билан юриб-юриб ташлаб кетди, деманг.

Қиз пича ўйланиб турди. Кейин... кейин индамай чиқди-кетди! Катта эшик шарақ-шуруқлаб очилганидан сўнг оёқ товуши тинди...

Холиёр қанча ўтиганини билмайди.

Хонасининг чирогини ўчириб чиқди. Эшикларни қулфлади. Осмонга бир қараб олди. Ёмғир қор билан алмашибди. Кумуш учқунлар ўйнаб-ўйнаб тушаётганидан йигит қандайдир завқ тўйди.

Атрофни қор кўмаётган бўлса-да, асфальт йўлда эриб кетяпти. Тунги чироқлар нури остида бу кўчада биргина у кетиб бормоқда. Ўтган йили ўқишдан йиқилиб қайтган, бугун эса ҳамма сўзларини бўлмаса-да, озроғини айтиб олган, ҳозир ана шу ҳақида ўй сураётган эди!

Тавба, Норгулга насихатлар бермоқчи эди. Ҳаммаси ичиди қолди. Ҳар сафарги, камида икки-уч соат кечадиган учрашувлари бугун Холиёрнинг "ташаббуси" билан тезгина тугади. Узил-кесил тугади!

Аммо Холиёр бугунгиси бошқача йўл билан яқун топишини кутганди. "Гап қўшманг" эмиш! Уф-ф, кўп ишлари битишга битади-ю фақат Холиёр кутган натижа билан эмас-да!

Холиёрнинг бир одати бор: баъзан ҳеч кутилмаганда қилиқлари, кишини ҳайратга солувчи сўзлари, ҳаракатлари билан бутун ишни бажаради-қўяди. Шундай пайда ёки гапни гапирётганида ўзим шу қилигидан ҳайрон қолади. Бу ҳеч бир режасиз, дабдурустан амалга ошади.

Мақтабни битириш арафаси эди. Ўшанда майда-чўйда нарсаларга ҳам депсинаверган экан. Бобосининг уйда ниманингдир устида момоси билан тортишиб қолди. Иккалалари ҳам бир-бирдан қолишмади. Момоси "онангга ўхшаган жанжалкашсан", дегани ёмон таъсир қилди. Холиёр ноҳақлигини билсаям ичидагини айтиб юборди.

— Йўқол, — деди момоси, — иккинчи келсанг, оёғингни уриб синдираман.

— Йўқолсам йўқоламан, — Холиёр зинадан енгилгина тушиб, дарвоза томон йўл олди. Бирдан ҳалиги "одати" кўзиб, ортига қайтди-да, момосининг олдига келди: — Ҳеч қаёққа йўқолмайман, кучингиз етса, ҳайдаб чиқаринг!

Момоси ҳайрон бўлиш-бўлмаслигини ҳам билмай, ичкарига кириб кетди. Буларнинг даҳанаки гавғосига индамай томошабин бўлиб турган аммаси оғзини ёпиб кулиб юборса бўладими!..

Бугун эса шу қилиғи қўл келмай қолди. Холиёр бу қилиғидан баъзан хурсанд бўлса, баъзан жиғибийрони чиқади. Бугун шундай бўлди.

Ўзи аслида Норгул билан қандай танишган? Буниси яхши эсида йўқ. Маҳмуда таништирган эди, шекилли?



Биринчи куниеқ Холиёрни ҳайратга солгани Норгулнинг гапдонлиги-ю, суйкалиши бўлди. Кейин-кейин кино, кечки учрашувлар — ҳаммаси икки ой ичида ўтибди-кетибди. Норгул сал гапга аразлайдиган, камгап — гўё энди Холиёр уни... хотин қилиб олади. Бу орада Холиёр қиз ҳақида анча гап-сўзларни эшитди. Аммо юракдан чиқариб ташлаш осон дейсизми! Соғинч. Кутиш. Эҳтирослар... Кўзи кўр, қулоғи қар муҳаббат!

Ҳаммаси, ана, икки ой ичида ҳал бўлди. Энди худди аввалгидай ҳаёт кечиради, жи-и-мгина ишлаб юради.

Норгул эса... бир ҳафта ўтмай унга рўпара бўлди.

Тушликдан вақтли қайтган Холиёр плакат қоғозга катта қилиб алланима ёзаётган эди. Бошқа ходимлар ҳали ишга қайтмаган, корхона жимжит. Холиёр бечора овози чиқса, ёзаётгани бузиладигандек, сас чиқармай ишлар эди.

Хона эшигининг сўроқсиз, бехос очилиши уни чўчитиб юборди.

— Бир гапим бор, — деди Норгул жиддий оҳангда.

Холиёр ишидан бош кўтармай сўради:

— Қандай гап экан?

Норгул индамай тураверди. Эҳтимол, у Холиёрнинг "ўтиринг" дейишини кутаётгандир?

— Нима гап? — яна сўради Холиёр Норгулга бир қараб олиб.

Кейин билдирмай қизга зимдан разм солди.

Норгул иззат-нафсонияти топталган кўйда ғалати қаради. Оғзи бир тарафга қийшайиб кетгандай туюлди. Йиғламоқчи, шекилли?

Даҳшатли жимлик чўкди. Холиёрнинг қўлларига титроқ кирди. Нима дейишини билмайди. Уришиб ташлай деса, тили калимага келмайди, аммо... тасаллийам беролмайди. Уни саросималикдан қизнинг ўзи халос этди. Норгул бир оз турди-да, индамай чиқиб кетди.

Холиёр курсига ўзини ташлаб, хўрсинди. Шу он юраги бирам дукиллаяптики... Норгулга ачинди — ўзидан нафратланди. Қизик, ё виждони бир нима дедими? Ажаб, шунча вақт юриб, Норгулнинг мағрурлигини билмаган экан. Ялиниш у ёқда турсин, йиғламадиям, қойил!

Холиёр анча вақтгача изтиробга тушиб ўтирди.

2

Бугун ундан камроқ одам хабар олди. Бугун шанба ёки якшанба эмас-да!

Аммаси кетгач, ҳар кунгидек онаси ҳам келиб кетди — отаси туш пайтида хабар олармиш. Кейин онаси Холида келди. Илгари нега хабар олмаганлигини билади. Қўрқади — бу барча қизлардаги хусусият. Ахир уканг шу алфозда ётса-ю, сен унга қандай рўбарў бўласан? Табиийки, онаси бошқа нарсани баҳона қилди:

— Ишхонамизни ревизия босган. Нуқул қоғоз титкилаш, қандайдир ҳужжатларни ахтариб топишни буюришади. Ўзинг биласан, бозор кунлари қизларнинг иши кўп бўлади. Мана бугун амаллаб қочиб келяпман.

— Уйдагилар қалай? — деб сўради Холиёр.

Холида сўзлаётганида, Холиёр бир нарсага ҳайрон бўлди. Қизик, онаси онасига ўхшаркан, илгарилари эътибор бермабди. Опасининг баъзи фазилатлари ҳам онасиникига ўхшаш. Меҳрибонлиги, меҳмоннавозлиги, жанжалкашлиги...

Ҳар куни эрталаб Холида Холиёрдан илгари ишга отланарди. Ҳеч қачон ойна олдида ўзини тартибга солишни унутмасди. Отаси ёки онасидан пул сўраб олса, тушликка келмасди. Ишдан баъзан вақтида, баъзан кечроқ қайтар, тунги соат ўнга бормай пинакка кетарди. Баъзида эса ёзув машинкасини кўтариб келиб, кечаси алламаҳалгача "чиқ-чиқ" латиб чиқарди. У Холиёрдан тўрт ёш катта.

— Жамшид телефонда сени сўраган эди, Термизга кетган, дедим, — сўзлади Холида. — Қандай алдага-

нимни ўзим ҳам билмай қолибман, бошқа нимаям дердим?

— Ҳа, билмагани яхши — деб қўйди Холиёр.

Жамшид билан у мактабда ўқиб юрган вақтлариданоқ қалин дўст эди. Ўнинчи синфни битирганларидан кейин Жамшид, бир йил ишлаб, шароитни яхшилаб, янаги йили бораман, дея ўқишга ҳам кетолмади. Холиёр ўқишдан йиқилиб келгунича, кейин ҳам нонвойхонада ишлаб келяпти. Бу бола кейинги пайтларда Холиёрдан сал узоқлашган. Ора-сирада фақат телефон билан дардлашиб турадилар.

Опаси кетгач, Холиёр қўлларини бошининг орқасига қилиб, отасининг нажоткор хабарини эслади. Ростмикан ўша гапи? Ҳалиги одам икки оёғи ясама бўлсаям, соппа-соғдай сакраб-сакраб юрганмиш, ҳатто машинасини ҳайдаётганмиш. Айниқса, ўзининг тўйида роса ўйнабди...

Холиёр анчагача шу алфозда ўй суриб ётди. Сўнг каравоти ёнидаги қўлтиқтаёқни олди. Палатада ундан бошқа Рустам исмли сап-сарик йигит бўлиб, ёнбошлаб қайсидир журналга кўз тикиб ётарди.

Холиёр унга бир қараб қўйгач, қўлтиқтаёққа тиралиб ўрнидан турди.

— Ҳа? — деб сўради Рустам журналдан бош кўтариб.

— Йўқ, ўзим.

Холиёр шошилмай деразага яқинлашди. Пастга қаради. Ана, мўйловли киши билагигача дока билан ўралган ўғлини етаклаб келяпти, ўтиргичларда эса беморлар куз офтобининг нуридан баҳра олишяпти. У ёқдан-бу ёққа ўтаётган кишиларга назар ташлаб қўйишади. Нимани ўйлашаётган экан? Ҳамма ўз хаёли, ташвиши билан.

Холиёр деразадан узоқлашиб, каравотига чўкди. Қўлтиқтаёқларини тўмбага секин суяб қўйди. Рустамга қаради — қизиқиб ниманидир ўқияпти. Кейин ўрнига чўзилиб, яна қўлларини бошининг орқасига олди. Шифтдаги доғга қаради: одамнинг тасвирига ўхшайди, худди ён тарафдан қараб тургандай. Теп-текис шифтда бу қўланка қандай пайдо бўлган, қизик! Дарров кўзга ташланмайди, эътиборли нигоҳ билан пайқаш мумкин. Палатадагилардан ҳеч бири пайқамаган, шу ўринга ётиб тикилсагина кўз тушади. Ўртада эса лампочка осилиб турибди. Кеч бўлгач, у ёқилади, Холиёр қачон ўчирилишини ҳам билади. Палата осмонда ой бўлмаса, зим-зиё, аксинча пайтлар, бошқа каравотларни ҳам, девор, эшикни ҳам кўз илғай олади. Залдан баъзан қадам товушлари, тиббий анжомларнинг шиқирлаши, эшикларнинг кўнгилни гаш қиладиган ғижирлашлари эшитилади. Ҳамширалардан бирови палаталардан хабар олади. Дори-дармонга-ку, димоққа уравергач, ўрганиб ҳам кетаркансан.

Холиёр маза қилиб керишаётган Рустамга қаради. У журнални ёстиққа қўйгач, шиппагини оёғига илиб, ўрнидан турди.

— Бир айланиб келай — деди у кулиб.

Эшик оҳиста очилиб-ёпилди.

* * *

Бу ерда нима учун ётибди? Яна қачонгача сақлашади? Шунча бошоғриқ етмадими? Агар бу ерда бўлмаганида ҳозир нималар билан шуғулланарди? Алимов билан баҳслашиб, гурунглашиб ўтирармиди?

— Маданият институтига боришингиз керак эди, — дерди Алимов куюнчақлик билан. — Сал шошибсиз-да! Ҳалиям кеч эмас, маданият институтига борсангиз, кирдим, деяверинг. Бир марта чалиб берсангиз, ҳеч нарса сўрамай қабул қилишади.

Холиёр кулиб қўяди.

— Тавба, ўзингиз ўрганганингизга ишонгим келмайди, — давом этади Алимов нималарнидир қоғозга

ёзиб. — Билмадим, камтарлик қиласизми ё ўзингизга ишонмасизми?! Энди, nasib бўлса, тўғри Тошкентга бораверинг. Ўзимиз йўлланма берамиз.

Икковлон қолиб, баъзан ишхонада тушлик қилишарди. Умуман, анча иноқ эдилар.

Алимов шифохонага икки бор келиб кетди. Биринчи келганида, бошқалардай насиҳат қилди, кўнглини кўтарди. Иккинчи марта олма кўтариб келиб, ўзи ҳам маза қилиб еди. Ишхонадан, ўзидан гапирди. Директорни ғийбат қилиб, ўринбосарлигидан пушаймонлигини айтди.

Алимов жуссаси кичик одам, кўзлари кишига маъноли боқади. Ўзига эътиборсиз. Директор унга кўйлагининг тугмасини қадашини ёки соқоли ўсиб кетганлигини айтса, хижолат тортади-ю, кейин ўзича мингирлайди. Гап эшитмаслик учунми, бир-икки ҳафта ўзини тартибга ҳам солиб юради-ю, яна...

Холиёр ишга қабул қилинган, Алимов уни табриклаган эди:

— Республикадаги дипломингиз кор қилди. Ўзиям зўридан экан-да! Энди икковимиз бўлиб би-ир ишларканмиз-да! Тўғрагингиз зўр. Ўқувчининг сарасидан танлаб олинг. Ўзингиздан ҳам зўр қилиб тайёрлашга ҳаракат қилинг.

— Албатта-да! — жавоб берди Холиёр.

Бошқа ходимлар Холиёрга келиб-кегишга ишлаётгандек туюлди. Бир-бири билан гапи қовушмайди ҳам.

Мансур ака — дутор дарсидан машғулот ўтади, ўзи ориқ, камсуқум. Ориф ака чангдан, ҳамма фамилияси билан айтиб қақирадиган Нарзиев ярим штат пианино ва ярим штат рубобдан, Зокир ака доирадан, Ўктам исмли истараси иссиқ йигит гижжакдан дарс ўтади. Яна бир хола бор — фаррош бўлиб ишлайди.

Худди бу ташкилот янги тузилгандай ҳаммаси фақат ўз иши билан банд. Холиёрга дастлаб шундай туюлди.

Ишни бошлаганидан бир ҳафталар кейин директор Холиёрни чақиртирди.

Холиёр курсига омонатгина чўкди. Сирти ялтироқ стол устидаги қоғозларга кўз ташлади. Кейин жойлашиброқ ўтириб, ўнг қўлини столга суяди. Савол назари билан Абдурахимовга боқди.

— Хўш, ишлар дурустми? — сўради директор бўйинбоғини тўғрилаб. — Анча ўрганиб қолдингизми?

— Ҳа, ўргандим, — Холиёр тортиниbroқ жавоб берди.

— Дипломни қачон олган эдингиз?

— Тўққизинчи синфда ўқиётганимда.

— Ўқувчиларни йиққан бўлсангиз, ишни бошланг, Холиёржон. Сизга маданият уйидагиларни ишонтирдим. Шундай қилинганки, шогирдларингиз тез ўрганадиган бўлсин. Қандай ёрдам керак бўлса, тортинмай сўрайверинг.

Холиёр уни тинглаб ўтирди. Директорнинг билими чуқур экан, чет эл мусиқачиларидан, тарихий воқеалардан мароқланиб гапирди. Яхши гапирди, суҳбатдошини ўзига жалб қила оларкан.

Абдурахимовнинг сочларига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Ҳар доим бир ёнга, силлиқ таралган. Қалин, қора қошлари остидаги мунгли кўзлар одамга хотиржам боқади. Кўйлаги, бўйинбоғи, костюми ҳам озода.

"Сира жаҳли чиқмаса керак", деб ўйлади Холиёр.

Абдурахимов Холиёрни хонасидан кузатиб чиқарар экан, эҳтиёт юзасиданми ёки ҳазиллашибми сўради:

— Тўй-пўйгаям чиқасизми?

— Йўғ-е, — кулди Холиёр.

"Яхши одам экан, — ўйлади у Абдурахимов ҳузурдан чиқар экан. — Сен кичик, сен катта демайди. Ҳамма билан бир хил муносабатда бўлади. Тушунадиган одам".

Холиёр хонасига кирганида, Алимов шу ерда эди. Ўтган йили бу хона афғон рубоби ўқитувчисининг

кабинети бўлган экан, ҳозир у бошқа шаҳарга кўчиб кетган.

Алимов Холиёрга найни тутқазди.

— Қани, бир оғирроғидан чалинг-чи!

Холиёр хонасининг уёқ-буёғини тартибга келтирмоқчи эди. Аммо ҳозир ҳеч нима деёлмади. Малол келаётган бўлса-да, кулимсираб Алимовдан найни олди.

Бир оз тозаллаган бўлиб, лабига яқин олиб борди.

Хона узра майин куй таралди. Алимов иягини олдинга чўзиб, кўзлари ярим юмюқ ҳолда куйни мароқланиб тинглади. Холиёрнинг қўллари най тешикчалари узра оҳиста қимирлар, хузурбахш садо кишини аллалар эди. Лекин Холиёр хазин най оҳанги оғушида юриб бораётгандек ҳолатдан ҳар гал ўзини минг йиллик дард-ҳасратга чўмгандек ҳам сезар, машҳур бир фазал ёдига тушар эди:

"Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар..."

Бу фазалнинг маъносига у кўп ҳам тушунавермас эди. Ёш, бедард эканлигидан энг оғир куйдан ҳам енгиллик излар ва топарди. Куй унинг хаёлларини аллақаяқларга олиб қочарди. Ойдин кечада ёлғиз ўтирибсиз. Майин эсаётган енгил шабададан энтикасиз. Ётиб осмонга тикиласиз: беҳисоб юлдузлар чақнаб туради. Губорли тўлин ой кўзингизга галати кўринади. Муаллақ тургани чиндан ҳам гаройиб. Кўзингизни юмсангиз, дарахт баргларининг оҳиста шитирлашини эшитасиз. Овоз бир зум тинади, майин шабадада яна шитирлайди. Кўзларингизни очиб, юлдузларга тикиласиз. Бири сўниқ, бошқаси ёрқин ёғду сояпта. Беихтиёр булбул хонишини эшитиб қоласиз. Айтишларича, булбул ухлаб қолмай, атиргулнинг очилишини кўрай деб кечаси билан сайраб чиқар экан. Лекин атиргулнинг очилиши арафасида, тонг чоғи ухлаб қолар эмиш...

Холиёр куйни тугатди.

— Яшанг, — деди Алимов...

* * *

Холиёрнинг ишлари дуруст кетди. Анча ўқувчи йиғилди. Кўпчилигини ота-онаси, боболари олиб келишар эди. Бундан тўрт-беш кунлар илгари туман газетасида Абдурахимовнинг "Марҳамат" номли мақоласи чоп этилиб, жумладан, унда янги тўгарак очилгани, ўқувчилар энди най санъатини ҳам ўрганиши ҳақида айтилган эди.

Болаларини етақлаб келган ота-оналар Холиёрнинг ёшига қараб ҳайратланар, баъзи бировлар унга найни чалдириб кўрарди. Алимов уларга Холиёрни мақтайди ва ўз вақтида тўловларни тўлашни тайинлайди.

Абдурахимов қаёқдандир ўнтача най топиб келди. Ўқувчилар кундалик дафтар тутиши, унда баҳолар вақтида қўйилиб бориши керак экан. Холиёр бунини эшитиб, ноқулай аҳволга тушди. Ахир кечагина ўзи ўқувчи бўлган, кундалигига баҳо қўйдирган. Энди эса у баҳо кўярмиш.

"Энди сен ишлашинг керак, — деди бир куни хонасига кираркан ҳаяжонланиб. — Қанчадан-қанча одам сенга ишонди. Шундай қилиш лозимки, улар рози бўлсин".

Ўқувчилар билан яқин бўлиш учун анча-мунча ҳаракат керак. Уларни қизиқтириш талаб қилинади. Тоҳир деган бола бор. Сен мусиқа ўргатаверсанг, нигоҳи деразада бўлади. Уни бобоси олиб келган эди. Эҳтимол ҳали ёшлиги учун ўзида қизиқиш уйғотолмас. Найчилик педагогикани ҳам ўрганишга олиб келди.

Қайсидир бир йиғилишда уни редколлегия аъзоси этиб сайлашди. Шундай вақтда ҳар қандай ўсмир галати аҳволга тушади. Ўзини катта одамлар қаторига қўшилгандай ҳис этади. Аслидаям шундай-да! Ичиди, албатта, бу ишонччи оқлайман, деб ўйлайди.

Қизиқ, шу пайтгача эътибор бермаганмикан? Кўча-қўйда кичик болалар уни кўрса, салом беради, катталарнинг кўпи "сиз"лаб муомала қилади.



— Сизлар иккинчи мактаб остонасига қадам қўйяпсизлар. Бу — ҳаёт мактаби, — деган эди Холиёрнинг мактабни битириши арафасида илмий бўлим мудирини Худоев. — Бу катта мактаб. Шунча вақт мактабимиз бағрида ўқиб улгайдиларинг, энди тарқаласизлар. Ҳали ҳаёт сизларга ҳаётлигини кўрсатади. Ҳаёт ҳақида, яшаш ҳақида теранроқ ўйлайдиган бўласизлар. Сизлар эса, энг муҳими, оддий қилиб айтганда яхши одам бўлинглар. Ҳаётда ҳеч қачон қоқилманглар.

Синфдошлар тарқалиб ҳам кетди. Ҳаёт уларни ҳар тарафга сочиб юборди. Ўн бир киши институт, билим юртига ўқишга кирди. Қолганлар... юрибди!

Холиёр синфдош қизлардан Замирани бошқалардан кўпроқ учратади. У бу тарафга қараб юради, Замира бошқа тарафга. Иккаласи ҳам индамасдан ўтиб кетади, олтинчи синфда юзқўрмас бўлиб уришишган эди.

Рустам билан Қурбонга ҳозирдан ҳарбий қоғоз чиқибди. Ҳаёт шу экан.

3

Отаси узоқ ўтирмади. Бошидан дўпписини олиб, сочини орқага тузатиб, маслаҳат берди, мадад сўзлар айтди.

Ҳар гал билагидаги эски соатига қараб қўяди. Ўғлининг бошини силайди. Кўзини ҳар нуқтага тикиб, "кўрдингми", дегандай сўзини маълумлаб қўяди.

Отаси кетганидан кейин Холиёр ўзини анча енгил сезди.

Оталар ҳар хил бўлади-ю, вазифаси бир хил. Ўтган икки воқеадан кейингина Холиёр отаси ҳақида кўпроқ ўйлай бошлади.

Ўшанда қиш тонги эди. Холиёрнинг уйқуси ўчиб, кўзини очганида, хонанинг нимқоронғилигига ҳайрон бўлиб, ёстиқдан бошини кўтарди. Стол устидаги лампа ёруғида отаси ниманидир хафсала билан ёзиб ўтирибди. Устида уйда қиядиган эски тўн, қунишиб олган. Холиёрга отаси шунчалик афтодаҳол кўриндики, ғалати бўлиб кетди.

— Дада, ҳа? — деди беихтиёр.

Отаси ўгирилиб унга қаради:

— Ухла, ўғлим. Конспект ёзипман.

Ўша субҳидам унутилмас бўлиб қолган.

Баҳор куни эди. Холиёр ишдан қайтиб, ҳовлига кирди. Қараса, отаси ер ағдаряпти. Таажжублисиди, шундоққина айвонда онаси, укалари чой ичиб ўтиришар, ниманидир гапириб, кулгини авжига чиқаришарди.

Кизик, аввалдан шундай эди, шекилли? Ота қаттиқ гапирмайди. Тур, ишла, демайди, койимайди. Ҳаёт, яшаш деб ўзи ҳаракат қилади. Боз устига бирор марта "уф" тортган эмас. Мўмин-қобил ота; мўмин, қобил ўқитувчи; мўмин-қобил одам.

Онасини унчалик ҳам мўмин-қобил деб бўлмайди. Бу оиланинг фарзандлари отадан эмас, онадан кўпроқ кўрқади. Онанинг бўйнидаги доимий мунчоқ унинг шаддодлигини "безаб" тургандай. Маҳалладоғиларнинг кўпчилиги бу аёлдан ҳайиқади. Холиёр болалигида мактабдан йиғлаб қайтса, онаси дарров мактабга бориб ўғлини йиғлатган ўқитувчи ёки ўқувчининг додини бериб қайтган.

Бир куни кечки пайт ҳовлига укаси Алиёр йиғлаб кирди. Уст-боши чанг, юзи тирналган. Ошхонадан онаси чиқди.

— Ҳа, ким урди?

— Нурали, — деди Алиёр кўз ёшини тўхтата олмай.

— Йиғлама, мен кўрай қани ўша зўравонни!

Холиёр онасини тўхтатмоқчи бўлди:

— Она, қўйинг, ёш-да!

Дарвоза табақаси ташқаридан ёпилди. Қолгани нима бўлиши маълум: онаси ҳалиги болани уради, кейин ота-

онасининг ҳузурига олиб боради. Уларнинг ҳам кайфияти бузилади. "Ноқобил" фарзандни унинг кўз олдига уришади ҳам. Аммо ёмони шуки, баъзилар фарзандларини аяб катта жанжал бошлаб юборадилар. Холиёр ўқувчисининг уйига борганида, иш юзасидан унинг отаси билан анча гаплашди. Кетар чоғида ҳалиги киши сўраб қолди:

— Сизни ҳеч танимадим-да! Кимлардансиз?

Холиёр отасининг номини айтган эди, у киши танимади, онаси ҳақида гапирганиди, эр-хотин мийиғида кулиб қўйишди. Холиёр анчагина кўнгли ғаш бўлиб юрди. Кўп сўзларни онасига айтишга юзи чидамас эди.

Дарвоза очилиб, онаси кирди. Холиёр унинг чимирилган қошлари остидаги ўткир кўзларига қараб, секин сўзлади:

— Нима кераги бор, она? Жанжалсиз ҳам ҳал этиш мумкин-ку!

— Сенга нима? — онасининг шашти тушмаган шекилли, ўшқирди. — Укам борми, йўқми демайсан?!

Холиёрнинг ўрнида Холида бўлганида, ҳозир ўт олиб кетарди. Холиёр индамади.

Онаси эса хўрсиниб олдига келди:

— Нима қилай, ўғлим, боламсизлар-да! Сизлар учун жон куйдирмасам...

Холиёр индамади. Нигоҳини ерга олди...

* * *

Она бояқиш ҳар куни хабар олади. Ўғлининг қўлини қафтлари орасида тутиб, дадил гапиришга ҳаракат қилади.

Холиёрнинг бу ерга дастлабки келган кунлари эди. Оёғини кесиб ташлашгач, Холиёр гўё жинни бўлиб қолаёзди. Қўлларини қаравотга боғлашга мажбур бўлишди. Ҳамма далда беради, врач Равшанов койийди. Онаси эса Холиёрдек йиғлайди:

— Ўғилгинам, ахир фарзандимсан. Наҳот менга раҳминг келмаса, наҳот мени ўйламансан?! Ўзимни ўлдираман, дебсан. Бу нима деганинг? Менинг қон-қон йиғлашимни истайсанми, укаларингни-чи? Бу нимаси? Эшитган одам нима дейди? Наҳот шу қийналиш бўлса? Шу азобнинг олдида енгилсанг? Унақада мени тамом қиласан-ку!

Ростдан ҳам шу ишга қўл урганида, нима бўларди? Йиғи-сиғи, қариндош-уруғ. Отаси, онаси... Эшитганлар... Кейин вилоят ёки марказий газетда шу ҳақда мақола чиқса, уни иродасизликда айблашарди. Демак...

* * *

Бугун Жамшид келди. Нафас олишга юраги дов бермагандай бир оз қотиб қолди. Ўпкаси тўлиб, дўстига яқинлашди.

Иккаласининг ҳам кўзи ёшга тўлди.

— Ўтир, — деди Холиёр оғир хўрсиниб. Зўрга гапирар эди.

Жамшид қаравот ёнидаги курсига ўрнашди. Тилига гап келмади чоғи, қўлидагига ишора қилди:

— Қаерга қўйсам бўлади?

Холиёр тўмба томон имо қилди. Жамшид тўмбани очди. Ичида бўш ўрин йўқ экан, тўмба устига қўйди. Оғзини очолмагани учунми, палатага разм солди.

Хонада бошқа ҳеч ким йўқ, қаравотдаги ўринларнинг айримлари йиғиштирилмаган, бир қаравот устида эскироқ костюм ётарди.

— Ишларинг кетяптими? — сўради Холиёр гап очиб учун.

— Яхши. Шу, олдингидай.

Жамшиднинг нигоҳи Холиёр ўралиб ётган чойшаб узра сузар экан, дарров кўзини бошқа ерга олди. У нимадир демоқчи эди.

— Жўражон, — астойдил гапирди Жамшид. —

Қара, хонада ҳеч ким қолмапти. Улар ташқарида айланиб юришибди. Сен ҳам чиқ. Нима қиласан бу ерда сиқилиб? Айлан, кўнглинг ёзилади.

— Бу ерга келганлар фақат маслаҳат беришади, — деди Холиёр ҳаммасига Жамшид айбдордек заҳарханда билан.

Жамшид нима дейишини билмай қолди. Тезгина Холиёрга қараб оларкан, ўтирган ўрнидан сал кўзғалиб қўйди.

— Сенга битта китоб олиб келдим, — деди у бир оз сукутдан сўнг. — Зерикиб ётгунча бир ўқиб чиқ. Эсингдами, Худоёров, "китоб — бизнинг дўстимиз", дер эди. — Жамшиднинг юзида энгил табассум пайдо бўлди. — Сен ўқийвер, мен олиб келавераман. Амакимнинг томи устида яхши китоблар бор экан.

Холиёр кулиб қўйди. Кейин самимият билан Жамшидга қаради. Ўзига астойдил сўзлаётган дўстига ҳазил қилди:

— Майли, сен етказиб берсанг бўлди. Фақат чарчаб қоласан-да!

— Қизиқсан-а, нима, мен қари бобойми чарчаб? Қанақа китоб керак? Шеърга ўхшайдиганими ёки романга ўхшаганими, нимадир дейди-ку, ўшами?

Холиёр яна кулиб қўйди. Ҳозир у энгил тортган эди.

— Болалардан хат оляпсанми? — сўради у.

— Олиб турибман, кам. Ўзим ёзишга эринаман-да! Лекин бир ўтириб ёзсам, уч-тўртта хат ёзаман... Ҳайронман, нима учун менга "повестка" чиқмаяпти? Амаким, "шароити тўғри келмайди" деган, шекилли.

Худди шу пайт палата эшиги очилди. Хонага елкасига оқ халат ташлаган кексароқ киши кирди. Кира солиб Холиёрга кўзи тушар экан, ташвишли бир оҳангда у томон юрди:

— Холиёржон, яхшимисиз, соппа-соғ бўлиб кетдингизми? Ҳеч қийналмаяпсизми? Бу ерда яхши қарашаяптими?

Холиёр ҳайрон эди. Бу киши Холиёрлар ўқиган мактабнинг кекса ўқитувчиларидан. Лекин бирор марта буларга дарс ўтмаган.

— Ўтиринг, муаллим, — Жамшид туриб курсини унга яқинроқ сурди.

— Сомса, қовурилган гўшт олиб келгандим, — деди у қўлидаги қоғозга ўралган нарсаларни Жамшидга тутиб.

Жамшид уларни дераза тоқчасига қўйди.

Холиёр ўзини қай аҳволда тутишни билмас, бу кимсанинг нима мақсада келганига тушунолмади, хижолат чекиб, Жамшиддек таажжубда эди.

— Холиёржон, анча озиб кетибсиз, — деди у. — Кўп ўйлайверманг-да! Одам ҳар қандай қийинчиликка дуч келади, энгил керак. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, бу кунлар, умуман, эсингиздан чиқиб кетади. Олдин кўзларингиз қандай эди-я, шундоқ порлаб турарди, тўғрими? — у Жамшидга қараб олди. — Энди бўлса... Ўзингиз соғ-саломат бўлсангиз бўлди, энг муҳими, саломатлик.

Жамшид қўшни каравотга ўтириб, кўзини бир нуқтага тикиб, унинг сўзларини маъқулляпти.

— Мен ҳам бугун эшитиб қолиб, қаттиқ ачиндим, — давом этди Омонов. — Лекин киши ҳадеб ўйлайвергани билан ҳеч иш чиқмайди. Иложи борича буёғини яхшилашга ҳаракат қилиш керак. Энг муҳими, яна айтаман, саломатлик! Бугун, ўзи, ҳозир дарсим бор эди, битта ўқитувчига топшириб келяпман. Холиёржон, агар бирор нарса керак бўлса, айтаверинглар, сизларга ёрдам қилмасак, кимга ёрдам берамиз? Бир-иккита собиқ ўқувчиларим яхши, ёғли жойда ишлашади. Аҳаджонни танийсиз-а, аптекада ишлайдиган, ўшанга ҳозир учрадим. Айтдимки, агар дори-пори керак бўлиб қолса, топиб берасан, дедим. "Хўп, маълим", деди. Яхши бола ўзиям.

Холиёр бу гап-сўзлар асносида Омоновнинг ҳар замонда унинг оёғи томонга қараб қўяётганини сезмаганга олди.

Омонов негадир рўзғор, бола-чақадан сўзлаб кетди. Хотинининг касаллиги-ю, тўққиз боласининг ҳали гўдаклигини, эртадан-кечгача шу бола-чақа деб ишлашини, яшаши ночорлигини, ҳатто "Худо кўрсатмасин, ўлиб қолса, ким оиласига қарашини, уларнинг хор бўлиши"ни ҳам айтиб ўтди. Омонов хонага Рустам кириб келганини ҳам сезмади.

Холиёр унинг нимадир демоқчи бўлиб гапни айлантираётганини сезди. Лекин қандай мақсадда келган — таажжуб! Отаси билан касбдош бўлиши билан бирга, улар бошқа-бошқа мактабда ишлашади, бир-бирларини танимайдилар. Бир оз қаттиққўл бу домла қандай қилиб Холиёрни эслаб қолди экан?

Омонов кетар чоғида Холиёрнинг қўлини беозор сиқди. Хийла жим қолди-ю, бир нимани эслагандек юзи бошқача тус олди, кўзлари жавдираб кетди.

— Хўп, Холиёржон мен борай, келиб тураман, — дея астагина чиқиб кетди.

Палата жимжит бўлиб қолди.

— Ким бу? — сўради Рустам.

— Мактабимиздан, ўқитувчи.

— Обрў катта-ку!

Холиёр индамади. Увишиб қолган чап қўлини ўнг қўли билан ишқалай бошлади.

Жамшид ўрнидан турди. Фижимланган шимини тўғрилади. Сўнг Холиёрга қаради:

— Жўражон, энди менга жавоб берсанг. "Дарров келаман", дегандим. Иш-да!

— Кетасанми? — Холиёр оҳиста гапирди. — Келиб тур, раҳмат...

— Сен ҳам кўп ўйлаб ётавермай дадил бўл. Бўпти, хайр.

Жамшид ҳам кетди.

Холиёр тўмба устига қўл чўзиб, газетага ўралган китобни олди. Газетани очаркан, муқовасидаги кўпчиликка таниш ёзувга кўзи тушди: "Чин инсон қиссаси".

Ҳафсаласи пир бўлгандек, китобни яна газетага ўраб, жойига қўйди.

Бироздан кейин Рустамга сал тескари ўтириб, устидаги чойшабини очди. Шимининг почасини кўтариб, оёғига тикилди, кейин бунисига. Тўмтоқ қилиб тикилган чандиқлар кўнглини беҳузур қилди. Ўзиям оёғи кир бўлиб кетибди, фақат спирт билан артилган жойлари тоза...

Холиёр шу ҳолда анча ўтирди. Бошқа ҳамхоналари киргач, шимининг почасини тушириб, чойшабни ёпди...

Кечга яқин эса яна бир қутилмаган воқеа бўлди. Шўх ҳамшира қўлидаги бежиримгина қилиб боғланган тугунда нимадир кўтариб, тўғри Холиёрнинг қаршисига келди:

— Бирам чиройли қизки, бирам гўзалки, ҳавасим келиб кетди. "Мана шуни ўз қўлига бериб қўйинг, опажон", деди. Ўзи киришга уялди. Шунча киши, қандай кирсин? Мана, марҳамат!

Холиёр тугунни қандай олди, билмайди. Ҳали Омонов ҳақидаги жумбоқ ечилмасдан туриб, энди бунисими?

Маҳмуд амаки кулиб деди:

— Алдамаяпсизми? Холиёрни уялтирманг-да!

— Ишонмаяпсизларми, деразадан қараб туринглар, ўтиб кетади. Келинг, ўзим кўрсатаман.

Рустам ҳам, Маҳмуд амаки ҳам, бошқалар ҳам деразага ёпирилишди.

Холиёр эса ноқулай бўлгани учун жойидан жилмади. Унинг лабида ўз-ўзидан табассум пайдо бўлаётган эди.

— Ана-ана, — деди ҳамшира. — Ҳозир бу тарафга қараса керак. Ана, қаради!



— Уялиб кетди-ку! — деди Рустам.
 — Ибий, шунча одам қараяпти-ю уялмайдами?
 Энди шошилишини қаранг, ҳой қочманг, келинпошша!
 Буёқда куёв чимилдиқни ўйдаптилар-ку!
 Ҳамма кулиб юборди...

* * *

Холиёр нима учун дўкондан бир қути сигарета олди, бу ҳақда ўйлагани йўқ. Аслида кеча оқшом Алимовнинг телефон орқали шипшиб айтган гапани эшитганидан буён таъби тирриқ эди. Ишга кечикиб келгани етмагандай, ўқувчиларга ҳам жавоб бериб юборди. Кейин у ер-бу ерни қараб гугурт топди. Эрмак қилиб сигаретни ёндирди-ю, гугуртни чўнтагига солди. Кейин тутатган сигаретини чекди. Оғзидан паға-паға тутун чиқариб чекаверди.

Шу пайт эшик очилиб, директор бош суқди. Курсида ёйилиб олифталарча оёғини чалиштириб ўтирган Холиёрга кўзи тушди. Ҳайратланиб хонанинг шифтларига кўз югуртирди:

— Бу нима тутун?

Холиёр бепарво жавоб берди:

— Эшикни ёпинг, халақит берманг. Ёпинг энди, илтимос!

Директор эшикни тарақлатиб ёпиб кетар экан, нималар дегани эшитилмай қолди.

Холиёр тўнғиллаб қўйди:

— Э, шу ишинггаям!..

Директор-да, ўзича! Кеча Холиёр йўқлигида уни мажлисда ёмонлабди. Кошки ўзи бир ишни дўндираётган бўлса! "Ишни ташлаб қўйган", дебди. Мард бўлсанг, олдимда гапир!

— Тагин ундан ўрناق олмоқчи бўлибман-а! Нимасидан? Фаррош хола билан гап-сўз бўлганиданми?.. Олсанг, ишингни оласан, жонимни эмас. Хотининг йиғлаб келганида мени учратиб қолиб, арзу ҳол қилганини ҳали ҳеч кимга айтганим йўқ...

Анчадан кейин эшик тақиллаб, бир ўқувчи илжайиб кирди. Холиёр индамай қараб турди. Ўқувчи секин салом бериб, ён тарафларга аланглай бошлади.

— Боравер, бугун жавоб, — Холиёр унга қовоғини уйиб қаради.

Ўқувчи чиқиб кетди. Холиёр уни ёмон кўради. "Қатта бўлсанг, ҳушомадгўй бўласан", дейди. У бўлса илжайиб тураверади. Ҳозир эшик тақиллайди, кейин очилади. Агар тақилламай очилса, Алимов кириб келади. Шу одам ҳам жонга тегди-да!..

Эшик оҳиста тақиллади.

— Кириг!

Ҳеч ким очмади-ю, бир оздан сўнг яна тақиллади. Холиёр эриниб бориб, эшикни очди.

Очди-ю, ҳушини йиғиб олди. Қаршисида салгина тортиниб Норгул турарди.

— Кечирасиз, салом.

— Салом, — Холиёр нима деярини билмай, ҳам ҳайратланиб, ҳам тундлигидан хижолат тортиб қолди.

— Сизга бир иш билан келувдим, — Норгулнинг чехрасида табассум ўйнади. — Сизни, яхши чизади, деб эшитдим. Ёрдам қиласизми?

Холиёр шундагина унинг қўлидаги плакат ва қаламларга қаради.

— Синглимга мактабдан берворишибди. "Мен чизолмайман", десам ҳам кўнмайди. Мажбур бўлиб олдингизга келдим.

— Ҳа, ҳалиги... нимани чизиб керак?

— Ўртасига қорбобо, қорқиз билан. Кейин арча, қуёнми-айиқми, бирорга ҳайвон. Плакатнинг остига — узунасига байрам табриги! — Норгул яна жилмайди. — Қийин эмасми, ишқилиб?

— Қийин эмас-у, кейин сизга ёқадими?

— Ёқади. Маҳмуда сизни зўр чизади, деди-ку!

Ён тарафдаги хона эшиги очилиб, Алимов чиқди-ю, буларга кўзи тушди. Кейин бироз гарангсираб туриб, яна хонасига қайтиб кирди.

— Байрамгача вақт кўп, қачон тайёр бўлсин? — сўради Холиёр.

— Қачон вақт топсангиз, чизасиз-да! Кейин Маҳмудага айтсангиз, келиб, олиб кетаман.

— Яхши.

— Раҳмат. Бўпти, мен борай.

— Кетасизми? — Холиёр нима дейишини билмай айтгани шу бўлди.

Кейин Норгулни эшиккача кузатиб бориб, орқасидан қараб қолди.

Хонасига қайтиб кираркан, қўлидаги плакат ва қаламларни стол устига қўйди. Кейин жойига ўтиб ўтириб, хаёл суриб кетди. Қизиқ, ўзи келди-я? Биринчи марта шундай якка ўзи билан юзма-юз гаплашди. Маҳмудадан бериб юборсам бўларди-ку!..

Холиёр кулимсиради: кўнгли бор.

Бу қизни Холиёр ўз кўчасида Маҳмуда билан кўрган. Негадир ёқиб қолди. Маҳмудадан суриштирди. Ўзи билан бир-икки марта кўришди.

"Хонага таклиф қилишинг мумкин эди-ку, одамгарчилик юзасидан!" Холиёрнинг калласига бу фикр бирданга келиб қолди..

Кейинчалик Норгул бу хонага тез-тез таклиф этиладиган бўлди.

* * *

Юлдузли оқшом. Атрофда лой совуқдан қотиб қолган.

— Совуқда бекор чиқдик-да! — деди Холиёр сал норозиланиб.

— Уйда зерикиб кетдим, — оҳиста деди Норгул. — Иссиқроқ кийинмасиз-да?! Совқотяпсиз-а?

— Йўғ-э, — Холиёр хижолатли кулди. Аслида оёғи панжалари яхлар, баданининг титроғини билинтирмасликка уринарди.

— Нимани ўйлаяпсиз? — аста-аста юриб боришаркан сўради Норгул.

— Нимани десам экан, ҳозир ўйлай-чи! Ҳа... тўғрисини айттайми?

— Тўғрисини-да!

— Тўғрисини айтсам, иссиққина печкадан бошқасини ўйлай олмаяпман, — Холиёр кулиб юборди. — Мен, мени ўйлаяпсизми, дебман — Норгул гина қилгандай бўлди. — Совқотяпсиз, десам, "йўқ" дейсиз?

Холиёр гапни бурмоқчи бўлди:

— Айтгандай, ишхонамиздаги Алимов янги машина олган эди. Бугун иккаламиз айландик. Янги деб бирам секин ҳайдайди-ей, нафасим қисилиб кетди. Одамлар пиёда юриб ўтиб кетяпти. "Тезроқ ҳайданг", десам, "жимгина ўтиринг, бўлмаса машинадан тушириб қолдираман", дейди. Ўзиям машина олиш учун роса қарзга ботди-да!

— Алимов ёмон одам бўлса керак, — деди Норгул.

Холиёр ҳайрон бўлди:

— Нега?

— Билмасам, менга кўзи тушса, қовоғини уйиб олади, ичида нимадир деб сўккандай бўлади.

— Ўзи шунақа одам, — деб қўйди Холиёр.

Аслида Алимов бунақа эмас. Унга Норгул ёқмайди, холос. "Хафа бўлманг-у, безбет қизларни ёқтирмайман", дейди.

— Норгул, сиз ўз тақдирингизни ўзгартиришингиз мумкинми?

Норгул тўхтади:

— Нима, тақдирим сизга ёқмайдами?

— Йўқ, сиз тушунмадингиз. Масалан, мен ишга бораман-келаман. Яна, яна бораман-келаман. Бир хил

ишлайверамаан. Жонга тегмаслиги учун тақдирга бўйсуниб керакми ёки керак эмасми? Масалан, тақдиримни ўзгартиришим мумкинку-а?

— Келажакда зўр олим чиқади сиздан — ҳазиллашди Норгул. — Ҳеч кимдан эшитмаган гапларимни айтмасиз. Қийин саволлар берасиз, жавоб беролмай қоламан. Ўзингиз айтгандай, мактабни ташлаганман-ку!

Холиёр совуқда елкаларини қисиб, қунишиб борар экан, шу гапини эслаб қўйди.

— Бу уй кимники? — дея сўради Норгул бир уйнинг орқасидаги кўчадан ўтишар экан.

Холиёр чап ёнига қаради:

— Бир тракторчи бор, ўшаники.

Холиёр шу тобда уйга тезроқ боргиси келар, совуқ уни янада исканжага олган эди. Ростдан ҳам иссиққина кийиниб олмабди-я!

Ҳозирги учрашувни Норгул белгилади. Ҳатто, шунча узоқ уйларида Холиёрларнинг кўчасига келибди. Шу топда кўрмаса бўлмасмиш! Холиёр учрашувдан хурсанд бўлса ҳам, ҳозир...

Икковлон аста-секин юриб, ҳамон суҳбат қуриб боришар эди.

— Сиз илгари бирор йигитни яхши кўрганмисиз? — деб сўради Холиёр.

— Йўқ, — ҳозиржавоблик қилди Норгул.

— Қиз йигитни яхши кўриши мумкинми, йигит яхши кўрмасаям?

— Билмадим, — деди Норгул. — Бўлиши мумкин.

Холиёр ҳозир бир воқеани эслаган эди. Ҳозир шуни ичида сақолмаслигини ҳис этди.

— Мени бир синфдошим яхши кўрарди, — деди у сўзларини ёлғон деб ўйласин, деган мақсад билан атайин бошқача оҳангда. — О, яхши кўришини билсангиз эди. Мен эса била туриб куйдиар эдим. Ёқтирмасдим-да! Умуман, ҳозиргача баъзан ҳайрон бўламан, нима десак бўлади, дунёда унақа девиш бўлмаса керак.

— Ким экан-у?

Норгул ишонқирамай сўраган эди. Холиёр гапни ёлғон аралаш оҳангда бошлаб, бундан Норгулни хабардор қилгиси келмади. Лекин ичидаги кечинмаларини бирор ҳамсуҳбатига маълум қилмаса бўлмайди. Аммо энди индамади.

— Ҳозир ҳам яхши кўрадимми? — бу гал саволини бошқача тусда берди Норгул.

— Эҳтимол.

— Бечора қизга раҳмингиз келмаяптими? Агар... Агар ҳозир ҳам яхши кўриб кўрсин-чи, дабаласини чиқараман, — дағдага қилди Норгул.

Холиёр икки қизнинг ўзини деб олишувини кўз олдига келтираркан, кулиб қўйди. Ичида эса беихтиёр: "аллақачон мени ўзингники қилиб олибсан-ку!" деб ўйлади.

Бироз юришгач, осмонга қараб қиздан сўради:

— Норгул, сиз бирорта юлдуз танлаганмисиз?

Норгул бир оздан кейин кулиб, "ҳа" деди.

— Қайси бири?

— Ҳозир ёнимда юраётгани-да!

Яна кулдилар.

Норгул Холиёрнинг кўзига жудаям бошқача кўриниб кетди. Унга самимият билан тикилди. Қоронғуда юзи аниқ кўринмаса-да, кўзлари порлаб турибди.

Холиёрнинг оёғи остида юпқа муз қисирлади — яхлаган бир қўлмакни босиб олибди. "Ҳеч қайси севишганлар шундай вақтда учрашмасалар керак", деб ўйлади у кулимсираб.

Яқин орадан бир эшак галати узук-узук ханграган эди, яна кулиб юборишди.

— Эртага қуёш чарақлайди, кўрасиз, — деди Холиёр қувонч билан. — Юлдузларни қаранг.

— Қани эди!

— Эрталаб ишга бориб, олдин найимни маза қилиб чаламан, кайфиятни зўр қиламан, — деб Холиёр қўшиб қўйди. — Тушликда сиз кабоб еймиз.

— Ҳо, мақтанчоқ, сизлар кабоб есаларинг, бизлар ундан ҳам зўр нарса еймиз.

— Нима ейсизлар?

— Айтмайман, айтсам, бориб еб кўясиз.

— Биламан.

— Хўш, нима?

— Айтсам, бориб еб кўясиз, — кулиб юборди Холиёр.

Йўлда каттароқ қўлмак учради, уни айланиб ўтдилар. Норгул кичикроқ бир тошни ердан "узиб" олиб, қўлмакка отди. Кенг ёйилган муз қатламининг ўртаси тешик бўлиб қолди.

— Муқбил тошотар экансиз-ку!

— Ким, ким?

— Эртақдаги қахрамонни эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Ўқимай кетгандан кейин шу-да! — кесатди Холиёр ногоҳ.

Холиёр Норгулнинг ўқимаганидан баъзан ғашланарди. Шунинг учун Норгулга эслатиб кўяверарди. Норгул бунга билса ҳам ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлар, аммо Холиёр ҳазил гаплари биланоқ устун келарди.

Норгул яшайдиган маҳаллага етиб келишди. Шунча йўлни аста-секин, пиёда юриб келганларини кўз олдига келтириб, Холиёр ўзига қойил қолди. Чўнтагидан қўлини чиқариб, нафаси билан уларни иситди.

У Норгулни шу ерда қузатади. Бир зум бошқа нарсаларни унутади. Қизнинг кўзларига тикилади, қошларига боқади. Шундай лаҳзаларда уни севишини, дил сўзларини айтмоқчи бўлади-ю, негадир айтолмайди. Қандайдир юксак сўзлар! Бу сўзларни кўзлари орқали ифодаламоқчидай, қизнинг кўзларига ташналик билан тикилади.

Норгул ерга қараб сўзланди:

— Эртага чиқоласизми?

— Ҳа, энди астойдил таклиф қилсалар, бир илож қилармиз...

Лекин Норгул Холиёрнинг сўзини эшитмай, тезда чап тарафига қаради. Сесканиб кетиб, Холиёрнинг орқасига ўтди. Атрофни мунгли бир нидо қоплаб олган эди.

Холиёрнинг кўз ўнгида чарсиллаб, ловиллаб нажотсиз мушук ёнар эди. Аланга ичидаги жонивор уларнинг ёнидан югуриб ўтолмай, жойида питирлай бошлади.

Холиёр бунақа даҳшатни кўрмаган эди, бадани жимирлаб кетди.

Мушук бор ҳаракати билан типирчилар, овози аста-секин сўниб борарди. Кучли аланга ёруғида унинг тирноқ, панжалари, кўзлари аниқ кўриниб кетди.

Норгул Холиёрнинг орқасида туриб, йиғлар, нуқул "кетайлик-кетайлик", дерди. Холиёр эса қотиб қолган, мушукка ёрдам беролмаслигига ҳам қаноат ҳосил қилган. Жониворнинг этлари ёниб, кўмирга айланган суякларигача кўриниб кетди. Ҳаракатлари сусайиб, овози пихиллаб қолди. Айниқса тумшугининг олдини панжалари билан узоқ силади, тирноқларини ишга солиб тирнади. Ух, кўзларининг гавҳари ҳам оқди, шекилли!

Холиёр бор кучини тўплаб, оловдан узоқлашишга ҳаракат қилди. Норгул тўхтамай йиғлар, бу эса Холиёрни баттар эзарди. Бир оз юрдилар.

— Шўрлик ҳайвон! — Холиёр тишларини гижирлатди.

— Одамлар нега шундай-а? — деди Норгул зўрға нафас олиб.

— Одамлар қилмагандир? — Холиёр ҳайрон бўлди.



Норгул бир оздан кейин жавоб берди:

— Одамлар қилади-да!

Холиёр хўрсиниб қўйди...

Кейинчалик Норгулдан эшитди. Бир-бирига бахил икки қўшни. Гузар кишиларининг тахминича, улар ўша куни роса уришишибди. Натижада бири аламини рақибининг мушугидан олибди. Мушук қўшнисиники бўлиб, сомонхонада болалаган экан. "Ёндирганимдан кейин тўғри сомонхонага боради", деб ўйлаб, қўшнисини хонавайрон қилмоқчи бўлибди...

Одамлар нега шундай-а?

4

Бугун Холиёр ҳамхоналарининг, "пастга тушиб айланайлик", деган таклифига розилик билдиргандек бўлди-ю, кейин рад этди. Пастдаги одамлар кўрмасликка олсам, барибир хижолат тортади. Хонада Маҳмуд амаки билан анча гурунглашиб ўтирдилар.

— Бугун дадангиз бир гапни айтиб қўйинг дегандилар, — гудранди Маҳмуд амаки гап орасида. — Сизга илгари бир айтган эканлар. "Ўзим айтолмайман", дедилар. Нима десам бўлади, ҳалиги, сизга бир нима келган экан.

Холиёр ёдига тушгандек сўради:

— Қачон кепти?

— Бир ҳафта олдин, дедилар, шекилли, — Маҳмуд амаки гапни буриш учунми, сукут сақламай сўзлай бошлади: — Отангиз жуда яхши одам-да! Олдиларида гурунглашиб ўтирсам, дейман. Яхши-яхши гаплардан айтадилар.

Холиёр дераза тарафга тикилиб ўтириб, у кишининг сўзини тинглади. Деразанинг очик даричасидан нам ҳавонинг ҳиди келарди. Кечаси ёмғир ёғибди. Камроқ ётган бўлса-да, дарахт барларидоғи нам ҳали ҳам кетмай, япроқларни чиройли кўрсатиб турибди. Холиёрларнинг уйда авваллари бир гул бўларди. Отаси уни ошхонада авайлаб ўстирарди. Ёмғир ёғса, шу гулнинг баргларидан томчилаб сув томарди. Отаси, "кўрдингми, йиғлапти", дерди хўрсиниб.

Ҳозир шуларни эслаб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Эсиз, ўша давр, болалик! Энг ажойиб давр. Ғам-ташвишинг ҳам, аламли кунларинг ҳам бўлмайди. Биров хафа қилган тақдирдаям биттагина йиғлаб чиқариб юборасан. Катта бўлавердингми, ҳаммаси бошланаверади.

Холиёр отасининг ўша гул олдидаги суҳбатини аниқ эслар, болалигини энтикиб кўмсар эди...

Ҳарқалай ҳозир текки. Ўтган куни Рустам ойна тутиб турди, у соқолини олди. Ўзиям роса ўсган экан. Кейин Рустам билан қулишиб, хонада қувишмачоқ ўйнашди, иккаласи деразани очиб, пастдаги ўтиб-кетиб юрган қизларга гап олди.

Бугун бўлса Холиёр илк марта йўлакка чиқди, фақат пастга тушмади.

Кундан-кунга китобларда ёзилганидек, "руҳи тетиклашиб боряпти".

Тунов кунги нотаниш қиз яна келиб кетибди. Ким экан у? Ҳамшира узини эслаб қолиш учун бир оз гапга солибди, исмини сўраса, айтмасмиш. Холиёр Норгулнинг юз тузилишини айтган эди, у эмас экан. Ким бўлиши мумкин: "нозиккина, уятчан, қорақўз, қорақош қиз, бирам чиройли". Холиёр у қолдирган мактубни атайин очмади. Ҳозирча сирли бўла қолсин! Кейин ҳафсаланг пир бўлгунча шуниси маъқул!

Ким бўлсам, шунчаки келаётгандир-да кўришга. Хаёл бошқа жойга тўзиб кетди. Ногирон кимса қайси бегонага керак? Лекин муҳими, отаси ясама оёқ олиб келибди. Уни кийиб, шимининг почасини тушириб қўйса, ким қараяпти?

Холиёрнинг кўнглидаги умид учқунлари уни бир оз бўлса-да хурсанд қиларди.

Инсон дунёда аламли аҳволга тушмасин экан, яна ноҳақ енгилса, хўрланса. Қасд ёмон! Олдимда бўлса-ю, бўғиб ташласам, ўлдириб енгил тортсам, дейсан.

Алимов билан ишдан чиқиб кетаётган эди. Кичик йўлакда, қаршисидан қоп-қора бир йигит тўғри юриб келарди. Холиёр илгари ҳам уни бир-икки кўрган бўлса-да, танимасди. Ҳозир нимадир бўлишини кўнгли аниқ сезди, кўнгли сезар экан.

У тўғри келар экан, Холиёр ҳам бораверди. Нима, унга йўл бериши керакми? Ёши каттароқ бўлса экан. Шунда улар бир-бирига қаттиқ туртилиб ўтди.

— Ўв, кўрмисан, тентак? — деган жарангли, хунук овоз бошқаларнинг диққатини ҳам жалб этди.

Холиёр индамай кетиши мумкин эмас эди, ҳеч қачон!

— Ўзинг кўрмисан?! — деди бамайлихотир, аммо юзи бир оз қизарганини сезди.

Шунда бирданига қорнига тепки тушди, биринчи тепки! Мушт урмоқчи эди, Холиёр бошини четга олди. Бир-икки киши югуриб келиб, уларни дарров ажратди. Холиёр энди кетмоқчи эди, у одамлардан юлқиниб, орқасига, бошига мушт туширди. Ҳар қанча ор-номус бўлмасин, Холиёр гарданини ушлаб қолди.

— Ўлдираман сен кўрни, — дерди рақиб юлқиниб.

Одамлар, милиция келмасидан тарқалинлар, дейишар, Алимов бўлса саросимада эди.

— Ҳали кўришамиз, — деди Холиёр Алимовдан қўлини ажратиб олар экан.

Эртасига...

Холиёр у билан баб-баравар ёқалашди. Лекин Ўрол уни каттароқ тош билан уришини қайдан билсин! Қон оқиб кўзини юмьпти, боши зирқираб оғрияпти. Баданига муштлар ёғияпти. Гурс, гурс!

Кейин қачон "ухлаб" қолганлигини билмайди. Лаблари тупроқ, қон, кийимлар афтодаҳол. Шу аҳволда уйига қандай боради?

Холиёрга алам қиларди: демак, Ўрол хуморидан чиққунича урган, тўйиб тепган, кейин бамайлихотир жўнаган. Бу ожиз инсон эса... Ишқилиб юз-кўзида бирор жароҳат изи қолмасин. Чап кўзи шишган шекилли, очиб бўлмапти, бунақа ачишмасди.

Холиёр шунчалик дард ва ғазабда эдики, рақибини ҳозир ўлдиришдан ҳам тоймасди.

Бу ерга қачон келишди ўзи? Ўралнинг ўзи бошлаб келди-я? Ҳўп, майли, эрта бор, индин бор.

...Холиёр Ўролни яна икки кундан кейин кўрди. Ҳозиргача ўйлайди: "наҳот кўрққан бўлсам?"

Йўқ, кўққисдан чиқиб қолгани учун чўчиди, холос. Ўзи ҳам нақ муюлишда сакраб чиқса бўладими?

Унда... нега гапиролмади? Сўзлар шундай бўғзида қолаверди. У бўлса, "эртага сени шу ерда шу пайтда кутаман", дегач, ғойиб бўлди.

Эртасига келиб кутди, кутаверди. Қоронғу тушди. Келмаса бир умр бўлсам кутарди. Шу ердан ҳеч гап бўлмасдан кетса, ўзини ҳақиқий кўрқоқ ҳисобларди. Унинг пойлаб турганини эса билмайди. Бир пайт орқа тарафдан нимадир шитир этди. Бурилиб қарашга улгурмай туриб...

Қайда қолдинг, адолат? Инсоф, сен қаердасан? Ҳозиргача алам қилади. Наҳот номардлик қилганлар енгаверадилар?!

— Дадажон, мен унинг барибир исмини айтмайман, айтолмайман.

— Тушун, Холиёр, у жазоланиши керак. Нимага мунча кийнайсан? — отаси "ух" тортади.

— Болагинам, сенга нима бўлди? Тинчгина юрувдинг-ку! Ким шу мараз, айт, кўрқмагин! Бу ёқда милиция ҳам хуноб, — деб онаси йиғлайди.

— Қўрқоқлик қилсам, айтардим, — Холиёр девор томонга ўгирилиб қолади.

Ўшанда Холиёрга дунё тор кўриниб кетди. Худди кейинги ҳаёти тўхтаб қоладигандек, буёғини тасаввур ҳам қила олмасди. Кўни-кўшни билибди. "Фалончининг ўғлини бир бола калтаклабди"! Билишмайдики, Холиёр кутиб турганида, орқадан келиб таёқ билан ургангани. Қай бирига тушунтирасан?

Қасд ёмон экан. Каллангда чарх уриб, газабингни кўзитади.

Холиёр "йўқ, йўқ" дея қичқирмоқчи бўлар, аммо ўзини босарди. У кўча-кўйда қандай юришини ўйларди. Бу башарасини қандай яшириб юради? Ичидаги жароҳат — номарддан интиқом ололмагани-чи?!

Шундан кейин Ўрол, умуман, кўринмай қолди. Холиёрнинг дилини кемирган алам олов бўлиб қолди...

* * *

Осмонни қоп-қора булут ўраган. Атрофни зулмат эгаллаб, осмоннинг ўзи пасайиб қолгандек кўринади.

Холиёр бугун илк дафъа пастга тушди. Шифохона ховлисида ҳеч ким кўринмас, ёмғир дарагини эшитиб, беморлар палаталарга кириб олган эди.

Баланд дарахтлар остидаги ўриндиқлар устига дамодам хазонлар ёғилиб, устини тўлдирипти. Қуриб қолган япроқлар ёмғир ёғишини билиб қувонгандек, айланиб-айланиб ерга тушади.

"Ҳақиқатдан олтин куз, — ўйлади Холиёр негадир кулимсираб. — Бу сариқ япроқлар олтин фасл деб таърифлашга мажбур этади. Дарахтларнинг шивирлаши эса нимадир айтаётгандек. Ё япроқлар билан хайирлашаётганмикан? Ахир ҳадемай навбатдаги фасл келади. Унинг ҳам номи бор: кумуш қиш. "Кумуш" ҳам бежиз эмас. Табиат мўъжизаси!"

Холиёр бу шифохонада ётиб, хоҳлаб-хоҳламай ўтган кунларини кўз ўнгидан ўтказган эди. Кўп нарсани англаб олгандек бўлди.

"Қандай яшашим ўзимга боғлиқ. Тушкунликка банди бўлиб, азият чеккунча хотиржам хушчақчақ ҳаёт кечирса бўлади-ку!"

Бу ерга қандай тушганини ҳам эслайди. Кейинги пайтларда чап оёғи оғришини ундан бўлак ҳеч ким билмасди. Бир кўни ишдан зўрға оқсаб келиб, ўзини тўшакка ташлади. Ётиб дам олмоқчи бўлди. Уй ичи салқин бўлса-да, уйқуси келмади. Онаси ҳам "бошим оғрияпти", деб ётибди. Дадаси, опаси ишда, укалари кўчада ўйнаб юрибди.

Холиёр газеталарни варақлаб, ўқиб, ухлаб қолибди. Бир пайт уйғониб, қўрқиб кетди:

— Она, она, — деди.

— Ҳм-м, — онаси инграб қўйди.

— Она, оёғим оғрияпти. Қаранг, қаранг, шишиб кетибди, — Холиёр ёш боладай дир-дир титрарди.

Онасининг кўзи тушиб, капалаги учди. У ёққа-бу ёққа югуришди. Дадаси, момоси келди.

— Қорасон бўлмасин тагин! — деди кампир.

Врачлар ҳам қўрқиб кетганидан сўнг Холиёр янада ваҳимага тушди...

Яқинда онаси шифокорлар билан гаплашган экан, "уч-тўрт йиллар олдин бошланган, ярагинг усти битиб, ичи даволанмай, энди кўзгалган", дейишибди.

Онасининг нималар қилгани аниқ. Мактабга бориб, тўппа-тўғри Омоновга учрашган. "Сени прокурорга бераман, сен айбдорсан", деган. Мана, энди Омонов кичкинагина бўлиб ҳар кўни келади, аммо мақсадини баён этолмайди.

Ўшанда домласи чиндан ҳам давр асоратими, қулик нишонасими, нотўғри иш қилганди. "Пахтага чиққан ўлмайди, ҳеч бўлмаса тушгача юрасан, бу яра эртагача яхши бўлиб кетади", деди. Ростдан ҳам оёғидаги ўша яра битиб кетди...

Холиёр Омоновга ҳеч нима дея олмайди. Ўтган ишни эслашинг нима ҳожати бор? Бир-бирини тинч қўйса бўлгани.

Бу ёғи эса... қанақа кўргиликлар бор экан?

Гангрена — оёқ ўлими! Бир инсоннинг ҳаётини шу қадар ўзгартириб юборди-я!

Саодат, ҳа, бир вақтлар Холиёрни севиб қолган Саодат бугун Холиёрни йўқлаб қолган. Улар яқин орада юзма-юз келмаган бўлсалар-да, қиз ёзган мактуб ҳаммасини аён қилган эди. Айёр қиз, фотиҳа тўйи қайтганидан кейин яна Холиёрни йўқлаб қолдимикан? Вақтида Норгулга айтиб, бир қадар соғингани ана шу синфдоши эди. Ҳаётини ўшанга боғласинми? Йўқ-йўқ, кейин... бир умрлик азоб, таъна, маломатлар...

Дарвоқе, Норгул! Ишқилиб Холиёрнинг бугунги аҳволи ҳақида эшитмаган бўлсин! Қувонмасаям "уни муҳаббат кўр қилди", деб айтади...

Холиёрга ошна най садоси гоҳ-гоҳ хаёлида янграб, яна ўша неча юз йиллик ғазал ёдига тушаверади:

"... ушшоқ бахтин қора ёзмишлар"

Энди нима бўлади-а? Наҳот тақдир шу бўлса? Бу қўйга тушиш манглайига аввалдан ёзилган эдимиз? Наҳот, туриши, юриши, хатти-ҳаракатларини тақдири белгилаб қўйган? Наҳот, тақдирдан устун келиб бўлмаса? Йўқ, буёғига ўзи устунлик қилади. Яхши яшайди фақат!

Холиёр осмонга голибона боқди. Кейин аста ўрнидан турди.

Дарахтлардаги қолган хазонларни ёқимли шитирлатиб ёмғир ёға бошлаган эди...

* * *

Кимга тўй, кимга аза!..

— Бу ҳафта мошин бозорига чиқаман, — деди Равшанов сомсани маза қилиб еркан. — "Жигули"ни алмаштирсам бўлмайди... Тузугидан олайн-да менам.

— Пулинг етмайди, жўра.

— Ҳалигилар олиб келган қўйни сотдим. Бироз жамғармам бор. Яна етмаса қўшарсан?

Орага жимлик чўкди...

— Бу ёмғир қачон тинади-я? — деди Зоҳиров ташқарига разм соларкан. — Менга қара, айтгандай, бояги бола нима бўлди? Чикдимиз?

— Йўқ, оёғининг тепа қисмиям чирияпти... — Равшанов иссиққина чойдан хўплаб, бароқ қошларини чимирганича ошнасига тиржайди: — Сен гапни бурма, айт, қанча қўшоласан?..





Зикрилла НЕЪМАТ

Юр, кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга



БОЛАЛИКНИНГ ШҲЛИКЛАРИ

Қани менинг ялангоёқ чопган чоғларим,
Болалигим кенгликлари, гўзал боғларим?!
О, беғубор орзуларим — дил ардоғларим,
Йиллар ўтиб борган сари сизни соғиндим,

Болалиқнинг шўхликлари, сизни соғиндим.
Қий-чув қилиб кўпни тинчтин бузганларимиз,
Анҳорларда балиқ бўлиб сузганларимиз,
Оқшомгача кўча-кўйда кезганларимиз,

Қалбни ёққан ўшал ажиб ҳисни соғиндим,
Болалиқнинг шўхликлари, сизни соғиндим.
О, у дамлар мисли гўзал баёт эдилар,
Меҳрибоним — отам, онам ҳаёт эдилар,

"Эҳтиёт бўл, йиқилмагин, болам!" дердилар,
"Болам!" деган, ўшал азиз сўзни соғиндим,
Болалиқнинг шўхликлари, сизни соғиндим.
Бу ҳаётда кўп йиқилдим, кўп бор лат едим,

Дўстман деган, душманлардан гоҳо панд едим,
Эзуликнинг йўлларидан мудом банд эдим,
Гоҳ суюндим, гоҳ куюндим, гоҳо оғриндим,
Болалиқнинг шўхликлари, сизни соғиндим.

Орзуларнинг оғушида учар эдик маст,
Эвоҳ, энди у кунларни қайтариб бўлмас,
Фақатгина эслаш мумкин ёниб бир нафас,
Юрагимга хотиротдан бир байроқ шлдим,
Болалиқнинг шўхликлари, сизни соғиндим.

БОРИНЧ АЗОБИ

Мен сени қанчалар соғинганимни,
Ҳажрингда ютганим захарлар айтсин.
Сени деб қанчалар оҳ урганимни,
Оҳимдан оқарган сахарлар айтсин.

Сен — менинг кўксимда порлаган моҳим,
Дилимни куйдирган армонли оҳим,
Сени севмасликнинг йўқдир иложи,
Сени севмоқлигим — буюк гуноҳим.

Нетайким, ушбу дам йироқлардасан,
Мен ҳижерону, сен ҳам фиқоқлардасан,
Мен сени изларман узун тунларда
Қалбда умид ёққан чироқлардасан.

Гар мени соғинсанг самоларга боқ,
Бир юлдуз нурларин сочар ёрқинроқ,
Сенга бедор боққан нигоҳимдир у,
Боқар-у васлингга тўйолмас бироқ.

Қачон кезар бўлсанг гул диёрларни,
Ёшлигимиз ўтган чаманзорларни.
Атиргул шаклида кўргайдирсан, ёр,
Қалбимдан тўкилган оҳу зорларни.

Мен сени дегайман борки имконим,
Сен бирла биргадир юрак тугёним.
Билки, қалбим сендан айро тушган кун -
"Қайдасан, ёрим!" -деб узилгай жоним.

Мен сени қанчалар соғинганимни,
Ҳажрингда ютганим — захарлар айтсин.
Сени деб қанчалар оҳ урганимни,
Оҳимдан оқарган сахарлар айтсин.

ЮР КЕТАЙЛИК ЖОНИМ, ЛАБИ ҲОВУЗГА

Юр, кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга,
Унут бу дунёнинг таишиларини!
Томоша қилайлик, иккимиз бирга —
Бунда садоқатнинг оққушларини.

Юр, кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга,
Тонгдан то шомгача суҳбат қурайлик.
Сувда жимирлаган ой-юлдузларга -
Термулганча ширин хаёл сурайлик.

Юр, кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга,
Бир меҳмон қилайлик балиқжонларни.
Сувнинг салқинлари совутсин бир пас,
Соғинч оташида ёнган жонларни.

Юр, кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга,
Ғаму андуҳларинг сув қилиб ичай.

Ҳавас ила боқсин одамлар бизга
Сен учун бу лаҳза боримдан кечай!

Юр, кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга,
Кўл ушлашиб бирга шодон кезайлик.
Умримиз баҳори етмасдан кузга,
Вафо гуллари-ла дилни безайлик.

Юр, кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга,
Юз йилдами бир бор учрашдик ахир!
Нигоҳлар сўзлашса, не ҳоҳжат сўзга,
Ушбу дам юраклар сирлашмоқдадир.

Юр, кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга,
Тошлар ҳам тингласин ишқ тугёнларин.
Ҳижерон кўп, алам кўп, дийдор кам бизга,
Қадрига етайлик висол онларин!
Юр кетайлик жоним, Лаби Ҳовузга...

ВИДОЛАШУВ


Сени йиғлатдимми, кечир азизам,
Қаро кўзларингда халқаланмиши ёш.
Кечир, гар дилингни ранжитган бўлсам,
Мен — ўзин уйлаган худбин, бағритош.

Соғиниб келгандим, ёниб, ўртаниб,
Қалбим қирғоғидан тошиб тугёним.
Мени кўрмоқ сенга азоб эканим —
Ахир қаердан ҳам билибман, жоним!

Қайданам билибман, ишқ деб билганим,
Алдоқ сароб экан, экан бир рўё.
Агарда сен менсиз бахтли бўлсанг,
Олғил, сенга бўлсин, менсиз бу Дунё!

Барча таишилардан озод ва эркин,
Мен севган юрагинг яйрасин, кулсин.
Сендай хур санамни ранжитганимчун —
Оллоҳ мен гумроҳнинг жазоим берсин!

Энди эса хайр, жоним Алvido!
Учрашмасмиз на тун ва на сахарда.
"Эссиз умр!" дея чекканча нидо,
Балки учрашармиз рўзи маҳиарда.



ШАҲРИЁР

КЕЧИККАН ТУЙҒУЛАР

Ҳикоя

У кўпчилик қатори яшарди... Ҳаммадан ҳам оқил-у доно бўлсин деб онаси унга Оқил деган исм берган эди. Ҳар куни эрталаб ишга кетади, кечқурун келгандан сўнг эса, хотини ва болаларининг ширин кулгуси остида бир дастурхон устида овақтланишади. Сўнг хотини дастурхонни йиғиштиради, у эса бошқа хонага ўтиб, телевизор томоша қилади. Шу билан тун ярим бўлади ва ётиб ухлайди. Эртасига яна шу манзара: ишга боради, келади, ухлайди, эрталаб уйғониб яна ишга жўнайди. Ўтаётган ҳар бир кун шу тарзда, бир хил ўтарди.

Оқил тез-тез онасини ўйларди. Бориб кўрмаганига ҳам анча бўлибди. Оқилнинг отаси у ҳали жуда ёш пайти вафот этгандан сўнг, она ёлғиз ўғлига ниҳоятда суяниб қолганди. Балки бу дунёда шу ёлғиз ўғли учун яшарди.

Онаси Оқил учун нималар қилмади. Ўғлини боқиб, уни бошқалардан кам қилмаслик учун она бечора тинмай ишлади, меҳнат қилди, боласининг кўнгли ўксимасин деб ҳаракат қилди. Шунинг учунми, Оқил ҳеч кимдан кам бўлмай ўсди, мактабда ҳам яхши ўқиди. Битиргандан сўнг пойтахтдаги олий ўқув юртидан бирига ўқишга кирди. Бир неча йиллар олдин эса шаҳарлик қизга уйланиб, шу ерга кўчиб келди. Онасини ҳам олиб келмоқчи эди, бироқ негандир у киши келишга рози бўлмади. Турмуш ўртоғи қурган, бармоқ излари қолган уйни ташлаб кетгиси келмадими ёки шаҳарда ўғлига ортиқча ташвиш бўлгиси келмадими, ишқилиб кўнмай туриб олди. Оқил аввалига бунинг тушунолмади. Бир-икки марта онасига шаҳарга кўчириб кетиш нияти борлигини айтди. Бироқ юмшоққина рад жавобини олгандан сўнг эса бу ҳақда бошқа оғиз очмади. Шундан бери онаси қишлоқдаги каттакон, бироқ ҳувиллаб қолган ҳовлида ёлғиз яшайди.

Мана, орадан шунча вақт ўтди. Йиллар Оқилни кўп жиҳатдан ўзгартирди. Дастлаб у моддий аҳволини яхшилаб олди, кейин эса амал поғоналаридан кўтарилиш учун жонини жабборга бериб ишлади. Шунча қилган саёй-ҳаракатлари бекорга кетмади -унинг ишлари юришгандан-юришди. Аввалги икки хонали, ўзига товукнинг катагидай тор кўринадиган уйини сотиб, катта шаҳарнинг ўзига ёққан жойидан ҳовли сотиб олди. Бир эмас, бир нечта қариндошларининг шаҳарга келиб иш ва бошпана топишига ёрдам берди. Бир эмас, учта жиғини

унинг уйда туриб ўқишга кириш учун имтиҳонга тайёрланишди. Оқил аввалига абитуриентларни, кейинчалик талабаларни тез-тез қишлоққа — онасининг олдига жўнатиб, ҳолидан хабар олдириб турар, аммо ўзи камдан-кам борарди.

Албатта, бориб онасини кўриб келиши, иссиқ-совуғидан хабар олиши керак. Бироқ кейинги пайтларда иш кўпайгани учунми ёки... ўзи унчалик хоҳламагани учунми, боролмай қолди...

Оқилнинг ҳаёти осойишта, сокин ва бир изда давом этарди. Аммо шундай кунлардан бирида ғалати воқеа юз берди.

Айни эрта баҳор. Ҳаммаёқ бамисоли ям-яшил гилам билан қоплангандай туюлади. Уйнинг айвонига бир қалдирғоч ин қуриб, бола очибди. Оқил ҳар куни ишга кетаётганда ҳам, ишдан келаётганда ҳам кўпинча битта манзарани: полапонига ҳали у, ҳали бу ташиётган қушни кўрарди.

Ўша куни одатдагидай ишга кетаётиб эса ғалати манзарага кўзи тушди. Қушнинг онда-сонда ҳовлига келиб қоладиган бароқ мушуги айвон устунига тирмашмоқда эди. Она қалдирғоч эса тинмай мушук атрофида айланар, унинг юқорига ўрмалашига қаршилиқ қиларди. Дастлаб, Оқил нега ундай бўлаётганини тушунмади. Айвон тепасидаги қушнинг уяси, ундаги ҳали патлари чиқмаган, қўрқувданми тинмай қалтираётган полапонларни кўргандан сўнггина бу ерда нима бўлаётганига тушунди. Оқилнинг она қушга ёрдам бергиси келди-ю, аммо воқеанинг қандай тугашини кўришга аҳд қилди: "Кўрамиз, қалдирғочнинг оналик меҳри енгармикан ёки мушукнинг нафсимми?"

Бу пайтда мушук аста-секинлик билан бўлса-да, юқорига чиқаётган эди. Она қалдирғоч унинг атрофида чарх уриб айланар, аллақандай зорли фиғон қиларди. У гоҳ мушукнинг баданини чўқир, гоҳ ўткир тирноқлари билан унинг кўзига чанг солишга уринар эди. Аммо бу ҳаракатларнинг барчаси бефойда эди. Мушук тобора юқорига ўрмалар, ўлжасига етай деб қолганди. Оқил бу манзарани қандайдир бир завқ билан кузатиб турарди: "Қойил, мушук ҳам жуда қайсар экан. Ўлжасини олмагунча қўймайди, шекилли...". Она қалдирғоч ниҳоят қаршилиқ бефойда эканлигини тушунди шекилли,



қаёққадир учиб кетди. Унинг бу ҳаракатидан ҳайрон қолган Оқил ахйри полапонларга ёрдам бериш учун жойидан қўзғалди. Мушук эса бу пайтда полапонларга ўткир тирноқли панжасини узата бошлаган эди. Аммо шу пайт Оқилнинг тепасидан бир нима шувиллаб учиб ўтди ва бориб зарб билан мушукка урилди. Зарб кучли эди. Мушук ҳам, унга урилган нарса ҳам ерга қулашди. Оқил шундагина мушукка урилган нарса бояги она қалдирғоч эканлигини кўрди. Юқоридаги ўлжасидан айрилган бўлса-да, ерга оёқлари билан қулаган мушук ёнида чалажон, тайёр ўлжа бўлиб ётган ётган қушни бир амаллаб тишлаб олди-да, девор томонга кетди. Буларнинг ҳаммаси Оқилнинг кўз ўнгидан юз берди. У ҳали ҳам нима бўлганини англашга уринарди: "Қалдирғоч нега ундай қилди? Бу билан ўзини мушукка ем қилди-ку! Наҳотки оддий бир қуш болалари учун шунчалик жон куйдирса? Мен-чи, мен? Наҳотки шунчалик шафқатсизлашиб кетган бўлсам? Мен қушни бу фалокатдан қутқаришим мумкин эди. Аммо бунинг ўрнига унинг қандай қилиб полапонлари учун ўзини ҳалок этишини томоша қилдим. Ҳа, томоша қилдим! Қандай шафқатсизлик! Мен она қалдирғочнинг ўз боласини сақлаб қолиш учун жонини фидо қилганига ҳайратда қолдим. Аммо... ўз онам-чи, у киши ҳам менга ўз умрини бағишламаганмиди?.."

Баногоҳ Оқил онасининг ўзига қилган меҳрибонликлари, эркалалари — ҳамма-ҳаммасини бирма-бир хаёлидан ўтказди. Ўзи касал бўлиб ётиб қолган пайтлари онасининг Худога қилган илтижоларини эслади...

Оқил меҳрига зор онасини бориб кўришга вақт тополмагани учун ўзини койий бошлади: "Мен ҳозир ҳалок бўлган она қушга ачинапман. Лекин узоқ бир қишлоқда менинг дийдоримга муштоқ бўлиб яшаётган онамга нега ачинадим? Буни нима деб аташ мумкин, бемехрликми, тошбағирликми? Эҳ, тошюрак... Шунчалик тубанлашиб кетдимми?.. Болам учун елиб-югуриб ишладим, тер тўқдим. Хотинимга бири-биридан қиммат кийимлар олиб бериб, уни хурсанд қилдим. Кимларнингдир оёғи остига қўйлар сўйдим. Кимларгадир ширин гапириб, кўнглини овладим. Аммо ўз онамдан, мени бу дунёга келтирган, бор меҳрини менга берган онамдан бир оғиз ширин сўзимни қизғандимми? Бирон марта унга "онажон, бу сизга", деб кичкинагина бўлса ҳам совға олиб бордимми? Совға майли, ширин сўз майли, охири марта қачон онамни кўришга бордим ўзи? Ҳатто бормаганимга қанча вақт бўлганини ҳам билмайман. Балки олти ой, балки бир йил... Буни қарая, онамни шунчалик яхши кўрганимдан, қанча вақтдан бери бормаганимни ҳам эслай олмайман. Эсимда қолгани, бир борганимда онам: "Мазам йўқ, тез-тез хабар олиб тур, болам. Беш кунлигим борми-йўқми, сенгаям ганиматман... Тиригимда хабар олиб тур, ўлигимда бошимда турсанг бўлди, Оқилжон", деганди. Ўшанда нима дейишимни билмай, индамасдан хонадан чиқиб кетгандим..."

У анча вақт ўйчан туриб қолди. Узоқ ўйлади. Ниҳоят қатъий бир қарорга келди. Тезлик билан уйга кириб нарсаларини йиғиштира бошлади, ҳатто ҳайрон бўлиб қараб қолган хотинига ҳам ҳеч нарса демади. "Мен энди нима қилишим кераклигини биламан. Ҳозироқ онамнинг олдига бораман, у кишини уйга олиб келаман, ҳаммамиз бирга яшаймиз. Агар онам кўнмаса, хотин ва болаларни олиб ўша ерга мен кўчиб бораман. Шаҳари ҳам қуриб кетсин, ундан кўра қишлоқда деҳқончилик қиламан. Ўзим, болаларим ёки хотин қийналса ҳам, ҳечқиси йўқ, кўникиб кетишади. Энг муҳими — онам ёнимда бўлади. Ҳа, ақлим кеч кирди, қалбимдаги туйгулар кеч уйғонди. Аммо уйғонди. Агар бир умр шу алфозда ўтиб кетсам нима бўларди? Шундай экан, ҳечдан кўра кеч яхши..."

Оқил тобора қилаётган ишидан мамнун бўларди. Машинасини ўт олдирагани хотинига қишлоққа — онасининг олдига кетаётганини айтди. Хотинининг "Мунча шошпасиз? Нима гап ўзи? Тинчликми?" деган саволларини жавобсиз қолдирди.

Катта йўлда машинасини қушдай учуриб кетаётган Оқил уйга борса онасининг қандай хурсанд бўлиб кетишини хаёлан тасаввур қиларди: "Онам кўпинча дарвозанинг олдида ўтирарди. Бугун ҳам ўша ерда ўтирган бўлса керак. Оқилжон келиб қолади деб, йўлимга кўз тикиб ўтиргандир. Мен боряпман, онажон! Бемехр ўғлингиз сиз томон боряпти!.."

Борсам онам қандай аҳволга тушар экан... Мени кўриб, қувонганидан кўзига ёш келади. Мен эса югуриб бориб, уни қучоқлаб оламан. Онам анчадан бери келмай қўйганимни айтиб мендан ўпқаласа керак. Мен эса энди доим ёнида бўлишимни, ҳеч қачон ташлаб кетмаслигимни айтаман. Онам роса хурсанд бўлади..."

Оқил шу каби бир-биридан ширин хаёллар билан кетаётган бир пайтда, унинг уйига кўнгироқ бўлди. Кўнгироқ қилган одам салом йўқ-алик йўқ, ўзининг кимлигини ҳам айтмасдан, эрталабдан бери телефон қилаётганини, аммо ҳеч ким жавоб бермаётганини айтиб, Оқилни сўради. Шундоқ ҳам эрининг ёв қувгандай кетиб қолиши туфайли жаҳли чиқиб турган Оқилнинг хотини, бирон илтимоси бўлса керак, деган хаёлда зарда билан эрининг уйда йўқ эканлигини, шошилишча қишлоққа кетганлигини айтди. Бу гапларини эшитган ҳалиги одам аёлни ҳайрон қолдириб, бирдан хўнграб йиғлаб юборди ва Оқилнинг онаси бугун саҳарда, қайта-қайта ўғлини сўраб жон берганини айтди...

ШАҲРИЁР — Шаҳриёр Турғунбоев 1990 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетининг талабаси. "Ёшлик"да илк бор чиқиши.



Дилафрўз ЧОРИЕВА

Мен ёнишини истаган гулман



Мен ёнишини истаган гулман,
Тошни-да шамдайин йиғлатиб туриб.
Кўксимни кўклардан қизганаянман,
Ишқнинг лабларида мангу ин қуриб.

Мен ёнишини истаган гулман,
Дудогига бокира майларни кўмиб.
Руҳим дарёлари кезар асдвбанд,
Яшаянман энг сирли маржони бўлиб.

Мен ёнишини истаган гулман,
Гамнок кўчаларда кадарлар ютиб.
Кўнглимни қучоқлаб тониб боряпман,
Вафонинг чинордек бўйлашин кутиб.

Мен ёнишини истаган гулман,
Кўксингиз деб сингиб ернинг бағрига,
Дард борин бешикка солдим овутиб.
Изтироб бош қўйди ишқнинг сағрига.

АЗИЗИМ!

Азизим!
Тор дунёда бизлар кенглик қилайлик,
Юрагингда топдим етти дунёни.
Саодат нуридин сабот сўрайлик,
Ишқ юзига чиммат қилиб ҳаёни.

Азизим!
Қадр кечасин кутган малакдай,
Йўлингга боримни садқа жон қилдим.
Кўнгилда бўйлаган олий тилакдай,
Қалбинг эҳромига нурдек тўкилдим.

Азизим!
Хайлотнинг хилват кўчаларида,
Изларингни териб кўзим толади.

Матонатнинг дилхун кечаларида,
Ҳижрон бошим узра рўмол солади.

Азизим!
Тушларимга тушов сололмаянман,
Ёдингни-да ювиб кетсайди сувлар.
Нечун ишқ майидин кечолмаянман,
Девона кўнглимга бегона совлар.

Ой — кўкни бадарға кезади юрак,
Сенинг ишқинг ила тунларим бедор.
Қишдаги дарахтдек тоймирда қоним,
Музлаянман беун, ёноқда озор.

Ё Раббим, бу нима келишу-кетиш —
Ёлғончи дунёнинг совуқ сурати.
Умрим ўлчаб борар қадамлар дилхун,
Қайда қолди қирқта жоним қудрати.

Майли ёнса бир гул ёнибдида, ёр,
Ҳали сен кўрмаган бир тушми парво...
Сочилган кулман-а, қабр қилди ор,
Бўлдим мен, ўзи йўқ дарди бедаво.

Кўзларимга ёлғон кўзлар қўйиб олдим,
Сўзларимдан ёлғон сўзлар ўйиб олдим.
Тун сочиға тақилди дилим пораси
Нетай ҳариз ёлғон ишқинг бирла ёндим.

Умримни орқалаб боради азоб,
Гуноҳлар рақсида эзилган қумман.
Иймон хилқатининг устлари юпун,
Инсоф тилин тишлади, мен ҳамон жимман.

Юракни оғритди отилган ўқлар,
Бардош садоқларим бормоқда тўлиб.



Йиғлатиб кўряпти кўзлари йўқлар,
Ғашдилни йўрғаклаб, юрибман кулиб.

Энг гўзал қўшиқни айтмадим ҳали,
Энг ширин бахтларни тотмадим ҳали.
Сабр сойларида оқай, Оллоҳим,
Мезбон бўлиб отамни кутмадим ҳали...

Тақдирнинг оқ йўли сочга туташар,
Алам улоқларин майдони бошим.
Беором кўнглимдан дунёси безса,
Самовот мулкига босарми тошим.

Юрагинг руҳимга отганди илдиш,
Жоним титроқлари — хастадил япроқ.
Тунларни қаритиб келянман сенсиз,
Кўҳна армон этагига бўлиб ямоқ.

Қорлар ёғар менга чимириб қошин,
Нигорингга элтиб оппоқ либослар.
Ўраб қўйди қара, ишқимиз бошин,
Нечун бу азадан чиқмайди саслар?!

Мен сенинг кечангман, сен менинг эртам,
Фақат бу умримиз ҳижрон тушлари.
Кўзларимда соғинч қолди бир тутам,
Парвоз қилар бетин оппоқ қушлари.

Мени бахтсиз қилган ишқимиди, бахтим,
Юрагим самони опичлаб турар...
Бошда тожим йўқ ёр, ё олтин тахтим.
Мендек малика йўқ кўнглини сўрар.





Зиёдилла ХИДИРОВ,
ўқитувчи

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА ХАЛҚ ИРОДАСИ

Кўпчиликка яхши маълумки, ўрта асрларда дунёнинг қатор мамлакатларида мутлақ монархия ҳоқимияти қарор топиб, унинг манбаи илоҳий, харизматик шахс бўлган. Унинг ҳоқимияти асосан чекланмаган, у бирон-бир одам, куч, халқ олдида ўз идора ва бошқаруви оқибатлари учун юридик жавобгар эмас, ҳеч кимнинг олдида ҳисоб бермайди деб қаралган. Фақат янги даврга келиб, масалан XVII асрда Буюк Британия, XIX-XX асрлар оралиғида Испания, Бельгия ва баъзи бошқа мамлакатларда чекланган монархия ҳоқимияти вужудга келди.

Айни пайтда, формал-мантиқий, қонунчилик нуқтаи назаридан халқнинг давлат ҳоқимиятини амалга оширишда иштирокига йўл қўйилмагани билан давлатларнинг вужудга келиши, давлат ҳоқимиятининг турли тарихий, миллий-этник, конфессионал-теократик, ҳатто ирқчи, фашистик ва коммунистик шаклларида ҳам халқ оммаси иродаси, руҳияти, талаблари доимо таъсир ўтказиб келган.

Шу маънода, Шарқ мамлакатларида, хусусан Хоразмшоҳлар давлатининг қарийб 235 йилдан ортиқ даврида давлат ҳоқимиятини амалга ошириш, идора қилиш ва бошқариш усуллари олиб боришда халқ иродаси, руҳиятининг намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Албатта, Шарқ мамлакатларида давлат ҳоқимияти амалга оширилишида халқ иродаси намоён бўлишининг қатор ўзига хос шакл, воситалари вужудга келган.

Жумладан, муайян сулола вакиллариининг давлат ҳоқимиятига келишида халқ оммасининг амалдаги ҳоқимиятдан норозилик кайфияти жуда ката роль ўйнаган. Масалан, Маъмуний хоразмшоҳларнинг тахтга ўтиришини олайлик. Бунда қадимги Хоразмда азалдан ҳукм суриб келган Афригий хоразмшоҳлар сулоласи ҳоқимияти анъаналарига Хоразм халқининг барча қатламлари содиқлиги, ватанпарварлиги, миллий озодликка интилиши, қадимги Хоразмшоҳлар давлатини тиклашга интилишлари, кайфияти ва иродаси ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги шубҳасиз. Урганч амири Муҳаммад ибн Маъмун бутун Хоразм халқи қўллаб-қувватлашига таяниб шимолий ва жанубий Хоразмни бирлаштирган, анъанавий "Хоразмшоҳ" унвонини қайтадан тиклаб, ўз сиёсатини олиб борган.

Кейинчалик Салжуқийларнинг Хоразмдаги волийлари, хусусан Султон Санжарнинг ўзи ҳам Хоразм халқи иродасини ҳисобга олиб, Ануша Тагиннинг ўғли Қутбиддин Муҳаммадни Хоразм муқтадори этиб тайинлаган ва "Хоразмшоҳ" унвонини қабул қилишга йўл қўйган.

Қолаверса, Хоразмшоҳлар сулоласининг тахтга келиши, ўз ҳоқимиятини қўлда сақлаб туришида салжуқ-туркман, Ўғуз, Бекдилли, Баёт қипчоқ уруғлари иштироки ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги тарихий манбалардан яхши маълум. Айни туркий уруғлар, Салжуқ-Ўғузлар ва Қипчоқ уруғлари ўртасидаги ўз нуфузлари, шаъни учун курашганлар, халқ иродаси Хоразмшоҳлар давлатининг юксалишида ҳам, ҳалокатида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Бундан ташқари, Буюк Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топишида халқ иродасининг асосий ифодачиси бўлган ислом руҳонийлари, шариат қозилари, фақиҳлар, уламолар, мударрислар, талабалар, тасаввуф вакиллари ҳам катта ўрин тутганлар. Улар: 1) Хоразмшоҳларнинг ислом, шариат қонунлари нуқтаи назаридан легитим тарзда ҳоқимиятга келиш, тахтга ўтириш маросимларига раҳбарлик қилганлар, амалга оширганлар; 2) давлат ҳоқимиятини ислом, шариат қонунлари асосида амалга оширилишини таъминлаганлар; 3) ҳуқуқ тартиботи, суд, тафтиш ва жазони амалга оширишда асосий роль ўйнаганлар; 4) керак бўлса, Хоразмшоҳ ҳоқимиятини ҳимоя қилиб, ҳатто Халифага қарши фатво берганлар; 5) Хоразмшоҳ, Туркон Хотун маъмурларининг аҳолига зулми, бедодлигига қарши, инсонийликка қарши кирдикорларини чеклаб қўйиш даражасига таъсир кўрсатганлар (Мажиддин Бағдодий масаласи); 6) қолаверса, айни шариат уламолари, қози юл-қуззот Хоразмни мўғуллар ҳужумидан ҳимоя қилиш, курашнинг ташкилотчиси, илҳомчиси, раҳнамоси, ватанпарварлик рамзлари бўлиб қолганлар (Мас., шофеийлар имоми Хевақий, Ҳанафий имомлар, Нажмиддин Кубро ва бошқа азиз сиймолар).

Қолаверса, Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар илоҳий нуфузи билан мустаҳкамланган раъият фикри, аҳли сунна ва жамоа иродаси, муносабати деган, ҳозирги тилда жамоатчилик фикри деб аталадиган жамоатчилик

институту ҳам мавжуд бўлганки, ҳар қандай Шарқ мустабид ҳукмдори, шу жумладан Хоразмшоҳлар айнан ана шу кучдан эҳтиёт бўлиб сиёсат юргизишган, у билан ҳисоблашиш мажбурияти остида бўлганлар.

Халқ билан, жамоатчилик фикри, иродаси билан ҳисоблашишнинг зарурилиги Чингизхоннинг Ўтрорда элчи ва савдогарлар қарвони таланганидан сўнг Хоразмшоҳга ёзган элчилик номасида қуйидагича ўз ифодасини топган: "Сен савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улардан ҳеч қайсисига ҳужум қилмаслик тўғрисида муҳринг босилган ҳужжатни юборган эдинг. Лекин сен аҳдинга вафосизлик қилдинг, берган сўзингни буздинг, ўз сўзида турмаслик ёмон, айниқса, мўминлар султонининг хиёнаткорлиги янада оғир. Агар сен бу иш менинг буйруғимсиз, Инолхон томонидан амалга оширилган деб ҳисоблайдиган бўлсанг, у ҳолда Инолхонни менга бер, уни жинойткорона иши учун жазолайлик, шу тариқа оломонни тинчитиб, қон тўкилишининг олдини олайлик. Акс ҳолда — уруш".

Халқ фикри, хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашишнинг яна бир кўринишини Насавий Жанд шаҳрида вазирлик қилган Нажибиддин аш-Шаҳризурий — "Ал-Қиссадор" фаолияти билан боғлиқ мисолларда кўрсатиб берганлар. "Ал-Қиссадор" деб ҳафта мобайнида турли хил аризалар ва шикоятларни йиғиб олиб, Султонга етказиб берувчига ҳамда ундан тегишли жавобларни олувчига айтилади. Султон одатда шикоят ва аризаларни Жума оқшомида кўриб чиқарди".

Мазкур Жанд вазири Нажибиддин ўзининг тўрт йиллик фаолияти давомида "зулмни оширди, атрофидагиларга, фуқароларга адолатсизликлар қилди. Унинг даврида одамлар пати олинган товуқ ёки қинидан чиқарилган қилич мисол яланғочландилар, гўё суви сиқиб олинган тошга айландилар".

Султон Жалолиддин Бухорога йўналаркан, Жанд орқали ўтганда унинг олдида Вазир устидан арз-шикоят қилиб келдилар: "... одамлар уни бўлаётган воқеалардан хабардор қилишга шошилдилар ва унинг олдида учинга шайланган қушлар, Ҳажга йўл олаётган қарвонлар мисол шовқин солиб чиқдилар. Чунки (яъни, Вазир) кимнингдир мол-мулкни тортиб олиб, болаларини қувгин қилгани, бошқа биттасини эса мерос мулкидан маҳрум этгани. Шу тариқа уларни оғир аҳволга солиб, сабр косасини тўлдиргани... Султон одамларга уни гулханда ёқишни буюрди ва унинг қўли билан норозиликлар алангасини ўчиришни ният қилди. Аммо, у (Вазир) яширинди, топиша олмади". Насавийнинг бу хабарини бошқа тарихий манбалар шохидликлари билан қиёсан таҳлил қилинса, Вазирнинг жазосини беришни Султон Жалолиддин халқнинг қўлига топширганлиги ҳақида хулосага келиш мумкин.

Ҳатто, Насавий, Султон Жалолиддин уни Эрон Озарбайжонда баъзи элчилик топшириқларини бажаришга юборганда, Исфаҳоннинг Син қишлоғига борганимда, деб ёзган эди у, "унинг бир қанча Ҳожиблари ҳузуримга келиб, тўхтаб туришимни маслаҳат беришди. Негаки Исфаҳон аҳолиси мен билан учрашувга тайёрланиб улгурмаган экан".

Демак, нафақат Олий ҳукмдорлар, Хоразмшоҳлар сулоласи вакиллари, амирлар, сипоҳсоларлар, ҳожиб, тархонлар, ҳатто ўрта даражали мирзо, вақтинча элчи этиб юборилган мансабдорлар ҳам халқнинг аҳволи, шарт-шароити, хоҳиш-истаги билан керак бўлса ҳисоблашиб ўз фаолиятларини, идора ва бошқарув усулларини олиб борганлар.

Айни пайтда, Хоразмшоҳлар фақат хоразмликлар, ўз қавм-уруғларининг хоҳиш-истаги, фикри ва иродаси билангина эмас, балки Салтанат таркибига кириб, унинг ҳимоясида бўлган бошқа миллат, диний жамоалар мададига ҳам таянганлар, уларнинг хоҳиш, истақлари, ирода-ихтиёрлари билан ҳисоблашганлар. Бу борада Насавий Султон Жалолиддиннинг исмоилий-алавий бидъат мазҳаб, террорчилар билан шарт-шароит тақозосига кўра иттифоқчи, ҳамкор бўлганлиги билан боғлиқ қуйидаги муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган эди. "Наҳотки, Султон бизни ҳар икки шароитда ҳам — қувончли ва мусибатли кунларимизда, тўқчилик ва йўқчилик пайтимизда ҳам муносабатларимизни синовдан ўтказмаган бўлса? Ахир, Султон Ҳиндистонда пайтида, Синд дарёсидан кечиб ўтганидан кейинги оғир шароитда бизнинг одамларимиз ҳам унга хизмат қилмадими? Ахир Улуғ Султонга содиқлигимиз ва унга бўлган муҳаббатимиз туфайли унинг душмани Шихобиддин ал-Фурийни бизлар ўлдирмадикми?". Булар ҳам Хоразмшоҳлар давлати халқи, фуқаролари, уларнинг хоҳиш-истагини ҳисобга олиш намунаси эди!

Мўғуллар аста-секин ўз ҳокимиятларини Қоғқоз, Эрон, Табризда ҳам мустақамлай бошлағач, табризлик баъзи кишилар мўғулларга яхши кўриниб, шу билан ўзларини улар нафратга, ғазаби, қирғинидан омон сақлаш учун шаҳардаги хоразмликлар, уларга қарашли бўлган одамларни таъқиб, қувғин қилиб ўлдириш пайига тушганлар. Бундай ҳаракатларга Тугрой вазирликдан тушгач, ўрнига вазир этиб тайинланган Баҳоуддин Муҳаммад ибн Башир Ёрбек ва бошқа вазирлар ҳам қўшилдилар. Баҳоуддин ҳам қора халқ орасидан етишиб чиққанлардан бири эди. Лекин ат-Тугрой уларга бундай қилишга йўл бермади, айрим кимсалар ўйлаб топган бу жирканч ишнинг амалга ошишига тиш-тирноғи билан қарши чиқди. У бировларнинг қонини тўкмоқчи бўлган, яхшиликни бадном этишга уринган қора кучларга қарши чиқди, хоразмликларни ҳимоясига олди. Бир гал оломон ғалаён кўтариб, аҳолига ёмонлик қилган хоразмликни ўлдирганида, унинг ўзи майдонга чиқиб, қора кучларнинг иккита етакчисининг бошини кесдириб, уларнинг майитларини кўчга ташлашни буюрди. У буни халқ ҳимоячиси ва валинеъматини Султонга қарши қаратилган иш деб эълон қилди. Шу тариқа катта хунрезликларнинг олди олинди. Бошқа шаҳарларда эса қон дарё сингари оқди, пул ва бойликлар беадад таланди.

Кўриниб турибдики, халқ оммасининг ўз иродаси, хоҳиш-истаги билан Хоразмшоҳлар давлатини, унинг идора қилиш ва бошқариш усулларини қўллаб-қувватлаши бир томонлама жараён бўлмай, ўз навбатида давлат ҳокимияти идора ва бошқарув муассасалари маъмурлари, мансабдор арбобларининг халқ хоҳиш-истаги, иродаси билан ҳисоблашишга мойиллиги, узоқни кўзлаб, ижтимоий адолат, инсонийлик, қонунчиликни изчил ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатни юргизишлари талаб этилган, амалда шундай ҳам бўлган.

Ана шу йўл билан ат-Тугрой каби илғор фикрловчи, виждонли ва юксак давлат масъулияти соҳиби бўлган арбоблар кенг халқ оммаси барча табақаларининг меҳришончини қозонган. Энг қалтис шарт-шароитларда ҳам, ҳатто Султон Жалолиддин умидсизликка тушган онларда ҳам халқ унинг ҳузурига умид, ишонч билан сизиниб, юкиниб келган, мадад сўраб келган, топшириқ ва буйруқларини сўзсиз бажарган.



Халқ билан ҳатто энг қалтис тўполон, исён кўтарилган онларда, масалан Ганжда Бандар номли одам етакчилигида кўтарилган исён чоғида ҳам Султон Жалолиддин ўзини, ақли-шуурини йўқотмай, руҳи тушмай, васвасага берилмай, Насавий ва Ҳожиб ал-хос Хонбердини исёнчилар олдига музокаралар олиб бориш учун, "уларни итоатгўйликка чақириш... бўйин эгмасликнинг оқибати ёмонлик билан тугашидан огоҳлантириш..." учун юборган. Насавий ва Хонберди Ганжа атрофида бир неча кун бўлиб, исёнчилар билан музокаралар олиб борганлар, адолатсизлик, зўравонлик эшигини очиш ҳалокатли, ёмон оқибатларга муқаррар олиб келиши ҳақида уларни огоҳлантирганлар. "Ҳақиқатан, кураш йўлига кирган одам, — деб ёзади Насавий, — сабр-тоқатли бўлмоғи керак. Ким курашда тинчлик йўлини тополмаса, унинг ўйлашга ва йўл танлашга имкони бўлса, қийинчиликлар билан тўқнашув, жанг бошлаш олдидан бошқа йўллари ҳам излаб кўриши зарур. Шу сабабли итоат қилмайдиганлар охир-оқибатда қандай ёмонликларга дуч келишлари ҳақида ўйлашлари лозим. Низолар ҳамиша кўздан уйқуни, танадан қалбни, инсондан мол-мулкни ажратишга қаратилган. Шунинг учун хавфли ишларга қўл урмаслик, кўнгилсиз воқеаларга интилмаслик керак".

Бироқ, тартиб-интизом, адолат тизгинидан чиққан Бандар бошчилигидаги исёнчи оломон, огоҳлантиришларга қарамай, Султон кўшинига ўқ узиб, ҳужум уюштирган. Шунда Султон Жалолиддин ўз кўшини билан уларни енгиб, Ганжага кирган. Лашкар Султондан шаҳарни қатли ом қилишни талаб этган. Лекин Султон бунга йўл қўймай, Ганжа аҳолисининг баобру, бой ва таниқли кишиларини, руҳонийлар, барча табақа вакиллариини ўз ҳузурига таклиф этган. "У улардан бу галаёнларни келтириб чиқарганлар ва унда иштирок этган йўлбошчиларнинг исми шарифларини ёзиб беришни талаб қилди. Улар ўтгизта одамнинг номини ёзиб беришди. Аслида исёнда кўплаб одамлар қатнашган эди, исёнчилар сафида яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам бор эди. Ғаламислар ўз сафига давлатга зиён етказганларни ҳам, унга фойда келтирганларни ҳам қўшиб олгандилар. Бу оломон эди, у подага ўхшарди. Бу оломондан биттаси қолган мингтасини орқасидан эргаштириши мумкин эди". Султон Жалолиддин уларни адолатли жазолаб, Ганжа халқининг ўз ҳокимиятига ишончи, мададига эриша олди.

Хоразмшоҳларнинг ҳар бири қаерда бўлмасин, Хоразмнинг ўзидами, Туркистон, Ўзганддами, Термиз ёки Марвдами ёки Эронда, Қофқозларда, Хиндистондами, биринчи навбатда, беқиёс жасур, қўрқмаслиги, ҳарбий-сиёсий ақл-заковати, иродасининг зўрлиги, адолатпарварлиги, камгап, босиқлиги, камтарликлари билан атроф халқнинг катта ва самимий ҳурматига, ҳатто душманларининг ҳам хайрихоҳлигига, меҳр-оқибатига эриша олганлар. Қутбиддин Муҳаммад, Отсиз, Эл-Арслон, айниқса Такаш, Алоуддин Муҳаммад ҳамда Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ, онаси Туркон Хотун ҳам жасурлиги, ҳам оқил, тadbиркорлиги, адолатпарварлиги, ҳам ватанпарварлик сифатлари билан кенг халқ оммаси

меҳр-муҳаббатини, чексиз садоқатлигини қозона олганлар. Бунинг устига, улар ўз даврининг энг ўқимишли, диний, ислоний илмлар, араб, форс, қадимги туркий шеърятидан хабардор маърифатпарвар, адолатпарвар ҳукмдор бўлганликлари учун халқнинг чуқур ҳурматига эришганлар. Бу эса бутун Буюк Хоразмшоҳлар давлати юксалиш, гуллаб-яшнаш, инқирозга учраш давларида Хоразмшоҳларга хос фавқуллода давлат харизмасининг юқори даражада бўлишини, демак уларнинг ижтимоий-сиёсий, қонуний-шаръий ва маънавий-ахлоқий замини чуқур, мустаҳкам, барқарор бўлишини таъминлаган. Ҳатто, Хоразмшоҳларнинг у ёки бу сиёсий хатти-ҳаракатида кўрсатган фавқуллода салоҳияти, бирор илм ёки санъатда кўрсатган мўъжизавий қобилиятлари ҳақида афсона, ривоятлар тўқилишига олиб келган.

Хоразмшоҳ Такаш буюк давлат арбоби, қўмондон бўлиши билан бирга, санъатни яхши кўрган, ҳатто Уд мусиқа асбобини чалиб, куй ижро қилишда беҳад моҳир бўлган. Тарихчи Субкий хабарига кўра, бидъат мазҳаб исмоилиларнинг фидойи (террорчи) қотили, уни ўлдиргани Такаш ҳузурига хокисор дарвеш сифатида кириб борган. "Қотил унинг ҳузурига ўтирганда Такаш Уд асбобида куй ижро этиб, "Мен сени билиб олдим, жонингни кутқару-қоч!" деган мисрали кўшиқни ижро этган. Исмоилий-фидойи қўрқиб кетган, дарҳол яширинишга, қочиб қутулишга уринган, бироқ тез орада тутиб келинган, Хоразмшоҳ ҳузурига келтирилиб, қатл этилган".

Ёки Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг 1207 йили Қора Хитойлар билан бўлган муваффақиятсиз жангда асирга тушиб қолиши, бандиликдан мўъжизакор тарзда қутулиши ҳақидаги ривоятлар бизгача етиб келган. Бу ривоятлар аслида тарихан Хоразмшоҳнинг жуда уста, зукко ва моҳирона тadbиркорлиги оқибатида ҳақиқатда содир бўлган асирликдан озод бўлиш ҳодисасини буюк тарихчилар — Жувайний, Мирхонд, Ибн ул-Асир, Ибн ас-Са'ий, Ибн Халдун ва бошқа ўрта аср муаллифлари тасдиқлайдилар. Бундай ярим чин, ярим ривоят хабарлар ҳатто Султон Жалолиддин тириклигидаёқ, вафот этганидан сўнг ҳам халқ орасида пайдо бўлганлиги, кенг тарқалиб кетганлигини Насавийнинг куйидаги шохидлиги яққол ифодалайди. "Мен Султон мамлакатларидаги қайси уйда бўлмай, — деб ёзган эди Насавий, — қайси жойда яшамай, ҳамма ёқда халқ Султоннинг ҳаёт экани, кўшинларини йиғаётгани, тоторлар устига юриш бошлашга тайёрланаётганлиги ҳақида гапирётганини эшитдим. Булар Султонга бўлган муҳаббат, эътиқод, садоқат туфайли туғилганди".

Демак, бутун ўрта асрларда жамият, халқ ва табақалар Хоразмшоҳларга бевосита мадад кўрсатиб, ўз хоҳиш-истаги, иродаси билан қўллаб-қўватлаб қолмай, уларга, айниқса Султон Жалолиддин Мангубердига ўз садоқатини билдириб, катта ижтимоий замин, мадад бўлиб хизмат қилган, улар тимсолида фидойи қаҳрамонлар сиймосини кўрган ҳамда ватанимиз, халқимиз, миллий давлатчилигимиз учун омонсиз курашлар олиб борган...



Жўрабек ЖАНГИРОВ



Мен шунчаки севмадим

Жўрабек Сурхон воҳасининг Кумқўрғон туманида туғилган. Осмонида юзиб юргувчи гарам-гарам оқ булутлари Термизий боболарнинг руҳини эслатувчи, тупроғи қатлам-қатлам ҳикмат ва ҳадисдан иборат бу сарзаминда ҳали элу юртимизнинг шаъну шавкатини юксалтирувчи кўп истеъдодлар туғилиши табиий.

Жўрабек шеърятга жўра тутишибди, унинг бу ошнолиги — ҳақиқий дўстликка, чин қисматга айланмоғига илк шеърлари кафиллик бериб турибди. Бу дўстлик сотқинликни, фирромликни кўтара олмаслигини шоир укамиз ҳозирданоқ англаб, тушуниб бормоғи керак. У айни пайтда Миллий Университетда талабаликнинг илк паллалари гаштини суриб, имтиҳонлар чилласини бошдан кечиряпти. Ойлар, йиллар ўтиб, катта шоир бўлиб кетса, демак, чеккан ранжу меҳнатлари рост эканлигига ҳаммамиз амин бўлғаймиз.

Бахт ва Омад Жўрабекнинг ҳамширалик дўсти қадрдони бўлсин!

Сирожиддин САЙИДИ

* * *

Тун.
 Тиқ-тиқ.
 Деразамни чертиб,
 Ийғлайди ёмғир.
 Нимадир демоққа,
 Жуда ҳам интиқ.
 Қулоғимни тутаман.
 Секин:
 — У қиздан нари юр.
 — У қиздан бекин.
 Қулоғимга шивирлар.
 Ёмғир:
 — У қизга ишонма.
 — У қиз тош бағир.
 Ойнани ёпаман оҳиста.
 — Нега ишонмайсан.
 — Нимага ахир.
 Ойнам ёпиш олди
 айтган сўзи шу.
 Тагин чертиб-чертиб,
 нелар дерди у...

Тонг.
 Ҳамон ойнам чертиб,
 Ийғлайди ёмғир.
 Қулоқ солмай қўйдим
 Бу оҳу-зорга.
 Кўчага отландим,
 Қайғалиги сир.
 Ёмғир ўғит қилди,
 Айланиб қорга:
 — Ишонма.
 — Ишонма.
 — Сен у дилдорга.
 Учрашувга бордим,
 Мен кечикиб сал.
 Кечикиш ҳар нени
 Қилиб қўйди ҳал.
 Энди бошим узра
 ёғар эди дўл.
 — Баттар бўл.
 — Баттар бўл.
 — Баттар бўл.

* * *

Энди бошқа севмайман,
 Қулганимни кўрмайсиз.
 Сизсиз яшай олмайман,
 Менсиз сиз ҳам ўлмайсиз.

 Сен тупроқ деб, сен деб лой,
 Бойларга осиласиз.
 Мен севгининг меваси,
 Сиз қандай ҳосиласиз?

 Еганим пешона тер,
 Кийганим бел дастаси.
 Онамга оберганим,
 Юрагининг хастаси.

Отамга совға қилдим,
 Сочидаги оқларни.
 Эсдан чиқариб қўйдим,
 Кетмону ўроқларни.

Сиз деб уйланмай юрсам,
 Уйнатибсиз сиз бизни.
 Онам хўнг-хўнг ийғлади,
 Узатиб қўшни қизни.

Бу кун пулим тугади,
 Зираги ҳам онамнинг.
 Хиёнати бошланди,
 Сиздек содиқ санамнинг.

Ҳали менинг кимлигим,
 Бир кун билиб оласиз.
 Қувончлардан энтиксам,
 Шунда ўлиб қоласиз.

* * *

У ёқларда шеър ёзмасдим мен,
 Ҳатто чумолича чиқмасди сасим.
 Тангрим мени юборди ерга,
 Сенга тушиб қолгач ҳавасим.

Сен жисимга қадама нигоҳ,
 Ижарага олганман уни.

Жаннатлардан воз кечдим, эй моҳ,
 Гузаллигинг кўрганам кун.

Раиқ қилиб хурларим қўймасди,
 Тўсибон сен томон йўлимни.
 Ул боқий дунёдан отландим,
 Бўйнимга олдим улимни.

Ўламан. Унгача билмадим,
 Насиб этадими висолинг.
 Мен сени шунчаки севмадим,
 Тангримни эслатди тимсолинг.

* * *

Билмам, юрагимни сиқади надир,
 Нимадир яшашга беради халал.
 Ҳаёт саҳроларда қотган кемадир,
 Ўзин манзилни излайди маҳтал.

Бировга чурқ этмас юрагим хаста,
 Шунча сўрасам ҳам айтмас додини.
 Қалбимдан юқори, ақлимдан наstdа,
 Не дерди, унутиб қўйдим отини.

Кўзим очмоқликка мадорим йўқдай,
 Гуё лаҳза ўтгач олмайман нафас.
 Автомат пинжидан отилган ўқдай,
 Сўзларим кимларга бўлмасди ҳавас.

Бақирсам бўғзимдан бўғади овоз,
 Шунча югурсам ҳам унмайди йўлим.
 Ундан қочаверсам кечгандайин воз,
 Чиқиб қолаверар олдимдан ўлим.

Ҳаёт кемасидан туширган қаҳр,
 Ўзи қумни ёриб сузган-у кетган.
 Туғилиб ўлади одамлар ахир,
 Менинг туғилмасдан ажалим етган.



Хуснора РЎЗМАТОВА

СИГИР

Ҳикоя



Акам ўқишга кирдию, уч-тўрт кун аввал болалаган сигиримизни боқиш ўзимга қолди. Мактабдан келгач, говмиш етаклаб далага чиқаман. Яхшиям дугоналарим бор. Улар ҳам мол-қолларини ҳайдаб, ўтлоққа боришади. Сардора, Раъно ва мен чўпонлик қиламиз.

— Юринглар, жийда теришга борайлик! — деб қолди бугун Сардора.

— Бўпти, борамиз.

— Биз кетсак, сигирларга ким қарайди? — деди Раъно иккиланиб.

Сардора унинг қўлидан тортди.

— Ўзлари шу ерда ўтлаб юришаверади.

Шундай қилиб, боққа жўнадик. Бориб жийдаларни қоқиб, ўйнаб-қулиб қайтганимизча анча вақт ўтганини билмай қолибмиз. Қарасак, сигирлар кўринмайди. Бирор ўғри ҳайдаб кетмадимикан, деган хаёлга ҳам бордик. Бизни ваҳима босди.

Биз баланд тепаликка чиқиб, атрофни синчиклаб кузатдик. Шундагина кимнингдир маккажўхоризорини оралаб юрган молларимизни кўрдик. Кўрдигу жон ҳолатда ўша ёққа югурдик.

— Қандай қилиб борамиз, — деди Раъно хансираб. — Бу ернинг эгаси молларни кўриб қолса-чи.

— Агар эгаси ўша ерда бўлганида сигирлар бемалол оралаб юрармиди? — дедим мен.

Маккажўхоризордан бир амаллаб сигирларимизни ҳайдаб чиқдик.

Сўнг уй-уйимизга тарқалдик.

Сигирни молхона устунига боғлаб қўйдим. Негадир сигир хансирашга ўхшаш товуш чиқаргани учун тиқилиб қолдимикан, деб бориб челакада сув келтириб олдига қўйдим. Туш пайти бўлиб қолгани учун овқатланишга уйга кириб кетдим.

Кирсам, уйдагилар эндигина дастурхон атрофига ўтиришган экан. Шунчалик очиққанимдан сигиримизнинг бояги ҳолатини жиддий эмас деб билиб уларга айтмабман ҳам. Кейин ёдимга тушиб:

— Ҳалиги... Боя сигирни устунга боғлаётганимда оғзидан хансирашга ўхшаш товушлар чиқиб галати бўлаётганди, — деб бувим билан отамга қарадим.

Икковларининг ҳам юзини хавотирлик эгаллади.

Онам "Кўп ўт еб бўкиб қолмадимикан?" демоқ-чидек бўлиб, савол назари билан қаради. Аммо бувим билан отамдан олдин фикр билдиришни ўзига эп кўрмай уларни кутди.

Отам жаҳл билан ўрнидан турди.

— Шунақа нарсани ҳам бемалол, бежавотир гапирасанми, қани кўрайлик-чи.

— Ишқилиб тиқилибми, бўкибми қолмаган бўлсин-да, — деб қойинди бувим отамнинг ортидан ташқарига чиқаркан.

Ҳаммасига бунга мен айбдордек туюлиб, молхонага яқинлашганим сайин хавотирим ортиб борди. Отам билан бувимнинг олдига ўтиб не кўз билан кўрайки, сигиримиз қоринлари шишиб, худди чарчаб уйқуси келган одамдек кўзлари сузилиб, аввалгидан баттар пишқариб, хириллаб ётарди.

Отам дарров бориб маҳалламиздаги Олим мол докторини олиб келди. Олим амаки келиб бувим томон яқинлашганида шошилибгина, "яхшимисиз", деб, сигир томон чоғланди. Кейин қўлидаги жигарранг сумкасидан каттакон шприц чиқариб сигирга укол қилди. Сумкасидан тол ёғочидан тайёрланган бир таёқ, икки четидан ип ҳам боғланган ниманидир олиб сигирнинг оғзига солди. Оз вақт ўпандан кейин сигирни югуртиришимиз кераклигини айтди.

Сигир ётган жойида ёғочни чайнар, лекин ўрнидан ҳеч туролмасди.

Отам хаёлида сигирни харом ўлмасидан сўйишни ўйларди-ю, сиртига чиқармасди. Чунки яқинда туғилган бузоқчани ўйлаб кўзи қиймасди. Бувимнинг ҳам бунга қарши чиқишини билиб, индамай қўя қолди.

Уларнинг "нима қилиб бўкиб қолди?" дея савол беришларидан кўрқдим. Сигир билан овора бўлаётган онам, бувим ёки отамнинг қўли бўшаб бирдан жимлик сақлаганида ўйдан чалғитишга ҳаракат қилардим.

Отам қўлини юваётганда бирдан сўраб қолди. Сигирларни ташлаб жийда теришга борганимизни айтдим.

— Сигир оёққа туриб олсин, сен билан кейин гаплашамиз, — деб отам дарвозадан чиқиб кетди.

Отамнинг бу сўзларидан кейин сигиримизни оёққа туришини жуда истар эдим. Сигирнинг аҳволидан хабар олишга борганимда:

— Э, Худойим, сигиримиз ўлиб қолмасин, оёққа турсин, сандан илтимос, — деб ёлвориб ҳам кўяр эдим.

Бир пайт қарасам, бузоқча сигирнинг атрофида нимадир сўраётгандек гир айланиб юрибди. Яқин бориб қарасам, онасининг кўзидан ёш оқаётган экан. Кўриб, кўзларимга ишонмадим. Бузоқча онасининг атрофида айланиб юришини кўриб, қорни очиб, сўт

сўраётганлигини тушундим. Кейин йигирма қадамча наридаги хурмо дарахтига боғлаб қўйдим.

Сигиримизнинг кўзлари сузилиб, хириллашлари раҳимини келтирарди.

Бир маҳал қарасам сигир букилган оёқларини ёзиб туришга ҳаракат қиляпти. Ниҳоят, бир амаллаб ўрнидан турди. Туриб, боласи томон секин юриб борди.

Ўзи бир жойда туриб, онаси томон талпинаётган бузоқча дарров онасининг елинига ёпишди. Бузоқча нафас олмай, пишиллаб, тикилиб қолгудек бўлиб, сут эмарди.

Мен, бу саҳнани охиригача томоша қилишни ёки сигир оёқча турганини отамларга хабар беришни ҳам, билмай довдираб қолдим.



ЗОМИН ИЛҲОМЛАРИ

Бобур ЭЛМУРОД



Булбулга ҳасади бордир қумрининг

Ёш шоир Бобур Элмуроднинг бир қанча шеърӣ машқларини ўқидим. Унинг шеърларида фикр ёрқинлиги, туйғуларнинг рангинлиги, қофияларнинг янгилиги мавжуд. Қаламкаш ўзига хос овозга эга. У ёшига нисбатан шеърятнинг сир-асрорларини яхши ўзлаштирган. Бобур кўп ўқиса, ўз устида янада кўп ишласа катта шоир бўлишига ишонаман.

Бу йўлда унга муваффақиятлар тилайман.

Турсун АЛИ

ШОИРНИНГ УМРИ

Дарбадар елларнинг ортидан бесар,
Кетиб бормоқдадир, оқсаган илинж.
Ўтдай чақин сўзлар тилимини кесар,
Бўғзимни қиймалар ярқироқ қилич.

Елкамни эзгилар зилдаин дардлар,
Замин қўймоқдадир товонимга ўт.
Оғир харсанларни ўйнатган мардлар,
Бир қалам захрига бўлмоқда нобуд.

Унда ёниб турар, ҳарорат... қувват,
Эзилган вужуднинг ундадир жони.
Унда мужжасамдир энг буюк нафрат,
Унда қайнаб турар шоирнинг қони.

Гуноҳдан яралган коинот нечун?
Булбулга ҳасади бордир қумрини,
Бир лаҳза булбулдек сайраши учун,
Номардга бераркан шоир умрини.

* * *

Кемалардек учрашган эдик,
Айрилурмиз кемалар мисол.
Э.Воҳидов

Ўша нигоҳ... юлдуз, эсимда,
Товланарди чироқлар ойдек
Хувиллаган бандаргоҳ узра,
Кемалардек учрашган эдик.

Мармар каби ялтирар қирғоқ,
Бўғлади тўлқин — ваҳима.
Елкалари нуқрадек оппоқ,
Яқинлашар соҳилга кема.

Уни кўрган эдим ўшанда,
Капитаннинг қизи эди у.
Кўзларидек қоп-қора тунда,
Келган эдим унга рўбарў.

Вужудимда сарғайди бир ҳис...
Юрагимда бир саросима.
Бир хабарни эшитдим, афсус,
Қайтар эмиш эртага кема.

Кечир...
Сезаялман сенда ҳам ҳадик.
Соҳилдаман... сен денгизда қол.
Кемалардек учрашган эдик,
Айрилайлик кемалар мисол.

* * *

Маҳкумнинг сўнги нутқидан...

Бугун сўнги куним... сездим барибир,
Мулзам кўринмоқда менга деворлар.
Совуқ деразада қотиб қолган нур,
Тинмай чиғирлайди безовта сорлар.

Нега ер чизасан, маҳкум одамзод,
Бугун сўнги куним... сездим барибир.

Оғир кишанлардан қилиндим озод,
Узоқ қучоқлади кекса бир асир.

Очиқ майдондаман... оломон ичра,
Оғир чайқалади ёғочдаги дор.
Асл титроқларни туйдим ўшанда,
Ўшанда ўзимни сездим гуноҳкор.

Алвидо эй юрак — асов ғалаён,
Сўнги нафасимни сездим барибир.
Узоқ қучоқлади кекса бир асир...

* * *

Тун. Ҳукмрондир сирли сукунат,
Дарахтлар пичирлар эриниб беун.
Шарқироқ сойлар ҳам негадир сокин.
Тун.

Юлдузлар суҳбати тортар хаёлни,
Ҳиллол ҳам ахтарар сирдош бир сойни.
Кўзларимда ёнар сонсиз юлдузлар,
Юрагим ахтарар хилват бор жойни.
Сукунат...

Майсага кўмилиб сайрар чигиртка,
Сойларнинг тубида ялтирайди тош.
Хаёлга ўраниб ухлайди борлиқ.
Оташ юрагимга совуқ қўяр бош.
Қандайдир энтиқиш яйратар танни.
Борлиқ тинч кузатар чиқармайин ун.
Сокин тун...

Сукунат бағрида ухлайди борлиқ...





Абдулла НУР

СИНОВ

Ҳикоя



Кеч куз. Чўпон отарлари аллақачон қишлоқларга қайтишган. Тоғда фақатгина биз қолганмиз. Ниҳоят биз ҳам қайтадиган бўлдик. Ота-онам чошгоҳгача кўч-кўронни эшакларга юклаб, қишлоқ томон илдам эниб кетишди. Бобом иккимиз кўй-қўзиларни аста-секин ҳайдаб йўлга чиқдик.

Кун тушдан ўтиб, ҳаво айниди. Шамол кулранг-оқиш булутларни суриб кела бошлади. Қуёш чиқиб турган бўлса ҳам, нурлари ожиз, одам танасини илитмас, аксинча, ҳар замонда эсан совуқ шамол этни баттар жунжиктирар эди. Бувим ҳар замонда осмонга хавотирли кўз ташлаб кўярди-да, "отанлар ишқилиб ёмғирда жаврамай ета қолсин-да", дерди.

— Бува, агар ёмғир ёгса биз нима қиламиз?

— Бизми? — деди бувам. — Биз унғача бир амаллаб Отқамарга етишимиз керак.

Кўп ўтмай майдалаб ёмғир ёға бошлади. Биз сурувни тезлатдик, лекин ёмғир ёққан сари қўйлар ҳам секин одимлар эди. Ёмғир қорға айланди. Ер оқариб қолди. Кеч куз эмасми, дарров қоронғулик инди. Биз ялангликка чиқиб қолдик. Онда-сонда учрайдиган дўшпидек-дўшпидек тошлардан бўлак катта тош йўқ. Қўйлар ҳам таққа тўхтади. Қимирламай қўйди. Отқамаргача яна хийла йўл бор. Қўлларим совуқдан музлаб қолди. Хивчин билан у қўйни савалайман, бу қўйни савалайман, кошки улар қимирласа. Бувам ҳам эшакдан тушиб олган.

— Болам, фойдаси йўқ, барибир қўйлар энди юрмайди, уларни ўз ҳолига қўй, — деди бувам.

— Нега, сурувни ташлаб кетаверамизми, совуқда ўлиб-нетиб қолмайдами?

— Қўявер, — дея бувам қўл силтади, — бугун осмон ёпиқ, ер музламайди, унга яраша қўйнинг мижози иссиқ бўлади, балоям урмайди. Фақат, жондор йўлиқмаса бўлди.

Дарҳақиқат, қўйлар шунчалик бир-бирига тикилишганидан юз чоғли қўй йигирматадек бўлиб қолган эди.

Эчкини айёрроқ бўлади дегани рост экан. Улар қўйлар орасига шунчалик усталик билан жойлашган эдики, оқибатда барча қўйлар четда қолиб, эчкилар асосан ўртани олган эди. Яхшиямки, қўйлар тўхтаган жой шамол тегмас, камар жой экан. Энди биз ҳам ўзимизни совуқдан асрашимиз керак.

— Қўлим музлаб кетаяпти, буважон, — дедим.

— Қўлингни қорға ишқала.

Мен шундай қилдим. Ростдан ҳам қўлим совқотмай қолди, аксинча қизий бошлади.

— Энди болам, бундай қиламиз, — деди бувам совуқдан қалтираб кетаётган, сийрак соқолли нягини қўли билан силар экан, — хуржунни бўшат.

— Хўп.

Бир-бирига тобора тикилиб олган қўйлар ичидан зўрға икки кўзичоқни топиб, бўш хуржунга солдик ва доим қўйларга бош бўлиб юрадиган катта эчкимизни олдимизга ўнгардик-да, йўлга тушдик. Қўйлар шу ерда қолди. Биз эса Отқамарга кетдик. Отқамар деган жой уч томони баланд қоялар билан ўралган. Қояларнинг тикилигидан дўшпинг ерга тушади. Осмон эса, қудуқдан қарагандай тор кўринади. Лекин мен айтмоқчи бўлган гап бу эмас. У ерда бир ажойиб гор бор. Бувимнинг айтишича аввал ёз ойлари, яъни музлатгич бўлмаган пайтда, шу ерда айрим қишлоқ одамлари сариёғ сақлашган экан. Қишда эса, илиқ, мўътадил ҳаво ҳукмрон. Лекин бу ер кўп чўпонларга шундай ёғин-сочинли кунларда паноҳ бўлгани учунми, бу ерда доим гуллан ёқин учун етарли ўтин, шох-шабба топилади. Гор ичидан доим қандайдир гувиллаган товуш эшитилиб туради. Бу горнинг яна бошқа оғзи ҳам борлигидан далолат. Лекин ҳозирча уни ҳеч ким кашф этган эмас. Хуллас, эшакни гор оғзидаги ёмғир ва қор тушмайдиган жойда қолдириб, она эчкини эшакнинг айилларига боғладим-да, уни гор сари етакладим. Гор ичи буткул қоронғу, ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Яхшиямки, бувамда доим чой қайнатиш учун олиб юрадиган гугурт бор. Бувам елкасидан бир амаллаб хуржунни олди-да, оҳиста уни ерга қўйди. Мен иложи борича хуржун оғзини ёпишга ҳаракат қилдим. Чунки тинимсиз маъраётган кўзичоқлар хуржундан чиқса, хуркиб қочиб кетади, кейин уларни тутиш амримаҳол. Бувам бир амаллаб шох-шаббаларни ёқди ва атрофга олов ёруғи ёйилгач, уюм бўлиб турган қуруқ дов-дарах таналари ва шохларини кўриб мамнун бош ирғади.

— Бу ўтинларни қара. Овчи-чўпонлар қишда каклик овига чиқишади-да. Кеч қолса мана шу ерда бемалол тунаб кетишаверади.

Бувам бу гапларни айта туриб, мен томонга қаради-да, ҳали ҳам эчкини ушлаб турганимни кўриб қайирма пичоқчаси билан ўтин бўлақларидан бирини келтирди. Сўнг уни ерга қоқди-да, эчкини боғлаб қўйди. Энди оғзи ёпилган хуржундаги дами қайтиб, маъраётган

қўзичоқларни ҳам ташқарига чиқардик. Улар бироз хуркиб турди ва сал фурсат ўтиб эчкининг ёнига тикилиб олишди.

Бир пайт ер силкиниб, нимадир гумбуллаб кетди. Ҳатто эндигина ёққан гулханимиз ўчиб қолди. Чор-атроф зим-зиё.

— Кўчки, — деди бувам андак хавотирли овозда, — фор оғзини тош-тупроқ босиб қолди.

Бутун вужудимга қўрқув ва ваҳима ўрмалади.

— Йўғ-е, — дедим аранг.

— Кел, бирон нарса еб олайлик, — деди бувам ўзини тетик тутиб, — кейин фор оғзини очишга уриниб кўрамиз.

Биз қолган-қутган нонлардан тамадди қилиб олгач, ката-катта шохлардан ходалар ясаб олиб, фор оғзини очишга киришдик. Бироқ кечгача ҳаракат қилиб ҳеч нарсага эриша олмадик. Фор оғзи қор аралашган шағалу ҳар хил шаклдаги тошлар билан қопланган бўлиб, уни очиш ниҳоятда қийин.

Шу алфозда тонггача овора бўлдик. Лекин наф йўқ. Иккинчи кун нонушта ўрнида эчки сути ичдик. Анча дармондан кетганмиз. Маърайвериб-маърайвериб қўзичоқларнинг ҳам уни ўчиб қолди. Охири бўлмади. Уларнинг бирини сихга тортдик. Ундан сўнг сувсизлик азоби бошланди. Фор оғзидаги лой аралашган қорни эски човғумда оловга тутиб, эритиб, сўнг ичдик.

— Болам, ўтин ҳам қолмаяпти, — деди бувам.— Бу аҳволда биз ҳеч нарса қилолмаймиз.

Биз қазийтган ердан катта тош чиқиб қолган эди. Энди горнинг бошқа оғзини топишимиз керак.

Биз аслаҳа-анжомларни қолдириб, иккита катта ходалар даста ўрадик ва эчкини етаклаб, таваккал қилиб фор ичкараси томон юрдик. Эчкини ўзимиз билан олишимизнинг сабаби мабодо йўлни тополмасак эчкини сўйиб ейиш эҳтимоли ҳам бор эди. Бувам бир қўлида машғала, бир қўлида эчкининг шохи боғланган ип, мен эса бувамнинг орқасидан узун боғланган ходанинг бошқа учи билан ерга чизиб кетавердим. Агар мобоодо йўл тополмасак қайтиб келиш учун шундай қилмасак бўлмайди. Фуломгардиш фор сўқмоқларидан кўзимни очиб-юмиб, туртиниб-суртиниб иложи борича бувамдан ажралмасликка ҳаракат қилиб, ич-ичимда эса Яратгандан нажот сўраб боравердик. Анча юрдик. Гоҳида аввалги ўтган жойимиздан чиқиб қолиб, фор ичида роса сарсон бўлдик. Бир томондан одамни тинкаси қуриб, сувсизликдан мадорсизланса, бошқа томондан горнинг ўнқир-чўнқир йўлақлари чарчатарди.

Бувамдаги машғала ўчгач, меникини ёқиб олдик. Лекин у ҳам кўпга етмай ўчиб қолди. Хаёлимда биз фақат кун бўйи бир жойни айланиб юргандек туюларди. Бу ерда

қолиб кетишдан Худонинг ўзи асрасин. Қоронғуда сандирақлаб, оёқларимиз топган йўлдан юра бошладик. Бир пайт қаердандир нур тушиб турган жойни кўриб қолдик ва шу томонга юрдик. Биз учун нажот эшиклари очилган эди.

У ерга етиб келгач оёқларимиз сувга тегди. Сув илиққина экан. Кун бўйи юрмай, тихирлик қилиб келаётган эчки биздан абжирлик қилиб, сувга интилди. Бувам унинг шохлари боғланган ипни қўйиб юборди. Кафтларимизга тўлдириб-тўлдириб сув ичдик. Чанқоғимиз қонгач, гордан чиқишни ўйлаб қолдик. Горнинг қаеридандир оқиб келаётган сув айнан мана шу жойдан ер юзасига оқиб чиқар экан. Бу жойда сув тўпланиб қолган ва одамнинг белига келар, биз буни сув оралаб бориб, туйнук ёнига боргач сездик. У ердаги сув босими одамни ташқарига итариб чиқаргудек бўлар эди. Ташқаридан тушаётган нур одамни шунчалар яйратиб юборар эдики... Сув чиқадиган горнинг оғзи энigma, бир одамнинг гавдасидан сал кенгроқ даражада. Биз синаш учун биринчи бўлиб эчкимизни сувга ташладик. Эчки бир-икки сув юзига қалқиб чиқиб, маърадио, яна сув остига кириб кетди. Бир пасдан сўнг туйнукдан эчкининг маъраган овози қулоққа чалинди. Шундан сўнг бувам ҳам у ерга тушди. Бувамни ҳам сув суриб ташқарига олиб чиқиб кетди. Сўнг мен ҳам чуқур нафас олиб, сувга шўнгидим. Сув менинг гарданимгача келар экан. Ўша туйнукчага қараб тўғри юриб бордим ва бошим фор тошларига тегмаслиги учун эҳтиёт бўлиб ўтирдим. Дарҳақиқат, сув мени бир неча дақиқа ичида гордан ташқарига олиб чиқиб ташлади. Бир одам бўйи ёки ундан сал юқориқроқ шаршарачадан сувга қўшилиб, сув тушаётган ҳовузга шалоп этиб тушдим. Бошим қаттиқ нарсага тегди. Тош экан, ёрилиб, қон чиқиб кетди. Шундай қилиб, биз бир амаллаб бу гордан чиқиб олдик. Бувамга ҳеч нарса қилмабди. Фақат бироз шамоллаган экан, тез орада тузалиб кетди. Менинг ёрилган бошим ҳам битди.

Ўша кунни отам совуқда бизни қидириб тоққа чиқибди. Ахтариб-ахтариб, ахийри ҳар томонга тарқаб кетган қўй-эчкиларни бирма-бир тўплабди. Лекин бизни изламаган жойи қолмабди. Тополмагач, ноилож отарни ҳайдаб уйга кетибди. Биз, бувам иккаламиз кейин горга кирган жойимизни бориб кўрдик. Афсуски, фор оғзи бутунлай кўчки остида қолиб кетган, тош ва шағал билан қопланган эди. Фор оғзига боғланган эшак ҳам кўчки тагида қолиб кетганди. Минг шукрки, бу кўчки зарбидан фор ичидаги тошлар қуламаган. Йўқса биз ҳам тирик қолмаслигимиз аниқ эди.

Кейин бувам иккимиз фор ичидаги бундай балолардан асраган Яратган Эгамга шукрлар айтиб уйга жўнадик.

Ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари ҳар галгидан ҳам кўра бу йил ўзгача кўтаринкилик билан ўтди. Чунки навниҳол ижодкорларимизнинг юзида, кўзида “Ёшлар йили”нинг шукуҳи кезиб юрарди. Уларнинг илиқ, самимий битикларида Ватанга, юртга муҳаббат, порлоқ келажакка ишонч туйғулари силқиб турибди. Алишер Отабоев, Отабек Раҳимов, Маъмура Ёқубова, Жўрабек Жангиров, Ҳуснора Рўзматова, Бобур Элмурод каби бошловчи, ёш ижодкорларнинг илк машқлари устозлар эътиборига тушди.

Журналимизнинг ушбу сонида семинар давомида яхши баҳоланган ижодкорларнинг илк асарларидан намуналар беришни лозим топдик.



Ширин СОБУРОВА

МУҲАББАТ

Ҳикоя

Бир маромда тарақлаб кетаётган поезд деразасидан ташқарига термулиб ўтираркан, Ризонинг шу кунларда кечаётган воқеаларни мушоҳада қилиши учун вақти бемалол эди. Истаса-истамаса кўнглига ҳам илинж, ҳам умидсизлик индираётган ўй-хаёллар уни тарк этмасди.

Ишлаш учун узоқ сафарга жўнади-ю, бор ҳузур-ҳаловатидан ҳам айрилди. Ширин изтиробининг боиси бўлиши қизни мусофир юртда учратиши ўзининг ҳам етти ухлаб тушига кирмаганди. Ким ҳам юрагига амр этибдики...

Режалари амалга ошишига у қадар кўзи етмаса-да, барибир нимадир қилиши кераклигини ўйлаб кўнгли баттар хижил тортиди. Ўйлар ҳам худди шу йўллар каби адоқсиздай кўринарди.

Йўл сафарининг ҳам поёни кўриниб, ниҳоят қадрдон шаҳарчасига етиб келди. Юраги соғинчдан жўш уриб, жонажон уйлари томон ошиқар экан, шу кичик, кўчалари доимо одамлар билан гавжум шаҳарчани одамлари билан бирга қўшиб кўзларига суртгудек эди.

Шом маҳали уйларига кириб борди. Айнан шу бугун келишини билмаса-да, келиб қолиши эҳтимоли борлигидан онаси шу кунларда тиқ этса эшикка термулиб ўтирганди. Оилада улар тўртга ўғил, учта қиз бўлишига қарамай, тўнғичи бўлганлигиданми, онаси Ризога кўпроқ боғланган, айрича меҳр қўйган эди.

Уйлари бирпасда уни кўришга келган яқинлари билан тўлиб кетди. Акаларининг келганлигидану зиёфатнинг қуюқлигидан, қўйинг-чи совға-саломларнинг зўрлигидан ука-сингиллар бир яйрашиб, оёқлари олти, қўллари етти бўлиб елиб-югуришиб чарчамалдилар.

Меҳмондорчилик тугаб, ҳамма оромуйкуга кетган бўлса ҳам Ризо чорбоғда анчагина ухлаёлмай ётди. Тун чўкиб, ёз иссиғининг тафти босилиб, оромбахш салқин ҳаво эпкинлаб қолганди. Чигирткаларнинг чириллашию, юлдузларнинг сокин жимир-жимири — бари тароватли эди.

Эрталаб нонуштадан кейин онасининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, унинг у-бу юмушларига қараган бўлди, укалари билан кўнгли ёзишди, бирров кўчани ҳам айланиб келди. Шу тариқа яна бир-икки кун ўтди. Оналар зийрак бўлишмайди, ўғлининг айтгули гапи борлигини дарров пайқайди. Кечки пайт оналарга хос мулоим оҳангда сўз бошлади:

— Ўғлим, шу ўтиришингда бизга айтадиган гапинг борга ўхшайди, онангни хавотир қилма, гапира қол, бугун айтдинг нимаю, эрта айтдинг нима, — деб қолди.

Кела солиб оғиз очмай деб фурсат кутиб юрган Ризо дабдурустан бир нарса дейишга тортиниб:

— Ҳеч гап йўқ, она. Йўл чарчоғини чиқараяпман-да, — деди, бироқ онасининг синчков назар билан оғиз пойлаётганини кўриб, гапининг индаллосига кўча қолди:

— Ўзингиз жуда зийраксиз-да, она. Сизга айтмоқчи бўлганим бир қиз ҳақида. Ўзи ўша ерлик, жуда баъмани қиз...

Гапни ўзи бошлаган бўлса ҳам она энди ўғли сўзини тугатишини кутмади.

— Ҳа, гапни шундан бошламайсанми, сенларни ўзи сув ташишга ҳам юбориб бўлмайди, дарров бир нима рўй бера қолади.

Бошланди. Бердисини айтмай туриб жиғибийрон бўлаяпти. Қаёқдан ҳам дилини ёра қолди.

— Бу ёқларда қуриб қолган экан-да, — ҳамон норози, бир йўла фармонона оҳангда давом этарди она.

— Онаизор не умидларда йўлга қўз тикиб ўтираркан-да, ўғил нима ташвишда. Бир ками юрт ошиб келин қилишим қолувди. Кимга уйланишини билмайди гўё. Бу ёқда тарадудни бошлаб қўйган бўлсак, келишинг биланоқ тўй қиламиз ахир. Остона ҳатлаб биттасининг нағмасига уча қолибсан-да.

— Она, биз ҳатто гаплашмаганмиз.

— Оббо, шуниси етмай турувди энди, — инқиллаб ўрнидан тураётди, ўзича гапирган бўлди онаси.

Тамом, бунини ҳал қилувчи сўз ўрнида қабул қилиш

мумкин. Онаси кимни назарда тутаётганини Ризо яхши биларди, уни қатъий рад этмаган бўлса-да, гап кетганда рўйхушлик ҳам бермаган.

Орзусидагини эса ишлашга борганида учратган, у билан ҳам нари борса салом-алик қилишган. Уни ҳар учратганида илгари ҳеч туймаган ажиб туйғуларга чулганар эди.

Ихтиёрсиз назар ташлайверганидан бўлса керак, қиз ҳам уни пайқайдиган, эътибор берадиган бўлди. Мана энди унинг кўнгил мулки ҳам омонатга ўхшаб кўринди.

Ризонинг онаси у уйланиши керак бўлган қиз — Аминанинг онаси билан ёшлиқдан эгачи-сингил тутинишган, кетма-кет фарзандлар кўришишгач, болалари катта бўлишгач қуда бўлишликка аҳдлашишган эдилар. Ўзидан тўрт-беш ёшларга кичик бўлган Амина ҳақида бу гапларни болалиқдан эшитиб қулоғи пишиган эса-да, Ризо қизга нисбатан дилида ҳеч нарса туймас, турмуш қуришлари ҳам чўпчакка ўхшаб кўринарди.

Бугун Ризонинг кўчага отланаётганини кўрган онаси атайлабданми, ундан Аминаларникига ҳам кириб, сўрашиб ўтишини тайинлади. Уйлари ораси яқин бўлиб, бориб-келиб юрадиган жойлари эди. Йўл усти уларники томон бурилди ва ҳовлиларида юмуш билан андармон юришган уй соҳибини, унинг ўғли ва Аминани учратди. Қиз уни кўриши билан ўзини четга олди, бир қизариб, уйлари томон ичкарилади. Буни кузатаркан, Ризонинг кўнглидан "кошки ҳаётимдан ҳам шундай узоклашсанг" деган ўй ўтди, шу заҳоти "тавба" деб қўйди-да, сир бой бермасдан хонадон аҳллари билан очиқ чехрада сўрашди. Қолаверса, қизда ҳам нима айб. Қизик, Ризонинг ўзига кам эътиборлигидан ташвишланмасмикан?

Ризо болалигидан шўх бўлишига қарамай, мўмин-қобилгина бўлиб ўсди. Чаптастлиги ишда қўл келди, кўпчиликнинг диққатини тортиб юрди. Мана энди суйган гулига ҳам қўл чўзолмайди, онаси ҳукм ўқиган. Ризо онасидан ранжимасликка ҳаракат қилар, унинг турмушда кўп қийналганини, бир томони ўктам аёл бўлганлигидан сўзини чўрт кесиб гапириши ҳам азбаройи хуш кўрганлигидан эмас, ҳаёти тақозоси эканлигини у яхши биларди.

Отаси эса рўзғорнинг каттагина қозонини қайнатаман деб эртаю кеч тиним билмас, ўзига тегиб "рўшнолик кўрмаган" аёлининг жаврашларига кўпда парво қилавермас эди. Ризо ўз ташвишлари билан отасининг дилини оғриштишни истамасди.

* * *

Бу томонда эса мусофир йигитнинг самимий нигоҳларию, ширинсуханлиги қиз эътиборини жалб қилиб бўлганди. У ҳам энди Ризони бот-бот эслайдиган, ҳар эслаганда кўнгли равшан тортадиган бўлди.

Шундай кунларнинг бирида йигит дабдурустан кўринмай қолди. "Бошқа ишга ўтказишдимикан, сафари

қариди деса, шериклари шу ерда, эҳтимол тоби қочгандир", дея ўйларди қиз. Бировдан сўрай деса ортиқча гап-сўз.

Ҳаммаси ўша, улар тўйга борадиган кундан бошланди. Айтилган жойга бирин-кетин тўпланишди, тўғрироғи ҳаммани у тўплаётган эди. Ясан-тусан жойида. Ҳамроҳларини кутиб биров туриб қолишди. Ўша жойда машиналари билан ҳозир бўлган баланд бўйли, кўркем бу йигит шериги билан қандайдир ишга машғул бўлиб аллавақтгача шу атрофда юрди. Шунда қиз йигитнинг ўзига ўқтин-ўқтин қараб қўяётганини сизди. Куз охири эди. Ҳаво бирмунча совиб қолган, тўйхона эса яқин эди. Чироқ ёруғида туришганди ўшанда. Тўй базмида ўтирганларида ҳам йигитнинг ўтли нигоҳи қизнинг бир-икки хаёлидан ўтди. Базм яхши ўтганмиди ё унга шундай туюлди, файзли эди ўша оқшом.

* * *

Кунларнинг бирида деразадан бир муддат ташқарини кузатиб тураркан, қизнинг кўзи баногоҳ одамлар орасида турган Ризога тушди. Юраги бир энтикди — йўл қараб бекор қилмаган экан, ниҳоят келди.

Бирор нарсани баҳона қилиб кўчага чиққиси келди, бироқ фикрдан тез қайтди, яхшиси ҳар доимгидек тасодифий учрашувни кута қолади.

Эртаси кунни зинадан тушиб келаркан, "тасодифий учрашув" рўй берди. Йигит йўлақда туриб қўл телефонида гаплашар эди. Қизни кўриб телефонга баттар энгашди. Атайлабдан шундай қилдими ёки уни пайқамадими, қиз тушунолмади. Барибир ичидан зил кетди.

Ҳушида ҳам, тушида ҳам бир зум хаёлини қиз тарк этмаётган бўлса-да, тақдири деярли ҳал бўлган Ризо қизнинг маъсума юзига қарашга ҳам ўзини ҳақсиз деб биларди. Ўз кўнглидан юлиши керак бўлган муҳаббатни қиз кўнглида парвариш қилишини истамасди.

Ҳарчанд ўзини бепарво тутишга уринмасин, қиз йигитнинг муносабатини тушунолмасди. Аммо у мулоҳазали бўлганлигидан йигитни айбламас, бунга арзигулик бирор сабаби бўлса керак ва бу ўткинчи ҳолдир деб қарарди. Ҳар лаҳза йигитни хаёлан ёқлашга шай эди.

Ризо ортиқ тоқат қилиб туролмади. Телефонни қатлаб чўнтагига тикди-да қиз томонга илкис бурилди. Шу баробарида қиз ҳам йигит томон юзланди. Негадир айни пайтда иккиси ҳам бирор оғиз гап айтишни истамасди. Улар гўё бир-бирига сингиб боришарди...





Ҳол Муҳаммад ҲАСАН

ТАШҚАРИДА

Қарши Давлат Университетида бўлиб ўтган “Абдулла Орипов сабоқлари” дарсидан кейинги сабоқлар...

ҲАЗИЛ

Шоир Сирожиддин Саййид ўтиб дарс,
Демиш: “Устоз замондин ташқарида”.
Мухлисалар юрагига кетиб дарз,
Демиш: “Бу ишқ рўмондин ташқарида”.

Гул тутишиб саруполар ёпдимиш,
Тахайюлга тушуб тўюб ўпдимиш,
Аммо, шоир сирли қилиб дебдимиш:
“Манинг кўнглум чопондин ташқарида”.

Дарсда устоз таклифи “Амри вожиб”,
Файрат ила жўшди-ку Файрат Мажид.
Рустам шеърин “улғайтириб”, таажжуб,
Демиш “энди иштондин ташқарида”.

Абдурайим ака сабоқда бош-қош,
Исмоил Тўхтамиш ва бир қаламқош.
Қилич, Фулом Абди, Бойназар Йўлдош,
Вардашвилиси сондин ташқарида.

Муҳаммад Очил бермиш Кешдин хабар,
Тошин териб кутармиш Сармон Сафар,
Қаён сафар қилсак чиқмиш ҳар сафар,
Бобораҳмат — “майдондан ташқарида”.

Тўй берибмиш элга Норқобил Жалил,
Бизим ташрифқа аҳли Китоб далил,

Локин тумонотни тўплаб не зарил,
Меҳмонлар ресторандин ташқарида.


“Мингчинор”ни тахтлаб ташламиш Қора,
Биз — мезмонларни ҳам қилмай овора,
Шоирлар шод бўлса деб зора-мора
Дам олдирмиш давондин ташқарида.

Мошинларни Ургут тараф узатиб,
Қайтиб Тахтиқорачадин кузатиб,
Этай десак энди оёқ узатиб,
Овоз келмиш осмондин-ташқарида(н).

Англадимки — ўзимизнинг Нарзулло,
Кўлда тугун тутиб турганмиш, илло:
“Тўнин ташлаб кетибди-ку домулло,
Киярди-да Тошкандин ташқарида”.

Дедим: “Қайда экан шоир, биллойин,
Соткадан бир жавоб чиқди мулойим,
Яъни, бизнинг МТСга “Билайин”,
Деди “Ул телефондин ташқарида”.

Сири босар маҳобатли тоғларнинг,
Кўзин очиб бағрида булоқларнинг.
Давом этур устознинг сабоғлари,
Имкон истаб имкондин ташқарида.



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi.*«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati***Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Gulruh A'ZAMOVA

Saidvafo BOBOYEV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Nurmat OTABEKOV

Minhojiddin MIRZO

Shunqor XUDOYBERDIEV

Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari:

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'afhor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqq boshlagan.

© "Yoshlik" № 4 (221) 2008 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**SO'Z YOSHLARGA**

Orzubeq BOBOEV. "...borligimiz, shonu shuhratimiz..." 1

NAZM

Abdurahmon JO'RA. Endi bu bo'g'larda bari boshqacha. 15

Zokir XUDOYSHUKUR. Shuldir bizga xush saodat. 22

Zikrilla NE'MAT. Yur, ketaylik jonim, Labi Hovuzga. 33

Dilafro'z CHORIYEVA. Men yonishni istagan gulman 36

Komila NOSIROVA. Muhabbatning ko'zlari ma'yus. 39

BIRINCHI UCHRASHUV

Dilnoza MURATOVA. Yurak istagiga yurgandek bo'ldim. 14

SHAHRIYOR. Kechikkan tuyg'ular. 34

NASR

Nazar ESHONQUL. Olisdagi ibtido. Hikoyalar. 2

Jumanazar BEKNAZAR. Karvon. Hikoya 16

Anvar NAMOZOV. Azal kotiblari. Qissa. 23

Shirin SOBUROVA. Muhabbat. Hikoya. 45

TADQIQOT

Ziyodilla XIDIROV. Davlat hokimiyati va xalq irodasi. 37

ZOMIN ILHOMLARI

Jo'rabek JANGIROV. Men shunchaki sevmadim. 40

Husnora RO'ZMATOVA. Sigir. Hikoya. 41

Bobur ELMUROD. Bulbulga hasadi bordir qumrining 42

Abdulla NUR. Sinov. Hikoya. 43

YELPUG'ICH

Hol Muhammad HASAN. Tashqarida. 47

Muqovalarimizda

1-betda: Tungi Toshkent jamoli.

2-betda: Zomin an'anaviy ko'rik-tanlovi.

3-betda: Zulfiyaxonim.

4-betda: Baxtli bolalik.

Manzilimiz: Toshkent shahri, O'zbekiston ko'chasi, 16A-uy. **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

Telefon: 227-08-23. Bosishga 12. 08. 2008 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1F8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi» deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 87

Manzil: Toshkent. sh. Istiqlol ko'chasi, 33-uy.